ЁШ КУЧ

2/1989

ISSN 0235—1277

БУ СОНДА:

Кун тартибида:
Идеал ўқувчи

Ким секретарь бўлади?

Янги саҳифа: «Мутолаа»

Чўлпоннинг
«Гавҳар» ҳикояси

Ҳамза 100 ёшда

Икки аёл—
икки қора бахт

«Кулгили одамнинг туши»

Танишинг: д'Артаньян!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Самарқанд шаҳридаги 36-ҳунар-техника билим юртида ёшларнинг билим олишлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Суратда ўқитувчи Н. Г. Асадуллин электротехника кабинетида дарс ўтмоқда.

А. КУДРЯШОВ фотоси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бахтиёр КАРИМОВ

ҒАНИОБОД ЛОЧИНЛАРИ

Фарғонадаги «Ғаниобод» совхози республикамиздаги доврўқли хўжаликлардан. 35 та каттакичик қишлоқни бирлаштирган бу совхоз қозонидан 53 мингга яқин одам овқатланади. Уни республикамизнинг мўъжазгина аксига қиёслаш мумкин. Сабаби — гарчи унча-мунча макка, беда, сабзавот экинлари экилса ҳам совхозда етиштирилаётган энг асосий маҳсулот пахта ҳисобланади. Хўжаликнинг довруғи унинг йириклигидан эмас, балки ўн мингдан зиёд оиланинг пешона теридан бунёд бўлган.

Директор билан суҳбат

Директор Абдуллажон ака Аҳмедов редакция топшириғига кўра ёшлар ҳаётидан мақола ёзмоқчилигимизни эшитиб олдимизга совхоз ҳаётини акс эттирувчи суратларни уюб ташлади. (Уларнинг баъзиларини қуйида эълон қилмоқдамиз). Кейин ёшлар олиб бораётган ибратли ишлар ҳақида сўзлай кетди:

— Ёшлар қишлоқ хўжалигида фаол иштирок этмоқда, энг катта муаммоларимиз уларни уй-жой билан таъминлашдир. Илгари ота-буваларимиз ўғил кўрса 20 та терак эккан экан. Биз уларнинг энг яхши анъаналарини қабул қилиб олиб, етти йил бурун 6 гектарча ерга терак экувдик, ҳозир улар ишлатишга тайёр бўлиб қолди. Ҳозир бу ишни тобора ривожлантиряпмиз. Совхозда 68 та пахтачилик бригадаси бўлса, шийпон атрофларига ҳам, Фарғона канали бўйларига ҳам кўчат экиб ташладик. Бу ишда ҳам, пахтачиликда ҳам ёшлар фаоллик кўрсатишди. Ҳозирги пайтда совхозда 1 миллионта терак кўчати етиштириляпти.

— Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак...

— Тушундим гапларингизни. Битта терак ўтказиш билан иш битмайди, тўғри. Лекин, биз, ана, ғишт заводи ҳам қурдик. Кунига 15 минг ғишт пишириб беряпти. Ғиштнинг яна бир хосияти шу эканки, уни қўшни хўжаликлар жон-жон деб бошқа қурилиш материалларига айирбош қилишаркан. Ҳозир бизга 5381 та уй керак. Ҳайдаробод, Бўстон, Янгиҳаёт, Комилчўл посёлкаларига кооператив уйлар ҳам қуряпмиз. Бироқ, қурилиш материалларининг нархи қимматлашиб бораётганлиги халқнинг уй-жойга бўлган талабини меъёрида қондиришга ҳалал беряпти.

«Қурилиш материалларининг қимматлашиб бораётганлиги»... Дарвоқе, биз нега бу хусусда кўнглимиздаги гапларни, шубҳаларни очиқ-ойдин айтмаймиз?..

Кейинги йигирма йил ичида қурилиш материаллари, айниқса ёғоч маҳсулотлари кескин қимматлашиб кетди. Сабаби... номаълум. Нима, ўрмончилик янги технологияга ўтдими? Балки ҳозирги ёғочларнинг сифати йигирма йил бурунги қариндошларининкидан бошқачароқ, яхшироқдир?! Мен ўрмон хўжалиги ходимлари турғунлик даврида меҳнатларига янгича ҳақ тўлашни талаб қилганларини эслолмайман. Эҳтимол, яқинда бўладиган нарх-наво ислоҳотида бу масалалар бошқача, маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарф қилинган ишчи кучи, ҳаражатлар, халқ эҳтиёжлари-ю, имкониятлари нуқтаи-назаридан қайта кўриб чиқилар. Ушанда «Ғаниобод» совхозидаги уй-жой муаммолари қисман ҳал бўлишига шубҳамиз йўқ. Ҳар ҳолда, пахта етиштириш билан дарахт етиштиришга сарфланган меҳнат тенг эмаслиги рост гап.

Ҳаёт билан юзма-юз...

Биз «Ғаниобод»га борганимиз октябрь ойининг бошларида эди. Директор билан суҳбатлашгач, халқ ҳаёти билан танишгани кабинетдан далага чиқдик. Шаҳар, айниқса, пойтахтда димиқиб юрган одамлар илгари мусаффо ҳавосидан симиргани жон-жон деб қишлоқларга чиқишарди. Ҳозир қишлоқ ҳавосининг ҳам файзи қолмабди. Илгари қишлоқ кўчаларидаги ариқларда сувлар тўлиб-тошиб оқар, шоирлар ариғидан олма оқизган қўшни қизлар ҳақида шеърлар битишарди. Ҳозир эса...

Қишлоқларни айланамиз. Ажойиб публицист акамиз Дадахон Нурий пойтахт кўчаларига оқ ўрик ўтқазаман, деб бекорга хомхаёллик қилган эканлар. Илгари бунақа бўлмаган ахир, ҳозир қишлоқ кўчаларида мевали дарахтларнинг мундайроғи — эшаколмани ҳам учратолмайсиз. Шаҳарда «розмарин» деб олифта ном олган эшаколманинг килоси куз адоғида салкам 2 сўмга чиқиб кетиши — номи Ўзбекистон пойтахти деган жойда одатий ҳол бўлиб қолди.

Истеъмолчилик, ҳисоб-китоб психологияси шаҳарлардан аллақачон қишлоқларимизга ҳам кўчиб ўтган, энди қишлоқ одамлари мевани наинки бегонага, балки ўз боласига ҳам раво кўрмай бозорга олиб чиқишга маҳкум. Сабаби — пахтага тўланадиган ҳақ (садақа деб атасак тўғрироқ бўлади) билан тирикчилик қилиш мумкин эмас. Ўзбекистондай жойда (!) яшаб туриб ҳам бола-бақралар мева-чевага, сутга тўймай илиги пуч бўлиб ўсмоқда...

Хуллас, Ўзбекистон районидаги «Ғаниобод» совхозининг идорасидан чиқиб, совхозда планни биринчи бўлиб бажарган комсомол-ёшлар бригадаси шийпонига етиб келдик.

Қаровсиз шийпонни биринчи марта кўриб турмаганимиз учун беписарволик билан «бригад» одамларини қидирдик. Лекин уларни ўз далаларидан тополмадик: планни бажарган азаматлар қўшни бригадаларга ҳашарга чиқиб кетишган экан...

Мукофотга учта кир совун...

...Кечки соат 7 лар чамаси эди. Ғолиб комсомол-ёшларни «қишлоқ автобуси» — юк машинаси уйларига тарқатаётганида учратдик. Улар билан йўл устида давра тортиб суҳбатлашдик.

Комсомол-ёшлар бригадасида биринчи эътибор берганим — ялангоёқ болалару (қаҳрамон элимнинг нотавон фарзандлари) ёши бир жойни қоралаб қолган онахонлар бўлди. Қизиқ, комсомол-ёшлар бригадаси аъзоларининг ҳаммаси комсомол ёшида бўлиши шарт эмас экан. Буниси унча муҳим эмас, лекин ялангоёқ болалар...

— Ахир аёз тушиб қолди, нега болалар боғчада эмас, далада юришибди,— деб савол берганимни биламан, аёллар мени талаб кетишди.

— Боғчада жой етишмаяпти.

— Ялангоёқ юришлари-чи?..

— Магазинда шу болаларбоп оёқ кийими йўқ, қолаверса, камҳаржлик...

— Ҳов ука,— деб сўз қотди кузовда ўтирган бир кампир,— мен шийпонда болабоғчалик қиламан, 60 сўм ойлик беришяпти, шу тўғрими...

— Билмадим.

— Бир ойда 30 кун ишлаймиз, табелга шунча кун ёзилмайди, шу тўғрими?

— Нотўғри...

Саволлар ўқи дўлдай ёғилиб кетди.

— Нега Конференциядан кейин телевизорларимиз Тошкентни кўрсатмай қўйди?

— Майда болаларимиз ҳам уч чақирим наридаги мактабга пиёда қатнашади, катта йўл бўйидан. Қоронғи тушган пайтида мактабдан қайтиб келишгунча юрагимизни ҳовучлаб ўтирамиз. Автобус қўйишса бўлмайдими?..

— Шаҳарликларнинг боласига ҳар ойда бир килодан шакар беришаркан, шу тўғрими? Нега бўлмаса қишлоқда шуям йўқ. Е бизнинг болалар шакар ейишмайдими?

Нега? Нега? Нега?..

Хотин ғингшиётган боласининг қулоқ-чаккасига шапалоқ тортиб юборди. Йиғламоқчи бўлган бола олифта шаҳарликлардан уялиб, тағин онасининг пинжига тиқилди.

Қишлоқдагиларнинг ягона овунчи — телевизордаги концертлару онда-сонда келадиган кинолардан иборат бўлиб қолибди.

Пули борларнинг баъзилари 40—60 сўмга «ретранслятор» деган асбоб сотиб олиб Тошкентни кўрсатмай қўйган телевизорларини тузатиб олишган. Шу пулга қурби етмаганлар 3—4 ойлаб телевизор кўрмай ўтиришибди экан. Эҳтимол бу бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кун тартибида:

(ёки Самарқанд область, Советобод районидаги Ислом шоир

Бепоён чўл бўйлаб, илон изи йўлдан илдамларканман, беихтиёр хаёлимдан ёшлик йилларим ўта бошлади. Ушанда поёнсиз яйловда жўралар билан қўй боқиб, номозшомгача даладан бери келмаганимиз ёдимга тушиб, сесканиб кетдим. Шоир сатрлари ёдга келаверди:

«Ватанни сев! Тупроғини ўп,
Ҳар қаричи муқаддас бизга!
Чўлидаги ҳатто қуруқ чўп,
Жондан яқин юрагимизга».

Ҳа, ундаги ҳар бир жонзод, табиат юрагимга яқин. Ташвишга кўмилган чорвадор юмушлари эса мен учун бегона эмас. Ҳар гал ҳузурларига йўлим тушиб, уларга қўноқ бўлганимда мен ёш чорвадорлар билан дилдан суҳбатга киришиб кетганимни сезмай қоламан. Аммо бу гал чўпон болалари, сизларнинг ҳаётингиз билан журналист сифатида қизиққаним туфайли гурунг сал бошқачароқ кечди.

Мактабга яқинлашишим билан мени баҳс қандай бўларкин; ўқувчилар менга кўнгилларини очишармикин; деган саволлар безовта қила бошлади. Гапнинг очиғи, агар ўқувчилар ўзимиз ўқиган пайтлардагидек бўлишса, баҳснинг яхши чиқиши амримаҳол, деган хаёлга ҳам бордим. Хавотиримни мактабнинг илмий бўлим мудири Дилмурод ака Қобуловга айтдим. Дилмурод ака

бироз ўйланиб турдида, болаларни тўплаб ўзи сўз бошлади. Ушанда, саломаликдан сўнг сизларнинг кўзларингизда чақнаган болаларча қувлик, шу баҳсга бирор бир нарсани айтиш учун келганларингиз сезилиб турганлиги гумонларимнинг сароб эканини исботларди.

— Ҳурматли болалар, бугунги баҳсимиз кун тартибида идеал ўқувчи масаласи турибди. Ўйлайманки, ҳозир сизлар тортинмасдан, шу муаммони атрофлича муҳокама қиласизлар. Хўш, мактабимизда идеал ўқувчи борми ўзи? Агар йўқ бўлса, қандай муаммолар ўқувчининг идеал бўлиб шаклланишига тўсқинлик қилмоқда? Шулар хусусида ўз фикрларингизни айтсангизлар. Бу ҳаммамиз учун жуда фойдали баҳс бўлар эди. Негаки, биз шундай мулоқотларни, ўзаро фикр алмашишларни кам уюштирамиз. Ҳолбуки, ўқитувчилар учун ўқувчиларнинг дилидаги гапларни билиш, шулар асосида ишни ташкил этиш жуда муҳмдир.

Сизларнинг бир-бирингизга қараб-қараб олишларингиздан «сен бошла, сен бошла» деяётганликларингизни англаб олса бўларди. Мени эса қайсингиз биринчи бўлиб сўз бошлашингиз, нималарни айтишингиз қизиқтирарди. Шунда орқароқда ўтирган қизлардан бири ийманибгина ўрнидан турди. У ўзини Матлуба Дўстмуродова деб таништирди.

— Идеал ўқувчи деганда менинг кўз олдимга озода кийинган ўқувчи келади. Айримлар аъло ўқиши мумкин, лекин ўзига қарамайди. Бундай ҳол онда-сонда бўлади. Кўпинча намунали ўқувчи ҳеч қачон кир-чир бўлиб юрмайди...

Матлубахон синглим, тўғри айтяпсиз. Сиз идеал ўқувчи учун керакли бўлган ҳислатлардан бирига тўхталдингиз. Лекин озода кийиниб юриш замирида кўпгина нарсалар ётади. Кийиб юрган кийим унчалик қиммат бўлмасада, тоза бўлса шунинг ўзи кифоя. Қишлоқ жойларда шаҳардагидек ҳамма қулайликларга эга бўлган ҳаммом йўқлиги, ўз ўрнида мактабларда тозаликнинг ёмонлигига сабаб бўлса керак. Шаҳарликлар (европачасига кийинганлар бундан мустасно) билан қишлоқликлар ўртасидаги фарқнинг келиб чиқишига бу ҳам оз бўлсада таъсир этади. Саранжом-саришталик қизларнинг биринчи фазилати бўлиши керак. Афсуски қишлоқ қизлари шаҳарлик тенгдошларидан озодалик жиҳатидан анча орқада. Қишлоқ юмушларининг кўплиги қишлоқ қизларига кир-чир бўлиб юришга асос бўлмаслиги керак. Бу турли хил касалликларнинг, айрим ҳолларда оиланинг бузилишига олиб келадиган сабабларнинг келиб чиқишига замин тайёрлайди. Шу биргина камчилик қанча кўнгилсизликларга сабаб бўларкан, унга қўл силтаб ўтиб кетиш асло мумкин эмас.

Матлубанинг гапларидан сўнг сизлар бироз бўшашганга ўхшардинглар. Лекин ўнинчи синф ўқувчиси Комила Нуронованинг чиқиши сизларни активроқ бўлишга ундади.

— Аввалмбор, идеал ўқувчининг тўлиқ шаклланиши учун мактабда, қолаверса уйда унинг учун неки зарур бўлса, барчаси муҳайё бўлиши керак,— дедингиз Комилахон.

— Нималарни назарда тутяпсиз?

Мактабда илм олиш учун керакли бўлган барча шароитларни, уйда дарс қилиш ташкил этилишини ва ўзини келажакка тайёрлашни, яъни шу пайтдан меҳнат кўникмаларини ҳосил қилишни, — деб жавоб қилдингиз. Яна бир савол. Сизларнинг илм даргоҳларингизда юқорида санаб ўтилган шарт-шароитлар мавжудми?

— Афсуски, тўлиқ дейишга эрта. Мактабда спорт зали йўқлиги, тўгаракларда асбоб-ускуналар камлиги бунга яққол мисол бўла олади. Шундай экан, бу мактабда идеал ўқувчини топиш қийин, деяпсиз. Сизлар шу масалалар бўйича жавобгар шахсларга мурожаат қилганмисиз?

— Ҳа, неча бор айтилган, ижобий силжишлар кам...

Биз тўгаракларни асбоб-ускуналар билан таъминлашдаги бу сусткашликлар сабабини, баҳсимиз қатнашчиси, район халқ маорифи бўлимининг мактабгача ва мактабдан ташқари ишлар бўйича инспектори Эшбадал ака Раҳимовдан суриштирдик.

— Албатта, Комила, сизнинг гапларингизда жон бор. Мактабларда тўгараклар фаолият кўрсатиб турибди. Бироқ уларни керакли анжомлар билан жиҳозлаш ишлари тўлиқ йўлга қўйилмаган. Бунинг сабабларидан бири моддий базамизнинг шу кун талабига жавоб бермаслиги бўлса, иккинчиси эса

жиҳатдан яхшидир. Телевизор ҳам кўрмаса қишлоқ аҳли Тўлапберган Қаипберганов таъбири билан айтганда «камбағалликдан ҳам паст даражада кечаётган» ҳаёти ҳақида ўйлаб кўришга мажбур бўлармиди...

Саволлар ўқи дўлдай ёғилганида бундан икки кун бурун XIX Партия конференциясининг делегати Умида Охунжонова билан қилган суҳбатим ёдга тушди. «Яқинда область касаба союзлари советининг йиғилишида қатнашдим,— деган эди ўшанда делегат.— Колхоз-совхозларнинг раҳбарлари иштирок этган бу мажлисда қишлоқ ҳаётидаги камчиликлар тилга олиб ўтилган эди. Ушанда раис Лола Абдураҳмонова қишлоқ боғчаларига 5—6 ой давомида бир кило ҳам гўшт, сариёғ, хўл мева берилмаганлигини, қишлоқ аҳолисига қанд, шакар тақсимлашда талон системаси жорий этилмаганлигини танқид қилиб ўтди».

Бундай ноҳақликларнинг сабаби суриштирилганда эса, мутасадди шахслар «гўшт плани бажарилмагунча, боғчаларга бир грамм ҳам гўшт беролмаймиз», деб айтишган.

Мана, сизга «ҳамма яхши нарсалар — болаларга!» деган ялтироқ шиорнинг панасида қилинаётган бедодликлар...

СССР Олий судининг халқ маслаҳатчиси Р. Убайдуллаева бир мақоласида «тадқиқотлар республиканинг қишлоқ районларида гўшт истеъмол қилиш мамлакат бўйича жон бошига ўртача кўрсаткичдан 5—6 баравар кам эканлигини» қайд қилиб ўтган эди.

Кўпчилик қишлоқларимизнинг бундай аҳволга тушиб қолишига ҳам, «чўнтагида партбилети бор янги хон»ларнинг пасту баланд доираларда мафия тузиб халқ мулкини талон-тарож қилганларига ҳам айни шу — пахта яккахокимлиги — монокультура сабабчи эмасми?!

«Ғаниобод» совхози маъмурияти ўз имкониятлари даражасида халқ ҳаётини яхшилашга уриниб ётибди. Лекин дард бор-у, дармон йўқ, деганларидек, уларнинг ҳам имкониятлари чекланган.

Сўнгсўз...

Дарвоқе, областда биринчилар қаторида пахта тайёрлаш планини бажарганликлари учун совхоз комсомол-ёшлар бригадаси аъзоларига 3 донадан кир совун мукофот қилинди.

Пахтакорнинг меҳнати, хусусан Ғаниобод ёшларидек фидокорона ишлаётган, ҳамма соҳалар бўйича план ва топшириқларини ортиғи билан адо этаётган ёшларнинг, Ғаниобод лочинларининг меҳнатининг баҳоси наҳотки «учта кир совун»га тенг кўрилса?!

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат барпо этмоқчи эканмиз, биз биринчи навбатда мана шу саволларга жавоб бермоғимиз шарт!

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИДЕАЛ ЎҚУВЧИ

номли 46-ўрта мактаб ўқувчиларига очиқ хат

ўқувчиларнинг ўзларига боғлиқ бўлган нарса. Ҳар бир нарсанинг қўлланиш муддати бўлгани каби, мактабларга бериладиган асбоб-ускуналарнинг ҳам ўз қўлланиш муддати бор. Лекин, қитмир ўқувчиларнинг «фаолият»и натижасида бу муддат тобора қисқариб кетмоқда. Биз давлат мулкига эътиборсиз, лоқайд қарашга ўрганиб қолганмиз, асбоб-ускуналардан келажагимиз, яъни укасингилларимиз ҳам фойдаланиши ёдимизга ҳам келмайди. Бу аҳволда олдинга интилиш сусаяди. Келинг, болалар мактаб мулкини ўз мулкимиздек, яъни — кўз қорачиғимиздек асрашни фақат шиорлардагина ёзиб қўймай, амалий ҳам ўрганайлик!

...Биз кўпинча йигит кишининг мардлигини ҳикоя этамиз. Бироқ шундай пайтларда улар ўзларини тортишиб ўтиришади. Мана сизлар билан учрашувда ҳам шу ҳолнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу фикрлардан сўнг тўққизинчи синф ўқувчиси Анваржон Ерқулов бироз ўйланиб турди-да, гап бошлади:

— Идеал ўқувчи ҳақида кўп гапирилди. Мен бир нарса хусусида тўхталмоқчи эдим. Мактабимизда 9—10-синфларга «Бошланғич ҳарбий таълим» фани ўтилади. Лекин биз бундан қониқмаяпмиз. Бунинг асосий сабаби дарснинг сust ўтилиши ва шу фан бўйича китоблар камлигидан бўлса керак. Ўқитувчимиз Қ. Султонов эса ўзи форма киймасдан биздан талаб этади.

Идеал ўқувчи ҳарбий хизматда ҳам идеал солдат бўлиши керак-ку.

Анваржон ҳақиқатдан тўғри фикр юритяпсиз. Дарслик масаласи бўйича мактаб директори билан бўлган суҳбатда маълум бўлишича, район мактаблари бўйича шу ҳол экан. Сизларни шу дарсликлар билан таъминлаш учун масъул кишилар энди жон куйдиришади, деб ўйлаймиз. Ўқитувчингиз эса шу хатни ўқиб, зора сизларга муносабатини ўзгартирса...

Баҳсимиз қизий бошлади. Синфда ўзаро шивирлашувлар кучайди. Ўнинчи синф ўқувчиси Ўктам Холбоев сўз олгандагина бошқалар тинчланди.

— Мана «Информатика асослари ва ҳисоблаш техникаси» курсининг ўтила бошлаганига ҳам икки йил бўлди. Ҳануз биз компьютерларни лоақал бир кўриш иштиёқида юрибмиз. Ўқитувчимиз Раҳим Хушвақтов бошқа мактабга олиб бориб кўрсатмоқчи эди. У ҳам бўлмади. Талаб қилганмиз. Айтишларича бу нарса район, қолаверса область бўйича «камёб мол» ҳисобланар эмиш, — дея сўзингиздан давом этаркансиз Ўктамжон, мен ўзимча ўйлаб қолдим. Шу курсни ўқув программасига киритганлар олдиндан ҳар томонлама шу муаммолларни чуқур ўйлаб кўришганмикин? Ахир қуруқ гапдан бир нарса чиқмайди-ю. «Минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган маъқул», деб халқимиз бежиз айтишмаган.

— Рус тилини ўрганишга бизда қизиқиш кам, — дея гапингизни давом эттирдингиз Ўктамжон, сизнинг бу қизиқишингизнинг уйғонишига нима тўсқинлик қиляпти? — Менимча ўқитувчимиз Н. Собированинг бизга унчалик талабчан эмаслиги.

— Тўғри. Ўқитувчининг бу ҳислати ўқувчини дангаса қилиб қўяди. Лекин, ўқувчи ўзига қанчалик талабчан бўлса, шунча яхши. Ўқитувчи сўрамайди деб ўқимасдан юриш мутлақо нотўғридир.

— Лингофон кабинети 1986 йили жиҳозланган эди. Мана, бир йилдирки, ишламаяпти. Тузатиб беришларини сўрасак маблағ ажратишмаяпти дейишмоқда, — дедингиз Комила. Кимнинг айби билан лингофон ишдан чиқди?

— Лингофон кабинетидаги қулоққа тутиб эшитгичлардаги симларнинг узилишига, ундаги айрим қисмларнинг йўқолишига ким айбдор? — дея, илмий бўлим мудири Дилмурод ака сизларга юзланди. Жимлик... Шу ўринда менинг хаёлимга Сурхондарё область, Олтинсой районидаги тенгдошларингизга ўқитувчилари «лингофонни бузиб қўйишади», деб бермаганлиги келди. Бундай пайтда кимнинг ҳақ, кимнинг ноҳақлигини билмайсан киши. Сизларни илм-фан сирларини янада чуқурроқ ўрганасин, деб қимматбаҳо техникалар билан таъминланса-ю, лекин шу нарсага совуққонлик билан қарасанглар...

— Мактабимизда «Сиёсий-ахборот сектори» мавжуд. Аммо, уларнинг ишлари кўринмайди. Биз мамлакатимизда, чет элларда бўлаётган воқеалардан тўлиқ хабардор бўла олмаяпмиз, — деяпсиз Ўктамжон. Ҳозирги матбуот, телевидение ва радиодан ҳар куни бирон-бир янги нарса ўқиш ёки эшитиш мумкин. Бу ерда шу сектордаги тенгдошларингизнинг ўз вазифасини чин дилдан бажармаётганлиги, изланувчан эмаслиги кўриниб турибди. Ўзларингиз ҳам газета, журналларни кам ўқисангизлар керак. Энг долзарб муаммолар, воқеалар кўпинча марказий матбуотда босилиб чиқади. Сизлардан суриштирганимда, «Огонёк», «Смена», «Комсомольская правда» каби ёшлар севиб ўқийдиган нашрларнинг ҳатто номини ҳам эшитмаган экансиз. Яна юқорида айтиб ўтилганидек, рус тилини билмаслик бу газеталардан маълумот олишни қийинлаштиради.

— Тарих ўқитувчимиз Ҳосият опа Мардиева дарсларни ўтишда фақат китоб билан чегараланиб қолмоқда — дедингиз, Матлубахон. — Тўғри эътироз. Шу пайтга келиб совет давридаги тарих дарслигининг камчиликлари маълум бўлди. Ўтган йили мактабларда тарих фанидан давлат имтиҳонининг олиб ташланганлиги ҳам бежиз эмас. Бу борада эса Хосият опа дарс давомида тарихимизга боғлиқ бўлган янгиликлар билан таништириб, дарсга оид қўшимча адабиётлар бериб боришни одат қилиб олса фойдали бўларди.

Сизларнинг шу муаммоларингизни эшитиб турар эканман, мактабда ўқув системасини йўлга қўйиш учун ҳали кўп иш қилиш кераклигига ишонч ҳосил қилдим. Ўтирганлар орасида айримлари бепарво, «айтган билан нима ҳам ўзгарарди» дегандек ўтиришарди. Шунда ўзини тўққизинчи синф ўқувчиси Гулноза Қиличева деб таништирган қиз баҳсни давом эттирди.

— Мен мактабда химия-биология фанларининг ўтилиши ҳақида тўхталмоқчиман. Бу фанлардан кўргазмали қуроллари кам. Химиявий тажрибалар ўтказишда эса асбоблар ёки химиявий моддалар етишмайди. — Гулноза, тўғри, назариянинг амалиёт орқалигина юзага чиқиши ҳаммага аён. Лекин, шуни юзага чиқара олмасдан, фан ютуқларига эришиш қийин. Мен бу масала бўйича химия фани ўқитувчингиз Гулнора опа Усмонова билан суҳбатлашдим.

— Лабораторияда химиявий моддалар етарли. Лаборатория ишчиси Ойхол Эшназарованинг мутахассис эмаслиги, дарсга керакли нарсаларни тахт қилиб қўя олмаётганлиги лаборатория ишларини амалга оширишни сустлаштиряпти. Яна бир нарса, бизга энг керакли бўлган штативнинг топилиши қийин бўлмоқда, — деди Гулнора опа. Наҳотки шу оддийгина асбобнинг топилиши шунчалик мушкул бўлса... Лаборатория ишчисини эса химияни тушунадиган кишидан қўйишса тўғри бўларди.

Гавҳар, сиз кўп марта гапиришга шайландингизу, аммо бир нарсадан чўчигандек бўлдингиз. Қани, нима демоқчи эдингиз?

— Мен бир таклиф билан чиқмоқчи эдим. Бизга, яъни 9-синфларга биология ва астрономия фанлари ҳафтасига бир соатдан қўйилган. Шу фанлар икки соатдан қўйилса, чунки биз чораклик давомида бу фанларни ўзлаштиришимиз қийин. — Таклифингизга қўшиламан. Қани ўқувчилар, сизлар нима дейсизлар? Ўқувчиларнинг баралла «Тўғри!» дейишлари Гавҳарнинг таклифини тасдиқлади.

Баҳсимиз ниҳоясига етаётгандек туюларди.

...Биз баҳсимизда идеал ўқувчининг мактабдаги ишларини санадигу, бироқ уйда қандай юмушлар бажариши ҳақида сўз юритмадик. Сизларга шу савол билан мурожаат қилганимда, баҳсимизнинг фаолларидан бири Матлубахон гап бошлади.

— Идеал ўқувчи уйда ҳам ота-онасига дастёр бўлиши керак. Ўзбек қизининг тандирда нон ёпа олмаслиги, сигир соғишни билмаслиги уят-ку.

— Ҳа, Матлубахон, тенгдошингиз Комилахон юқорида айтиб ўтганидек, ҳозирдан меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиб бориш керак. Фақатгина билим эмас, балки хўжалик ишларини юритиш, яхши пазанда бўлиш келгусида оиланинг мустаҳкам бўлишини таъминлайди. Оиланинг мустаҳкамлиги эса, жамиятимизнинг бирлигидир.

Шундан сўнг Дилмурод ака ўқувчилардан «Ёш куч» журналига ўз таклиф ва истакларини айтишни сўради.

— Журналда тенгдошларимизнинг мактаб ҳаёти кўпроқ ёритилса.

— «Ёш куч»да таниқли спортчилар билан суҳбатлар уюштирилса.

— Ёш, энди ўсиб келаётган шоир-ёзувчиларнинг асарларига кўпроқ эътибор берилса.

Бизнинг бугунги суҳбатимизга Эшбадал ака якун ясаб қуйидагиларни айтди:

— Мана, баҳсимиз ҳам охирлаб қолди. Ўйлайманки, ҳозир биз учун кўпгина керакли гаплар бўлди. Сизларнинг олдингиздаги муаммолар билан янада яқиндан танишдик. Булар албатта район халқ маорифи бўлимида кўриб чиқилади. Истардимки, сиз ўқувчилар ҳам ўқитувчилар билан биргаликда мактабдаги аҳволни яхшилаш ишининг актив иштирокчиси бўлиб қоласизлар. «Ёш куч» журнали ходимларига республика мактаблари билан алоқа қилишдаги ёрдами учун миннатдорчилик билдирамиз. Бундан буён ҳам бу ишда уларга ижодий баркамоллик тилаймиз.

Азиз жарқудуқлик ўқувчилар! Биз бугун идеал ўқувчининг сиймоси ҳақида озгина бўлсада фикр юритдик. Маълум бўлишича, шу ўқувчининг тўлиқ шаклланиши учун кўп нарса керак экан. Сизлар билан хайрлашарканман, келгусида янада жипслашиб, сабр-матонат билан мактабингиз шарафи учун курашларингизга ишониб қоламан. Ахир мактабингиз шарафи сизнинг шарафингиз-ку.

Абдусамат РАҲИМОВ,
ТошДУ журналистика факультети студенти.

Шокиржон БОБОҚУЛОВ
фотолари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КИМ СЕКРЕТАРЬ БЎЛАДИ?

(Самарқанд область, Нарпай район комсомол комитети аъзолари олдида яқинда мана шу савол кўндаланг бўлди)

Бундан уч-тўрт йил олдин баъзи бировларга раҳбарлик лавозимларига кўтарилиш осон эди. Масалан, амалдор қариндошига шипшитиб қўйилса бас, олам гулистон. Амалдорваччани бу ишга лаёқати борми йўқми — ҳеч кимнинг иши йўқ эди.

Ҳа, у пайтда «ўсиш» учун ё зўринг, ё заринг бўлиши керак эди.

Энди-чи?

Энди у сувлар оқиб кетди.

Энди сайлов... Коллектив хоҳласа раҳбарни ўзи танлаб, ўзи сайлаб олади.

Мен Нарпай район комсомол комитети биноси ёнида тўпланиб турган ёшларни кўрганимда ана шулар ҳақида ўйладим. Чунки улар райком аъзолари эканлигини, иккинчи секретарь сайлаш учун пленумга келишганини райкомнинг биринчи секретари Саидмурод Жабборовдан эшитган эдим.

— Номзод танлаш осон бўлмади,— деди Саидмурод,— ниҳоят иккита номзодни танлаб олдик. Улардан қайси бири кўп овоз тўплайди, билмадим.

Саидмуроднинг гапидан ҳаяжон, безовталик оҳанглари яққол сезилиб турарди. Мен бошқаларда ҳам ана шундай безовталик борлигини пайқадим. Дарвоқе, уларни тушуниш мумкин. Бу хилдаги сайлов район комсомол комитети тарихида биринчи марта ўтказиляпти, тажриба эса йўқ. Иккинчи секретарнинг зиммасига юклатиладиган ишлар эса серқирра ва ранг-баранг, мураккаб. Шунинг учун бу вазифани эгаллайдиган киши жуда ишбилармон, серғайрат, муҳими, ишда шахсий намуна кўрсатиб бошқаларни ўз ортидан эргаштира оладиган бўлиши керак.

Бу орада ҳаммани райком залига таклиф қилиб қолишди. Пленум очиладиган вақт келган эди.

Номзодлар

Бундай пайтларда бошқа ёқдан келган одамга анча қулай. У фақат кузатади, номзодларнинг имконияти қанақа эканлигини ўзича баҳолайди. Номзодларнинг иккаласи ҳам райком аппаратидан, бири — Шамсиддин Икромов, ташкилий ишлар бўлимининг, иккинчиси — Мардонкул Каримов, ёшлар илмий техника ижоди бўлимининг мудири. Кўриб турибсизки, ҳар иккаласи ҳам бўлим мудири. Хўш, булардан қайси бири сайланади? Мен бу саволга ўзимча жавоб топдим. Шамсиддин Икромов! Нега? Гап шундаки, у ташкилий ишлар бўлими мудири сифатида бошланғич комсомол ташкилотларида кўп бўлади. Бевосита улар билан ишлайди. Райком аъзолари орасида унинг тарафдорлари кўп бўлиши табиий. Кейин унинг тажрибаси ҳам кўп. Комсомолда ишлаётганига уч йил бўлган.

Мен шу тариқа ўзимча сайлаб қўйдим.

Гапнинг ростини айтсам, бундай хулосага келишимга яна бир сабаб бор. Сабаб шуки, менда сайлов шунчаки номига ўтказилади, ким секретарь бўлади деган савол аллақачон ҳал этилиб бўлинган, деган фикр ҳам йўқ эмас эди. Бу — турғунлик даврининг асорати. Суриштириб келсангиз, турғунлик даври қолдирган таъсирга барҳам бериш осон иш эмас, ҳали бунинг учун вақт, сабр-тоқат керак. Лекин...

Лекин Ленин номли колхознинг партия ташкилотининг секретари Шуҳрат Самадов берган савол менинг янглишаётганимни, сайлов ҳақиқий сайлов бўлаётганлигини кўрсатди. Шуҳрат Самадов саволни менга эмас, номзодларни ўрганиш комиссиясининг раисига берди. Мана ўша савол:

— Номзодларнинг оилавий ҳаётидан бошқа томонлар ўрганилмадими?

Нима учун айнан шундай савол берилди? Гап шундаки, раис минбарга чиқиб номзодларга таъриф бераркан, кўпроқ юзаки гаплар билан кифояланди, масалан, иккаласи ҳам ишчан, оилавий жиҳатдан яхши, шахсий кутубхонаси бор ва ҳоказо.

— Яъни қандай томонлари?

— Масалан, характеридаги, иш юритиш усулидаги хусусиятларни айтяпман, масалан, сусткашроқдир ёки серғайратми?

Афтидан комиссия раиси бундай саволларга тайёр эмас шекилли, жавоб беришдан қочди:

— Мана, ҳозир номзодларнинг ўзлари сўзга чиқиб ўз программаларини айтишади, бу саволни ўзларига берасизлар,— деди у.

Хуллас, Шуҳрат Самадовнинг саволи вазиятга кескин тус берди.

Агар мени сайласангизлар...

Биринчи бўлиб сўз Шамсиддин Икромовга берилди. Залга сув куйгандек жимлик чўкди. У бир йўталиб олди-да бўғиқ овоз билан гапира бошлади.

— Агар мени иккинчи секретарь қилиб сайласангизлар... райкомда комсомол ҳаётига бағишлаб катта стенд тайёрлайман, у комсомол ташкилоти секретарларининг ишига ёрдам беради. Комсомол сиёсий ўқувини яхшилайман.

Агар мени сайласангизлар...— Шамсиддин қаттиқ ҳаяжонланганиданми ёки ўзи яхши тайёргарлик кўрмаганми, айтган гапларининг аксарияти умумий, мавҳум гаплардан иборат бўлиб қолаётган эди. Тўғри, у кўп гапирди, аммо уларда менимча, конкретлилик етишмади. Назаримда, унинг программаси райком аъзоларини унча қониқтирмагандек туюлди.

— Менда бир савол бор,— деди район ҳарбий комиссари подполковник Усмон Қиличев,— армияга комсомол учетисиз, комсомол билетисиз кетаётган ёшлар учраб қоляпти. Агар сиз иккинчи секретарь бўлиб сайлансангиз, бу камчиликларни бартараф қилиш учун нималар қилар эдингиз?

— Чақирилув чоғида ҳарбий комиссариатда райкомнинг бир вакили бўлади, у чақирилувчи ёшлар билан суҳбат ўтказади.

— Саволга жавобни тўғри бошладингиз,— деди яна ўрнидан туриб ҳарбий комиссар,— аммо уни охирига етказа олмадингиз. Ҳар йили биз ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларнинг рўйхатини тузамиз. Район комсомол комитети, иккинчи секретарь ана шу рўйхатни олиб чақирилувчилар билан ишлаши, уларни ҳарбий хизматга тайёрлаши лозим.

Райком аъзоси Ольга Миронова шундай савол берди:

— Саккизинчи синфни битирган болаларнинг кўплари ўқишни эмас, ишлашни истайдилар. Лекин уларни ишга қабул қилишмаяпти. Масалан, менинг укам саккизинчи синфни битирди, у ишга кираман деяпти, аммо иш йўқ. Аҳвол шундай давом этса у ёмон йўлга кириб кетиши мумкин. Сиз иккинчи секретарь бўлиб сайлансангиз, шу муаммони қандай ҳал қилган бўлар эдингиз?

Эътироф қилиш керак, Ольга жуда долзарб савол берди. Ёшларни ишга жойлаштириш муаммоси бугун анча жиддий муаммога айланиб қолди. Модомики, шундай экан, унинг ҳал қилиш устида астойдил бош қотириш лозим. Шамсиддин бу саволга жавоб беришга уринди, аммо аниқ жавоб бера олмади.

Навбат Мардонқул КАРИМОВга

— Районимизда,— деди Мардонқул,— бошлаб қўйилган, лекин охирига етказилмаган ҳовуз бор, агар мени иккинчи секретарь қилиб сайласангизлар, ҳашар уюштириб шу ҳовуз қурилишини охирига етказар эдим. Чунки районимиздан ҳарбий хизматга кетаётган ёшларнинг кўпи сузишни билмайди. Ҳовуз битса кўпчилик ёшлар у ерда сузишни ўрганишлари мумкин.

Районимиз ёшлари орасида милиция ҳисобида турганлар бор. Яна кўп ёшларимиз бўш вақтларини қандай ўтказишни билишмайди. Мен иккинчи секретарь бўлсам турли спорт мусобақалари, кечалар, учрашувлар, диспутлар ўтказиб уларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишларига ёрдам берган бўлардим.

Райком аъзолари Мардонқулнинг сўзларини қизиқиш билан тинглашаётган эди.

— Районимиз ёшлари,— гапида давом этди Мардонқул,— яхши меҳнат қилишади, бироқ яхши дам олиша олмайди, туристик саёҳатларга кам чиқади, агар мен иккинчи секретарь бўлсам, комсомол-ёшларни «Спутник» Ёшлар халқаро туристик бюроси орқали чет элларга саёҳатларга чиқишини уюштирган бўлар эдим...

— Кимда қандай саволлар бор?— сўради Саидмурод Мардонқул сўзини тугатгач.

— Саволлар йўқ, ҳаммаси тушунарли!— деди залдан биров.

Овоз ҳисоблаш комиссияси тузилиб, пленум қатнашчиларига бюллетенлар тарқатилди, бюллетен ташланадиган қути ҳам келтирилди. Ҳал қилувчи дақиқалар бошланди.

Ҳисоблаш комиссияси ўз ишига киришганда биз танаффус қилиш учун залдан чиқдик. Пленум қатнашчилари ўзаро суҳбатлашардилар.

— Менга иккинчи номзоднинг программаси ёқди.

— Менга ҳам.

— Шамсиддин ишни яхши билади, тажрибали.

— Тажрибаликка тажрибали-я, аммо аниқ бир иш қиламан деб айта олмади-да.

— Мен Мардонқулга овоз бердим!— деди бир йигит. Одатда, яширин овоз беришда ким кимга овоз берилгани айтилмайди. Лекин ҳар ким ўз фикрини очиқ айтиши мумкин. Шунинг учун унинг гапига ҳеч ким ажабланмади.

Сайлов охирига етди

Ҳисоблаш комиссияси раиси минбарга чиқди.

— Шамсиддин Икромовга 16 та овоз, Мардонқул Каримовга эса 24 овоз берилибди.

Шундай қилиб, кўп овоз тўплаган Мардонқул Каримов район комсомол комитетининг иккинчи секретари қилиб сайланди.

Хўш, Мардонқул қандай секретарь бўларкин? Буни, табиийки, келажак кўрсатади. Биз эса Мардонқулнинг фаолиятига бир йилдан сўнг қайтамиз.

Ҳозир эса унга муваффақиятлар тилаймиз.

Ш. АКБАРОВ,
«Ёш куч»нинг махсус мухбири.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИНҚИЛОБИЙ ДАРСЛИКЛАР МУАЛЛИФИ

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзи ташкил қилган қатор мактабларда ўқитувчилик қилганида ўзбекча ўқув китоблари жуда кам эди, борлари ҳам талабга жавоб бермаслигини амалда кўрди. Бу ҳақда Ҳамзанинг ўзи қуйидагиларни ёзган эди: «Ҳозирги ўқулиб турган адабиётларимиз ўқувчиларга оғир бўлмаса ҳамки, ёш талабаларимизга баъзи луғатларнинг мафҳукмини оғирлик қилиб турганлиги шояд бошқа ҳар бир муаллимларга-да тажриба бўлгандир».

«Енгил адабиёт» китобининг тўлиқ номи «Биринчи синф болалари учун махсус енгил адабиёт» бўлиб, 1914 йилда ёзилган. Бу китоб Ҳамзанинг 1915 йилда тошбосмада босилган «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуасидан биринчи бўлим» сарлавҳали китобчасининг 11-бетидаги «Ҳамза Ҳакимзода тарафиндан ёзилган, ҳозирда нашрга мавқуф турган асарлар» рўйхатига, шунингдек, 1916 йилда босилган «Қизил гул» номли шеърлар тўпламининг эълонидаги «Ҳамза Ҳакимзода тарафиндан таб ўлуб, сотилмоқда ўлон рисолалар» рўйхатига ҳам киритилган.

Шоир ўзи ташкил қилган янги усул халқ мактабларида ўқувчиларда гўзаллик завқини (эстетик тарбия бериш) тарбиялаш, товушларни равон айтиш ва ифодали нутқларини ўстириш мақсадида шеър ўқиш учун ҳафтада бир-икки соат вақт ажратилар эди. Бу дарс «Ашъор» дарси деб юритилган. Ҳамза «Енгил адабиёт» дарслигини биринчи синфда «ашъор» дарсларида фойдаланиш учун ёзди. Бу ҳақда Ҳамзанинг ўзи «Енгил адабиёт» дарслик китоби қўлёзмасида қуйидагиларни ёзди: «...очуқ маъноли қилуб 1-синфга тайёрладук, токи ҳафтада бир дарсдангина таълим олунуб борилса, шояд 2-синфга (иккинчи йилда) кўчгандаги адабиётларга ёрдамчи бўла олур эди».

«Енгил адабиёт»да фақат шеърий асарлар берилган. Унинг мундарижасида қуйидаги асарларни кўрамиз: «Мактаб хусусида», «Олим ва жоҳил ҳақинда», «Қалам», «Тўғри сўз бола», «Ота насиҳатининг натижаси», «Нафснинг касофати», «Қиморнинг боши» кабилар. «Енгил адабиёт» дарслигидаги шеърлар 45 дарсга бўлинган, ҳар бир дарс учун асосан 8 байт ёзилган.

Ҳамза иккинчи дарслик китоби бўлган «Ўқиш китоби»ни ҳам 1914 йилда ёзди. Бироқ уни қайси синфда ва қайси вақтда қўлланишини кўрсатмаган. Фикримизча, «Ўқиш китоби» 2-синфда «ашъор» дарсларида ўқитиш учун ёзилган. Бу дарслик китобида 15 та шеър бўлиб, 10 таси сарлавҳали, 5 таси эса сарлавҳасиздир. Улар дарсларга бўлиб берилган. Чунончи, 2-дарсда берилган «Бир ақллиқ мактаб боласининг ўзўзига домласининг қилган тарбиялари ёдига тушиб фикрлануб деган сўзлари» номли шеъри 10 байт бўлиб, ўқитувчи ҳақида бундай дейилади:

Ҳар куни қолмай келиб турсак агар мактабга биз,
Барча илм ила одобни ўргатур устозимиз.
Сўзларидан чиқмасак, айтганларин тарк этмасак,
Кўп илмни билдируб, мулло қилур устозимиз.
Ота бирла онамиздан яхшироқ шафқат қилуб,
Биздаги ҳар камчиликни кўрсатур устозимиз.

«Ўқиш китоби»да ҳажми катта шеърлар 2—3 дарсга бўлиниб берилган. Масалан, «Ул ақллиқ боланинг мушфиқа онаси учун қилган ташаккурлари» номли шеъри 26 байт бўлиб, 4—5 дарсга мўлжаллаб берилган. Бу шеър қуйидагича якунланган:

Эй ўғул, дунёда бўлмоқ истасанг олижаноб,
Ўқуғил мактаб келуб, зинҳор ўқи, минг бор ўқи.

«Ўқиш китоби»да масаллар ҳам бор. Машҳур ҳинд масали «Калила ва Димна»даги «Тошбақа ва чаён» масалини Ҳамза қайта ижодий ишлаб ўзининг дарслик китобига шу ном билан киритган. «Ўқиш китоби»да келтирилган бир неча шеърлар дарс тартибисиз берилган. Масалан, 4-дарсга берилган асардан кейин «Қалам», «Китоб», «Илм», «Мактабдан» радифли шеърлар берилган бўлишига қарамай, «Боланинг ёмон бўлмоғига сабаб бўлган онанинг жазоси» номли шеър 5-дарс деб кўрсатилган. 6-дарсга «Мактабда ўқувчи зийрак Қосимнинг аҳмоқ Валига берган жавоби» сарлавҳали шеър, 7-дарс учун «Ақллик Иброҳимнинг биринчи марта бир чўлоқ гадойга учраб аҳвол сўрагани» номли шеъри келтирилган.

Ҳамза дарслик китобларининг учинчиси «Қироат китоби»дир. Бу китобнинг тўлиқ номи «Иккинчи синф учун қироат китоби» бўлиб, уни муаллиф наср билан 1915 йилда ўқиш дарсларида фойдаланиш учун ёзган. «Қироат китоби» ўзининг тузилиши жиҳатидан Улуғ Октябрь социалистик революциясидан олдин яратилган ўзбекча ўқиш китобларидан бутунлай фарқ қилади. «Қироат китоби»да 29 та текст берилиб, улар қуйидаги тартибда келтирилган: аввал ахлоққа доир мақола тусидаги кичик текст, ундан кейин шу текстнинг мазмунига мос бўлган «Ҳикоя» келтирилган.

«Қироат китоби»даги 16-текст «Казб» (ёлғон) маъносида бўлиб, у қуйидагича изоҳланган: «Казб деб ёлғон сўзни айтилур. Бўлмаган ишни бўлди ё бўлган ишни бўлмади, кўрганни кўрмадим, кўрмаганни кўрдим деса ул сўзни казб дейилур. Сўзловчини каззоб дейилур. Ёлғончилик шундай бир феълдур: имонга, ризққа, умрга, эътибор ва обрўга зиёни бордур. Халқ орасида бир умр рост сўзлаб юрган киши бир марта ёлғон сўзласа ва ул сўзининг ёлғонлиги халққа билиниб қолса, ул киши ўла-ўлгунча сўзи ёлғонга саналиб, тўғри сўзига ҳам ҳеч ким ишонмай қолур. Бутун ёлғончи исм кўтариб, ҳар ерда шарманда ва ҳижолат бўлуб юрур. Балки, бир мажлисда сўз очса, ёлғончини сўзига қулоқ солмасалар, ҳатто ҳамма эшитган ва кўрган бир ишни сўзласа ҳам, унга қараб бошқалар: «Афандим, ҳамма сўзласа ҳам, сиз сўзламанг, сизнинг сўзингизда ҳеч бир рости йўқ», — деб юзига ёлғончилигини ошкора таъна қилурлар. Ёлғончи киши дунёда бой, олим ёки нақадар улуғ насаблик хўжа ва тўралардан бўлса ҳам, оз фурсатда қадр-қиммати ушалиб, ниҳоятда хор бўлур... Ҳосил ёлғончиликдан пайдо бўладиган зарарлар у қадар кўпки, ёзган била ҳар газ адо бўлмасдур... Зинҳор тилни ёлғондан сақламоқ керакдир».

Бу текстдан сўнг «Ҳикоя» берилган. Унда ёлғон гапириб, низо чиқариб юрган, охирида эса, тилига темир қиздириб босилиб, минг азоблар билан ўлдирилган бир ёлғончи ҳақида ҳикоя қилинган.

«Қироат китоби»даги 1—5-текстлар мазкур китобнинг муқаддимасига ўхшайди. Китобдаги 6-текст «Ахлоқ, одоб» номи билан аталиб, қуйидаги жумлалар билан тугалланган: «Мана энди, эй болалар, эртадан бошлаб мен сизларга яхши ахлоқ ва одобнинг натижа ва саодатларини, ёмон хулқ ва одобсизликни зарари ва касофатларини бир-бир айтуб, ҳикоялар тамсил қилиб кўрсатурман...» 7-текст «Ахлоқ» деб номланган. Бунда ахлоқ икки хил, яъни яхши ахлоқ ва ёмон ахлоқ бўлиши айтилган. Шундан кейин «Кибр», «Тавозе» (муомала) «Бахил», «Сахий», «Казб», «Содиқ», «Шитоб», «Сабр», «Зулм», «Раҳм», «Хиёнат», «Садоқат» сарлавҳали мақола тусидаги текстлар ва уларга мос «Ҳикоя» бериб борилган.

Ҳамза тузган дарслик китобларига кирган деярли ҳамма асарлар таълим-тарбияга, илм ва маърифатга, ахлоқ ва одобга тааллуқли. Бу эса меҳнаткаш халқ ва уларнинг фарзандларини саводли қилиш борасида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур дарсликларга киритилган кўплаб шеърларда ўша давр учун муҳим бўлган ва ҳозирги кунда ҳам жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган илм-маърифатни, мактаб-маорифни, одоб ва донолик куйланган бўлса, қатор масалларда эса дўстликни, яхшиликни, камтарлик ва тўғриликни тасвирлаш билан бирга, нодонлик ва ўғирлик, мунофиқлик ва қаллоблик, жаҳл ва кибор лаънатланади.

Ҳамза ахлоқий дидактик нур билан суғорилган дарслик китобларида таълим-тарбиянинг энг яхши ва ибратли метод ва усулларини мужассамлаштирди. Буларнинг барчаси адибнинг болалар адибиётининг ҳам асосчиси эканини кўрсатади.

Чинакам инқилобий дарслик муаллифи бўлмиш Ҳамза уларни содда ва тушунарли қилиб тузишдан ташқари, унга анчагина халқ мақолаларини киритади, ижтимоий мазмунга эга бўлган текстлар беради. Шунинг учун ҳам бу дарсликларга киритилган, ҳар бир дарс учун берилган материаллардан чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатига ва миллий зулмга қарши норозилик акс этиб туради.

Ҳамза катталар мактабига бағишланган дарсликлар тузишни ўйлаб, унинг программасига умумий маълумот берадиган предмет фанларини киритишни мақсад қилиб қўйган эди. У дарсликлар яратиш масаласини ҳатто халқ маориф ишининг ажралмас ва муҳим қисми деб билар эди. Бинобарин, таълим-тарбия ва маърифат масалаларини кўтариб чиқиш билан бирга, Ўзбекистонда мактаб-маориф ишларини қайта қуришга доир муҳим масалаларни ҳал этилишида фаол қатнашди.

Она тилида ўқитиладиган мактаб учун, ўз халқининг миллий маданияти учун, Ватанининг ососйишталиги-ю, халқининг тинчлиги ва келажак ҳаётининг гўзал бўлиши учун фидойилик қилган Ҳамза ўзбек халқининг рус ва жаҳон маданияти билан алоқа қилишида энг асосий восита бўлган рус тилини ўрганиш ва халқ ўртасида кенг тарғибот қилиш бўйича ибратли ишларни амалга оширди. Ҳамза бу ҳақда Қўқон шаҳар газетаси «Садои Фарғона» газетасида эълон қилган мақолаларидан бирида қуйидагиларни ёзган:

«Матъун (хўрланган — Ж. У.) бизнинг мусулмонларни энг тубан даражадаги сафоҳат ва разолат, фақир асоратларга гирифторликда қолиб, инсониятга хилоф замони қабоихларга асир бўлиб кетмоқларига энг биринчи модда: улуғ зотлар тарафидан мажбур бўлган жоҳил авом ота-оналарнинг «Қўй, русча ўқима, икки дунёда рози эмасман» товушлари билан силтаб, қичқириб, қирқ, балки эллик йилдан бери ватандошимиз бўлган Россия ила лисонда ва муомалада танишув, билишув, бирлашув йўлларига тўсқин бўлиб қилган қаршиликлардангина иборат бўлиб чиқадилар. Ҳолбуки, ҳаммамизнинг муомалада эҳтиёжимизни кундан кунга ортиб турмоқлиги кўз олдинда қуёш каби кўринмоқдадир... Ажабо! Бутун бидъат ва жаҳолатга бўғизигача ботган русча ўқув ва ўқитувни ўзига улуғ қабоҳатлардан санаган бизим диёнатлик мусулмонларимизда жиддият у қадар умид кутадиган даражада эмасдир. Бизим Туркистон мусулмонларининг думоғларидан таассуб асари у қадар зоил ўлмагандир...»

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий тузган дарсликлари эстетик принциплари, ғоя ва мундарижаси билан мутлақо янги дарслик сифатида майдонга келди. Дарсликка киритилуб ўқиш учун тавсия қилувчи асарлар бадиий ижод намуналари бўлиш билан бирга, болалар адабиётининг энг яхши асарлари ҳисобланди. Шу маънода ҳам Ҳамза яратган дарсликлар инқилоб тонготаридаги инқилобий асарлар вазифасини ўтади.

Жўрахон УСМОНОВ,
педагогика фанлари кандидати.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пок кўнгил рози

Сенга кўнглида дарди, алами бор кишилар нажот истаб мактуб йўллашяпти. Мен ҳам сенга ҳеч кимга, ҳатто ота-онамга ҳам айта олмаган дардимни ёзмоқчиман. Негаки, сенинг бировнинг дардига бефарқ қарай олмайдиган, икки оғиз аччиқми, ширин сўзи билан маслаҳат берадиган журналхонларинг бор.

Ҳаётимдаги ушбу кескин бурилиш қутилмаганда рўй берди. Бир куни шкафни тозалаб ўтириб, папка топиб олдим. Ичида эски қоғоз, ҳужжатлар бор экан, қизиқиб биттабитта ўқиб чиқа бошладим. Ногаҳон бир парча қоғоз қўлимни куйдириб юборди. Кўз олдимни қоронғилаштириб юборган ушбу қоғозда қуйидаги сўзлар ёзилган эди. Мазмуни: «Асраб олувчилар (онажоним ва меҳрибон дадажонимнинг исми-шарифи)га фалончи қизни боқиб олиш учун берилди, чунки, «онаси бўлмиш — мен Содиқова ундан воз кечдим», деб ёзилган эди. Справканинг давомини ўқиб улгурмадим, чунки уйга онажоним кириб қолдилар! Шу дамда онажонимнинг оёқларига ётиб, онажонимнинг оёқларига бош уриб уларга «Сиз бировлар воз кечган болани кўз қорачиғидек асраб авайлаб, тарбиялашга умрингизни, қувватингизни, меҳрингизни аямаган инсонсизлар» дегим келди-ю, лекин юрагимдан сизиб чиққан бир томчи ёшни онажоним кўрмасинлар, деб бошқа ишга ўзимни алаҳситиб кетдим. Қайтиб кирсам шкаф ёпиқ, онажоним менга маъноли қараб турар, кўзларида ички бир дард чақнаб турарди. Ичимдан бир нарса узилиб тушгандек бўлди. Ишқилиб онажоним аччиқ ҳақиқатни ўқиганимни билмаган, сезмаган бўлсалар бўлди дедим. Онам бечоранинг хаёлидан ҳам шу гап ўтган бўлиши керакки; «болам, нега бу эски-тускиларни титкилаб ўтирибсан», деб сўрадилар. Мен ўзимни иложи борича қувноқ кўрсатишга ҳаракат қилиб, «Эй ойижон, янги уйдаям эски-тускиларни асраб нима қиламиз, ташлаб юбормоқчи эдим», дедим. Онам индамай чиқиб кетдилар. Шу воқеага ҳам тўрт йил бўлибди. Тўрт йилдан бери юрагим «ўқиган нарсангга ишонма» дейди. Мени дунёга келтирган аёлни (уни аёл дейишга арзирмикан?) топгим, ундан не сабабдан мени дунёга келтирганини билгим, унинг қандай инсонлигини кўргим келади. Баъзи пайтларда «Нега мени болалар уйига топширишмаган, шунда яхшироқ бўлармиди, ўшанда бунчалик қийналиб икки ўт орасида қолмасмидим», деб ўйлаб қоламан. Онажоним ва дадажонимга қараб, «Эй ҳаёт! Қандай қаҳринг қаттиқ! Нега фарзандни шундай олижаноб инсонларга бермасдан қандайдир... (уларни нима деб аташга ҳам тилим бормайди). Чунки, улар менга ҳаёт ато этишган, мен уларнинг балки катта хатосидирман, ҳозир улар бу хатони унутишгандир. Лекин, бу хато қурбони энди ҳаётда қандоқ яшасин, нима қилса ўша мудҳиш кунни унутади, ўша справка бўлмаганда шунча йил ички ҳиссиётларим бир-бири билан курашмас, мен эса бунчалик эзилмасмидим. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳар кун, ҳар дақиқа меҳрибон онажоним, дадажоним мунис кўзларига тикилиб наҳотки, ахир бу кўрқинчли-ку, даҳшат-ку, деб ўйлаш, уларга эса буни айта олмаслик, нафақат уларга, балки ҳеч кимга бу ҳақда чурқ этмаслик нақадар оғир! Мана, мен ҳозир турмуш қурсам бўладиган ёшдаман, лекин ўзимни бунга нолойиқ деб биламан. Чунки, асл насл-насабимни билмайман. Никоҳсиз туғилган бўлсам керак. (Қариялар тили билан айтганда «ҳароми бола»). Лекин менда нима гуноҳ! Эй аёл, нега мени дунёга келтирдинг?!! Мен насл-насаби ҳақиқий, ота-онасининг тайини бўлган йигитга умр йўлдоши бўлишга арзимайман! Бу дардларнинг ҳаммаси қалбимни ларзага келтиради. Ичимдагини сиртимга чиқармайман. Чунки, ҳаётимиз ойижоним ва дадажоним кўзи билан кўрганда яхши, жуда ҳам яхши. Чунки ақлли, одобли меҳрибон қизни вояга етказишди, ўқитишди, энг яхши касблардан бирини эгаллатишмоқда. Энди бирдан-бир орзулари — катта ҳаётга узатиш, турмушга бериш, набира кўриш. Аммо, қизлари бунга арзимайди! Унинг ҳаёти аллақачон тўхтаган. Қалби ўлиб, фақатгина танасигина яшаб келмоқда!!!

Сир оғзимдан чиқиб кетса, касалманд онажоним буни кўтара олмайдилар, бундай гапни эшитишни уларга раво ҳам кўрмайман, чунки, уларнинг ҳаётларининг маъноси — яккаю-ягона қизлари, яъни менман! Дадажоним ҳам кўтара олмайдилар! Мен қандай қилиб қалбимдаги содиқовларни қидириб топиш, кўриш учун ундайдиган кучни ўчирсам бўлади?! Мени «нега, нега», деган саволлар қийнаб келмоқда. Уларни топсам, лоақал бир кўрсам шу саволларга жавоб топа олармидим, қалбимдаги дард, алам, нафрат йўқолармиди, деб ўйлайман. Лекин уларни қидиришни бошлашга қўрқаман! Тўрт йилдан бери фақат мен билан олишиб келган сир, мана, қоғозга ҳам тушди, эҳтимолки, бу ишни хато қилаётгандирман. Балки, бу сирнинг қабри менинг ёш қалбимда қолса яхши бўлармиди? Тўрт йилдирки, пана жойларда йиғлай-йиғлай қалбимни бўшатишга ўрганиб қолганман, лекин, бу аҳвол қачонгача давом этади?.. Наҳотки умримнинг охиригача?!. Қалбимдаги гапларнинг ҳаммаси қоғозга сиғмайди. Хатим чўзилиб кетгани учун узр. Жавоби озгина бўлса ҳам менга далда берар, деган умиддаман.

Чарчадим.

Жуда чарчадим.

Ўз хаёллларим, ўйларимдан чарчадим. Эҳтимол шу хатимни ўша Содиқовлар ҳам ўқир. Янги Содиқовлар, хатолар поғонасида турганлар менинг аччиқ тақдиримдан сабоқ чиқарарлар, балки. Менга яшашнинг қизиғи қолмади...

Камоланинг дил изҳорини оққа кўчирувчи: Б. Иброҳимов.

РЕДАКЦИЯДАН: Илтимосига кўра, биз хат муаллифининг ҳақиқий исм-шарафини келтирмадик. Юборадиган хатларингизнинг четига «Камолага» деб қўйишингизни сўраймиз. Ойгул 200 дан зиёд хат олди. Севараникини ҳали санаганимизча йўқ. Камола ҳам ўзига аталган хатларни редакциядан, хатлар бўлимидан олади.

Болалар омон қолсин!

Ота-онаси тирик етим болаларни кўрсам бир воқеа ёдимга тушиб кетиб, алланечук ғалати бўлиб кетаман. Ўшанда биз юқори курс студентлари «Тез ёрдам»да навбатчилик қилардик. Январь ойининг ўрталари — совуқ, изғирин шамол. Тунда, соат 12 ларда шаҳар болалар уйининг биридан қўнғироқ қилишди. Болаларга нима бўлди экан, деб тез жўнадик. Бизни қоровулхонага олиб кириши. Кичкина хонада оппоқ соқолли чолнинг ёнида пўстинга ўралган иккита болача ўтирарди.

Бизни кўриб чол кўзларига ёш олди. «Болаларим! Мана шу арқон билан иккаласини бир-бирига боғлаб қоровулхона олдига ташлаб кетишибди. Иғи товушини эшитиб чиқиб қарасам — шулар. Кейин сизларни чақирдим, кичкинасининг иссиғи борга ўхшайди»,— деди.

Уларни текшириб кўрдик. Афсуски, қаттиқ шамоллаган болаларни қутқариб қолишнинг иложи бўлмади. Шундай воқеа такрорланмаслиги учун болалар уйидаги баъзи тадбирларни ўзгартирсак дуруст бўлармиди? Яъни, болаларни ташлаб кетаётганларнинг шахсини суриштириш мажбурий бўлмаса. Негаки, барибир улар она деган улуғ номга доғ туширган кимсалардир. Ана ўшанда болаларини ҳар жойга ташлаб кетадиганлар бемалол болалар уйига келишадиган, муҳими чақалоқлар ҳаёти сақланиб қолган бўлармиди...

Дилбар КАМОЛОВА,
врач, Тошкент шаҳри.

Муросасиз бўлиш керак!

Ҳурматли «Еш куч»! Журналингиз ҳиммат билан «Биз бўлғуси шифокорлар-ку» мавзусида мунозарага тортган экан, шу боис мен ҳам фикрларимни билдирмоқчиман.

Бўлажак шифокорларимиз жуда долзарб муаммони кўтариб чиққанлар. Мен куни кеча матбуотда бир врачнинг терлама билан аппендицитнинг фарқини билмаганлиги натижасида навқирон йигитнинг бевақт ҳаётдан кўз юмганини ўқидим. Ахир, бу даҳшатку! Врач олти йил ўқиса-ю, оддийгина касалликни аниқлай олмаса. Бунинг асосий сабабларидан бири талабанинг ўз касбига нечоғлик қизиқиши билан бир қаторда, уларнинг қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишларга ноўрин, ўйланмай сафарбар қилинишидир. Ахир, студент 5—6 йилдан бир йилини пахта ва бошқа ишлар билан беҳуда ўтказар экан, у ўқув программасини тўлиқ ўзлаштира олмайди, қанчалаб амалий ишларга қатнаша олмайди, дегани эмасми?

Бизнинг жамиятимизда инсоннинг ҳаёти ҳар қандай нарсадан устун турмоғи керак эди-ку?!

Негадир, кейинги йилларда қуйи ва юқори ташкилотлар жамиятда ўз иши ва ўқиши билан банд бўлган кишиларга тайёр куч деб қараб қолдилар. Бусиз ҳам улар ўз бурчларини адо этиб келмоқдалар.

Олдин ҳам, ҳозир ҳам шаҳар ва районларда қанчалаб бекорчи хўжалар ҳеч қандай ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, меҳнат аҳлининг нонини яримта қилиб келаётганлари ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти. Менимча, ҳеч бўлмаганда ана шундай ҳашарларда ўшаларнинг кучидан фойдаланилса фойдадан ҳоли бўлмасди. Ўшандагина шифокорларимиз ўз ишларига моҳир, айрим ўқитувчиларимиз ўқувчилари олдида қизармаган, ишлаб чиқаришимизга эса зарар етмаган бўларди.

Қолаверса, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳам республика меҳнаткашларининг тақдирига алоқадор масалаларда кескин, принципиал позицияда турса мақсадга мувофиқ бўларди...

Ҳурмат билан хат йўлловчи Тиркаш ЭШЕВ,
Шаҳрисабздаги 39-мактаб ўқитувчиси

www.ziyouz.com kutubxonasi

Талаб қиламиз!

Биз яшаётган Араббанди посёлкасининг кўриниши жуда аянчли, ҳурматли редакция! Халқ учун маиший хизмат кўрсатиш уйлари у ёқда турсин, зерикарли ҳаётимизни сал гўзаллаштирадиган кинотеатр, чўмилишга бир ҳаммом, бола-чақаларимизга бир боғча, керакли магазин ҳам йўқ. Бу қандай бедодликки, ичишга сув ҳам топиш қийин! Бу ҳақда ҳеч кимса лоақал ўйлаб ҳам кўрмайди.

Посёлкада биргина 8 йиллик мактабча бор. У ҳам авария ҳолатида! Ахир қиш-қировли кунларда бу ерда (катталарни-ку қўйинг) ёш-яланглар қандай «савод» чиқаради? Мана, пахта мавсумини муваффақиятли якунладик. Ҳар йилгидек натижа-чи? Қани меҳнатга яраша иззат?! Қиш кунлари ёшлар бекорчиликдан безор бўлиб кетишади. Ахир бу муаммоларни кимдир дўпписини ерга қўйиб ўйлаши, биз учун муҳими — ҳал қилиши керак-ку?!

Биз партия, Совет, комсомол органларидан шуларни талаб қилишга ҳақлимиз!

Қашқадарё область Чироқчи районидаги Уймин қишлоқ советига қарашли Араббанди қишлоғи ёшлари номидан Нуркул БУТУНОВ, Эргаш АБДУРАҲМОНОВ, Исмоил САНГИРОВ, Умар МЎМИНОВ.

Ҳаётимиз оғир...

Сендан ёрдам сўрайман. Менинг дадам Олломурот Бекмуродов 1966 йили Чироқчи районидаги 11-мактабни аъло баҳолар билан битириб, сабаби — тирикчилик, «Восход» номли совхознинг 2-бўлимига оғир тракторчи бўлиб ишга кирди. Шу совхозда ишдан ажралмаган ҳолда механизаторлик курсини тамомлаб 1968 йилдан буён комбайн ва оғир тракторда ишлаб келарди. Яхши ишлаганига бўлса керак, «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали, «Шавкатли Меҳнати учун» ордени, ВЛКСМнинг 5 йиллик илғори, область советига депутат бўлиб сайланган эди. Олган мақтов ёрлиқлари-ю, мукофотлангани — енгил автомашина ва аравачали мотоцикл бундан мустасно. Булардан ташқари у қон босими, ревматизм, юрак касалига дучор бўлди. Шунгами, совхоз дирекциясидан илтимос қилиб 100 сўм маош билан техникларга заправчиклик бўлиб ишлаб юрувди. 1988 йил бошида дадамдан сўрамайнетмай «қисқартириш» деб уни ишдан бўшатишибди. Дадам бир неча бор «ишимни беринглар, қисқартириш бўлса ишимга қўшимча иш — лоақал енгил тракторчиликни беринглар», деб худонинг зорини қилди, лекин тингламадилар. Биз томонда ҳалигача ошна-оғайнигарчилик бор. Совхоз директори Ўтаров Н. тракторни ўзининг жиянига олиб берди. Дадамга эса 1988 йил ёзида вақтинча қоровулликни (маоши 70 сўм) беришди. Онам — Шерматова Шороҳат — Қаҳрамон она унвонига эга, ҳаммамиз ўқувчимиз, катта опам 10-синфда; қолганларимиз пастки синфлар да ўқиймиз. 8 нафаримиз мактабга боришимиз керак. Мен 8-синфда ўқийман. Биз 70 сўм билан жуда қийналяпмиз. Иккита сигиримиз бор эди, биттасини сотиб едик. Мактабга бориш керак: ҳеч қандай тайёргарлигимиз йўқ. Усти-бош, папка, ручка, деган нарсалар ололмаймиз. Сизлардан илтимос қилардимки, тирикчилигини ўйламай Коммунистик Меҳнат ветеранидан ишини зор қақшатиб олиб тракторист жиянига олиб берган раҳбаримизга бу иши тўғри эмаслигини айтинглар. Биз бечораларга ёрдам беришларингизни сўрайман. Бизларни ўйлай-ўйлай дадамнинг тоби қочиб қолди. Тезда ёрдам беришларингизни сўрайман, деб ёзувчи Лиза Чайкина номли мактабнинг 8-синф ўқувчиси Бекмуродов Абдусаттор.

(Қашқадарё область Чироқчи район «Восход» совхозининг Баллачи участкаси)

РЕДАКЦИЯДАН: Афсуски, қайта қуриш шамоли Қашқадарё воҳасига жуда суст кириб боряпти. Инсон ҳуқуқларини камситиш айниқса республикамизнинг мазкур областида авж олганлигини редакцияларга оқиб келаётган бесаноқ шикоят хатлари яққол тасдиқлаб турибди. Нега Қашқадарё области маданий қурилиш соҳасида ҳам қолоқ? Биз мазкур саволларга область раҳбарларидан жавоб кутамиз. Юқоридаги шикоятга эса Чироқчи район партия комитети принципиал жавоб беришига ишонгимиз келади.

Байрам ҳаммага тенг эмасми?..

Мен «Еш куч» журналининг сентябрь ойидаги сонини ўқиб чиқдим. Бу журналда «Яшашдан чарчадим» деб ёзибди 20 ёшли тошкетлик қиз. Пойтахтлик қизлар шундай деб турса, ўлмаган бизнинг жонимиз. Шаҳарликлар учун ўқишга, маданий дам олишга, кино-театрларга боришга ҳамма шароитлар бор. Бизда-чи? Бунинг акси. Мен қишлоқда яшайман. Биз ёшлар учун ҳеч қандай шароит йўқ. Кинотеатр, клуб ва ҳаммом йўқлигини айтиш шарт эмас. Бизни пахтага олиб чиқишмаса бас. Мана бугун —7 октябрь — Совет Конституцияси куни ҳамма шаҳарликлар дам олишгандир. Лекин биз — пахтадамиз! 8, 9-октябрь кунлари ҳам пахтага чиқамиз. Шунақа сабаблар билан қишлоқдагилар олий ва ўрта ўқув юртларига киришолмаяпти. Ҳамма ерда қайта қуриш, ошкоралик ва демократия қарор топаётган бир пайтда биз пахта далалари ичида судралиб юрибмиз. Сиз оқкўнгил кишилар, бунга нима дейсизлар, агар қўрқмасангиз бу мактубни албатта журналда эълон қиласизлар! Зора ўшанда бизга қарашли раҳбар ўртоқлар бизнинг ҳам етук ва баркамол бўлиб ўсишга ҳаққимиз борлигини тушуниб етишармиди...

Комсомол аъзоси Ирода МИРЗАЕВА, Андижон область, Балиқчи райони,

Ҳурматли редакция!

Хат ёзишимдан мақсад шуки, синфимизда атиги 20 та ўқувчи бўлса улардан 11 таси ўғил, 9 таси қиз болалар. Мактабимизда ўқитувчилар болаларни дарс қилиб келишмаса уришади. Билмадим, нега улар бундай қилишади, ахир улар ота-онасидан ҳам бундай калтак ейишмаган-ку?! Нега, қаерда ва қайси қонунда болани уриб тарбияланг, деб ёзилган. Ахир болани уриб бўладими, мен ўйлайманки, уларни фақат яхши сўз билан тарбиялаб бўлади. Бечора болалар ўқитувчилар ураверганидан безиб ҳатто дарсга ҳам киргилари келмайди, чунки улар қўрқади яна урармикин деб. Баъзилари ўқитувчининг бетига ҳам айтишади, қайси қонунда шундай ёзилган деб. Мана бу гапни ёзгим келмаган эди: ўқитувчиларнинг баъзилари ўқувчи қизлар олдида бемаъни гаплар айтишади. Нега ҳозир қайта қуриш бизнинг мактабимизда бўлмаяпти. Бундай ўқитувчиларни нега жазолашмаяпти, мактабдан йўқотишмаяпти. Шунинг учун улар тарбия ололмаяптилар, улар ўқиганига пушаймон бўлишяпти.

Ҳурматли редакция! Сизлардан илтимос, шу хатимни «Еш куч» журналига босиб чиқаринг, демоқчиман. Буни ҳамма ўқисин. Ахир мен ўз синфдошларимга ачинаманку.

Гулмира АБДУҚАҲҲОРОВА, Андижон область, Хўжаобод районидаги «Правда» номли колхознинг 17-мактаб 7 «В»-синф ўқувчиси.

РЕДАКЦИЯДАН: Гулмира! Сен бизга хат ёзиб тўғри қилгансан. Бунинг учун сенга раҳмат.

Ҳақиқатан, болага меҳри бўлмаган «ўқитувчи»ларни мактабдан ҳайдашимиз, лоақал уларнинг ўзини тарбиялашимиз керак! Ўйлаймизки, Хўжаобод район халқ маорифи бўлими, баъзи тарбиясиз ўқитувчиларингга тегишли жазосини беради.

Пешонам шўр экан...

Мен О... исмли бахти қаро қизман. Пешонамга бахтсизлик битилган экан.

...Ўшанда тўртинчи-бешинчи синфларда ўқир эдим шекилли. Аям, дадам ишда бўлишарди. Акам эса 10-синфдами ўқир эди. У мени сўкиб юриб, мажбурлаб қизлик номусимни поймол қилди. Бу ҳол кўп такрорланган. Бу мактубни Сизларга ёзиш қанчалар оғирлигини, уятлигини билсангиз эди. Ахир бошқа иложим ҳам йўқ, онамга айтай десам — юраги ёмон, қолаверса акамнинг икки фарзанди бор. Ор-номус ўлимдан қаттиқ. Мени бир йигитга унаштириб қўйишган. Ҳамма бало мана шундан бошланди. Мен ҳар хил баҳоналар билан тўйни орқага суряпман.

Ахир ўйланглар, мен қандай қилиб ўн гулидан бир гули очилмаган, бахти кулиши керак бўлган бир йигитни алдайман.

Сирдош дугонамга маслаҳат солсам у «аканг ҳам, сен ҳам ёш бўлгансан, менинг айтганимни қилгин, тўйга розилик беравер» деб айтди.

Ҳурматли журналхонлар, Сизлар нима дейсизлар? Мен бахти қаро қиз қимматли маслаҳатларингга муҳтожман. Бу мактубни журналда босишингизни илтимос қиламан. Токи бу хат барча синглиси бор акаларга сабоқ бўлсин. Акам мени бахтсиз қилди. Агар тўй тезлашиб кетса ўзимга ўт қўяман...

Наманган области

Хулосамиз...

«Тошкент гўзали» конкурси чет мамлакатларнинг конкурсига тақлид бўлиб қолган. Бу — ўзбек маданиятига паст назар билан қарашнинг оқибати, деб ҳисоблаймиз. Тошкент гўзали деганда бизнинг кўз ўнгимизда атлас кўйлакли, сочларини қирқ кокил ёки иккита қилиб ўрган, уй-рўзғор ишларини ўринлатиб қўядиган қиз намоён бўлгучи эди.

Дарвоқе, Тошкент — ҳалиям Ўзбекистоннинг пойтахтими? Агар пойтахт алмашмаган бўлса конкурс ғолиби ҳам ўзбек қизи бўлгани тўғри бўлармиди?

Сирдарё область, Фориш районидаги 2-мактабнинг 10-«Б» синф ўқувчилари

ҚАТОРТОЛДАН МАКТУБЛАР

www.ziyouz.com kutubxonasi

КАДРИЯТАЛАР...

1. Ҳалоллик деган тушунчани сиз қандай изоҳлайсиз? Айтайлик, 90 сўм маош билан эртадан кечгача 30 та гўдакка парвона бўладиган боғча ходимаси кичкинтойларнинг насибасидан ортириб бориб болаларига едирса, уни ноҳалолликда айблаш ўринли бўлармикин?

2. АҚШда оддий ишчининг маоши бир ярим минг долларни ташкил қилар экан. Тўғри, у капиталистик мамлакатда касалхона, ўқиш пуллик. Лекин бизда ҳам пуллик система ҳаётимизга кириб келяпти. Пуллик соғлиқни сақлаш кооперативлари, абитуриентларнинг репетитор ёллаб ўқишга тайёрланиши ва ҳоказо. Шу маънода кўп соҳалардаги ҳақ тўлаш масаласи ҳалоллик нуқтаи назаридан сизни қониқтирадими?

3. Редакциямизга келган қатор хатларда ўқувчилар олий ва ўрта махсус билим юртларидаги таниш-билишчиликлар ҳақида, у ерда порахўрлик ҳамон давом ётаётгани тўғрисида куюниб ёзишган. Бу билим юртларида ҳалоллик бош мезон бўлиб қолиши учун нималар қилиш керак деб ўйлайсиз?

4. Инсон табиати мураккаб. Ижодкор сифатида сиз инсоннинг ҳалол бўлиб камолга етишига ҳалал берувчи қандай тўсиқлар мавжуд деб ҳисоблайсиз?

СЎЗ — ЕЗУВЧИ ТОҲИР МАЛИККА

1. Ҳалоллик ҳақида кейинги пайтда кўп гапирадиган бўлиб қолдик. Бунинг сабаби, назаримда, одамлар ҳаромдан ҳазар қилиш лозимлигини ўйламай қўйишди. Одамлар деганда мен фақат Ўзбекистон аҳолисини айтаётганим йўқ. Бу — умуммамлакатга тааллуқли гап. Ҳаромнинг чегараси кенг. Одамлар кейинги йилларда бутун жабҳа бўйлаб ҳаромга асир туша бошлашди. Ҳайрият, жар ёқасига бориб қолинганда кўзлари мошдай очилиб, «дунёда ҳалоллик деган тушунча ҳам бор эди-я», деб ўйлаб қолишди. Ҳалолликдан чекиниш ҳамма соҳаларга хос. Ҳатто доимо покиза, ҳалол яшашлари, ишлашлари зарур бўлган одамлар ҳам ҳаромга юз тутдилар. Савдо базасининг ходими пора олса, «ҳа, энди буларнинг бўлгани шу» деймиз. Аэрофлот кассири «холис хизмати» учун пул олса, индамаймиз. Ўлим тўшагида ётган бемордан пул ундирган врач, ҳарбий хизматга чақирилиши лозим бўлган йигит ҳужжатини четга олиб қўйган ёки «дурустроқ ерга» боришига кўмаклашган ҳарбий комиссариат вакили, одамлар тақдирини ҳал қилувчи суд, прокуратура ходимлари... қўйингчи, пул, пора деган гап мактабга, боқчага кириб келди. Бунга қандай чидаш мумкин?

Ҳалолликдан қачон юз ўгирилади? Қачонки виждондан воз кечилса. Виждонни, таъбир жоиз бўлса, бочка тахтачаларини ушлаб турувчи темир ҳалқага ўхшатмоқчиман. Темир ҳалқа бўшашдими, тамом, тахтачалар сочилиб кетади. Ана шу тахтачалардан бири — ҳалоллик. Арасту ҳаким айтган эканлар: «Руҳимизнинг маънавий қуввати ўлан виждонимиз фикримизга қувват бергувчи бир воситаи идрокия». Виждон ўлар экан, демак, руҳимиз маънавий қуввати сўнади. Шунинг баробарида фикримизга қувват берувчи манба ҳам йўқолади. Мен буни ақлдан озиш деб тушунаман. Ақлдан озган кимсагина ҳаром билан ҳалолнинг фарқига бормайди. Бўғзигача, ҳатто нафаси қайтиб, жони чиққунича ҳаром ботқоғига ботаверади. Буларни шунчаки «ноҳалол одам» дейилишига қаршиман. Аввало булар «одам» деган унвонга нолойиқ. Иккинчидан, ўзбек тилида «ноҳалол»га нисбатан жуда тўғри топиб айтилган «ҳаромхўр» деган ибора бор. Бунақаларни баралла «Ҳаромхўр» деявериш керак.

Саволнинг асосий қисмидаги мисол кишини дастлаб икки йўл оғзига рўпара қилиб қўяди. Чиндан ҳам тарбиячиларнинг маоши оз. Лекин бу уларга ўғрилик қилиш ҳуқуқини бермайди. Кўпчилик ҳалолликдан чекинишни маошнинг камлиги билан изоҳлайди. Чиндан ҳам ҳамширалар-нинг, врачларнинг... маошлари бир оилани тебратишга етмайди. Айримлар бойиш мақсадида эмас, яхшироқ яшаш мақсадида ҳам пора тама қиладилар. Ҳар бир одам яхшироқ яшашни истайди ва у шундай ҳуқуққа эга. Хўш, шундай экан, биз уларни оқлашимиз лозимми ё ўша ҳаромхўрлар рўйхатига тиркашимиз шартми?

Ҳазрат Навоий «Заҳарнинг миқдори оз бўлса ҳам ўлдиради, игнанинг учи кучсиз бўлса ҳам кўр қилади» деган эканлар. Яна халқимизда «Нон ҳам нон, ушоғи ҳам нон» деган ҳикмат бор. Демак, бир сўм ҳам пора, минг сўм ҳам. Бугун ўн сўм олган ҳаромхўр эртага юз сўм олмайди, порадан юз ўгиради, деб ким кафолат беради? Бошқа соҳаларни қўя турайлик, шахсан мен болалар ҳақига хиёнат қилган тарбиячининг гуноҳидан кўз юма олмайман. Ота-она фарзандига ўзи емай едириши мумкин, лекин бошқа бир боланинг оғзидаги луқмасини олиб едириш ҳеч қандай одамийлик доирасига сиғмайди. Бундай ҳаромхўрликнинг икки зарари бор: биринчидан, бола тўйимли овқатдан маҳрум, демак, яхши ўсмайди. Сиҳати ҳам яхши бўлмайди, касалдан боши чиқмайди. Иккинчидан, тарбиячиларнинг ўғрилигини бола кўрмайди, пайқамайди, дейсизми? Шунақа ишларни кўриб, билиб улғаядиган боладан орадан йиллар ўтиб ҳалолликни талаб қиламизми? Йўқ, боқчадаги ҳаромхўрликка асло чидаб бўлмайди. Энди масаланинг бошқа томони ҳам бор: ҳаромхўрликни, ўғриликни оддий тарбиячилар қилмаса керак деб ўйлайман. Улар ота-оналардан турли кўринишдаги совға-саломни тама қилишлари мумкин, лекин болаларнинг ҳақини боқча мудиралари ва унинг атрофидаги яқинлари «туя» қилишади.

Бу масалада гапираман десангиз гап кўп. Синчиклаб қарасангиз тубсиз ўбқонга ўхшайди.

2. Аввало АҚШдаги оддий ишчи билан бизнинг ишчилар ўртасидаги маошни таққосламасдан олдин бошқа омиллар, айтайлик, малакага, ишга муносабатга, меҳнат унумдорлигига, иш қуроллларига... назар ташлаш лозим, деб ҳисоблайман. Маошлар орасидаги фарқни таҳлил қилишга, тўғри хулоса чиқаришга ожизман. Бунинг учун аввало АҚШдаги меҳнат ва яшаш шароитини яхши билиш керак, қолаверса, иқтисодий етук билим эгаси бўлиш лозим. Йўқса, нотўғри хулоса чиқариб, бошқаларни гангитиш мумкин. Шу сабабли саволнинг иккинчи қисмига жавоб берай: мен ҳар турли кооперативларга, репетиторларга мутлақо қаршиман. Биз давлат корхоналарида маҳсулот сифатини ошириш ўрнига кооперативлар очиб қўйдик. Энди заводдаги малакали слесарь кооперативда ишлашни маъқул кўради. Демак, давлат корхонаси малакали ишчиларидан айрилади. Мактабда эса ўқиш сифатини яхшилаш ўрнига репетиторларга оқ йўл тиладик. Бу қанақаси, юксак даражада, сифатли билим бера олмайдиган мактабнинг кимга кераги бор? Мактабнинг вазифаси фақат ҳарф ўргатишми? «Фарзандингнинг олим бўлишини истасанг, пул тўлаб ўқитувчи ёлла», деганими бу? Пули камлар нима қилади? Боласининг олим бўлишидан умидини узадими? Ёки «бу поликлиникадаги врачлар саводсиз, ўлиб қолмай десанг, кооператив поликлиникага бор», дейилмоқчими? Энг қизиғи шуки, кооператив поликлиникада ҳам оддий касалхона, поликлиникада ишлайдиган врачлар қабул қилишади. Энди савол: улар беморларни кооператив поликлиникада тузукроқ кўриб, давлатникида юзаки даволашадими? Тўғри, бундай кооперативлар маоши оз врачлар, институт ўқитувчилари учун манфаатли. Бўш вақтларида қўшимча даромад ишлаш имконини беради. Лекин, мен репетиторлар болаларга эмас, малакаси паст мактаб ўқитувчиларига, врачларга дарс беришларини истардим. Институтда саёз билим олганлари учун энди пул тўлаб сабоқ чиқарсалар ёмон бўлмас эди.

Кези келганда шахсий ошхоналар, кабобхоналарни ҳам айтиб ўтиш керак. Ҳисоблаб кўрилса, бир оилавий кабобхона кунда уч-тўрт қўйнинг гўштини ишлатади. Улар гўштни гўё кооператив нархда оладилар. Шахсан мен бунга ишонмайман. Ана шу шахсий ошхоналар кўпайгач, шаҳар аҳолисини гўшт билан таъминлаш нима учун ёмонлашди?

Кооперативларга қарши эканимнинг яна бир маънавий томони бор: одамлар бойлик тўплашга

муккаларидан берилдилар. Мени айниқса шахсий ошхона, кабобхонадаги болалар ташвишлантиради. Мен бу оилаларда билимга интилувчи бола, келажакда ҳалол одам тарбияланади, дея олмайман.

3. Бу савол жуда эҳтиётлик билан, юмшоқ тарзда берилди. Порахўрлик шунчаки давом этаётгани йўқ, очиқ айтайлик, авж оляпти! Мен олий ўқув юртларидаги порахўрлик, таниш-билишчилик, оилавий сулолалар ҳақида авваллари ҳам ёзганман, гапирганман. Бир мен эмас, кўпчилик гапиряпти. Аммо мутасаддилардан бирон инсоф эгаси чиқиб «Нима гап, ё қулоғимнинг тагида танбур чертиляптими?» демайди. Билишимча, институтларга кириш нархи ҳозир икки баравар ошган. Чунки, илгари икки болани ўқишга киритиб ўн минг (балки ундан кўп) олган ҳаромхўр ҳозир бир боладан шу пулни ундиради. Бу ҳаромхўрнинг ақлига балли, дейсан. Қаранг, пул ўша-ўша, аммо хатар, таҳлика икки баравар камайган.

Бу ярамасликларнинг олдини олиш учун турли усуллар ишлатиб кўриляпти. Лекин ҳаромхўрлар ҳаммасига чора топишяпти. Шу сабабли бир нарса дейишим қийин. Ҳар ҳолда олий ўқув юртидаги бундай ҳаромхўрларни инсофга келтириш мушкул. Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас... Назаримда диплом олиш лозим бўлган ёш мутахассисни заводда, колхозда, шифохонада, мактабда... хуллас, қаерга йўлланган бўлса ўша ерда, тажрибали мутахассислар бутун коллектив кўз олдида имтиҳон қилишлари керак. Агар битирувчи студент имтиҳондан ўта олмаса, диплом берилмасин. Бутун сарф-харажатларига куйиб қолаверсин. Йўлланма билан қайси корхонага (колхозга) келган бўлса, шу ерда оддий ишчи сифатида ишласин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўқиб юрганида стипендия олган бўлса, иш ҳақидан тўласин... Бу энди бир хом хаёл. Ҳар ҳолда минглаб пул сарф қилган отанинг қўли бу имтиҳонга ҳам етиб қолар. Ҳуллас, инсоф ўзига берсин, дейишади-ку. Инсофга умид қилишдан бошқа чорам йўқ.

4. Тўсиқлар кўп. Биз аввало маънавий бойликларимиздан узоқлашяпмиз. Фикру зикримиз моддий бойликда. Пахта деймиз, пилла, қоракўл, кўмир... деймиз. Лекин инсоннинг маънавий камолоти қоғоздаги гаплардан иборат бўлиб қоляпти. Одам боласини шиорлар билан тарбиялаш мумкин эмас. Бизда ўзбек болалар адабиёти инқилобдан кейин ривож топди, деган нотўғри тушунчалар юради. Маданий инқилоб йиллари туғилган бу нотўғри тушунчалар бизнинг бебаҳо тарбия ўчоқларимиздаги оловни ўчирди, маданий бойликларимизга олиб борувчи йўлларни тақа-тақ беркитиб ташлади. Жуда кучли тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қадим асарларига «диний, зарарли асар», деган тамғалар босилди. Қадимий шарқ адабиёти маърифий, ахлоқий жиҳатлари билан қудратли деб ҳисоблайман. Бу адабиёт одамни виждонли бўлишга, ҳалоллик, покизаликка... ундаган. Ана шу адабиётнинг сўнгги намуналаридан бири бўлган Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ» асарининг кириш қисмига диққатингизни жалб этсам:

«Аҳлоқ уламоси инсонларнинг хулқларини иккига бўлмишлар: агар нафси тарбият топиб, яхши ишларни қилурга одат қилса, яхшиликга тавсиф бўлуб «яхши хулқ», агар тарбиятсиз ўсуб ёмон ишлар ишлайдургон бўлуб кетса, ёмонлиқга тавсиф бўлуб «ёмон хулқ» деб аталур... Бир қисми ўз нафсимизга, бир қисмини бир-биримизга қаршу ишлатмак учун керакли бўлган яхши хулқлар: фатонат, диёнат, назофат, ғайрат, риёзат, қаноат, шижоат, илм, сабр, ҳилм, интизом, миқёси нафс, виждон, ватанни суймак, ҳаққоният, назири ибрат, иффат, ҳаё, идрок ва зако, ҳифзи лисон, иқтисод, виқор, хавф ва ражо, итоат, хайрихоҳлик, мунислиқ, садоқат, муҳаббат ва авфдур... Емон хулқлар — инсонларнинг саодати абадиятдан маҳрум қиладургон... халқ назарида мазмум, ҳаёти жовидонимиз учун маснун бўлгон аҳлоқи зимималар — ғазаб, шаҳват, жаҳолат, сафоҳат, ҳамоқат, адоват, ҳасосат, раҳоват, аноният, адоват, намимат, ғийбат, ҳақорат, жибонат, ҳасад, тамаъ зулмдур..»

Абдулла Авлоний қадим донишмандларнинг фикрига асосланган ҳолда шу саналган яхши-ёмон хулқларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида изоҳ беради, шеърий сатрлар битади. Бу асардан янги усул мактабларида ахлоқ дарслиги сифатида фойдаланилган. Хўш, нима учун ундан энди фойдаланмаймиз? Ҳозирги болалар, ҳаттоки катталар шу саналган яхши хулқларнинг ёки ёмон хулқларнинг барчаси ҳақида тўлиқ тушунчага эгаларми? Мактабларда Навоийдан, Гулханийдан, Ҳамзадан келтирилган оз миқдордаги ибратларгина ҳоким. «Қутадғу билиг»ни, «Девону луғотит турк»ни ёки бошқа қадим асарларни болалар у ёқда турсин, муаллимлар ҳам билмайди. Радио-телевидение, матбуот ҳам бу нодир бойликларга мурожаат қилмай қўйган. Биз болаларни саёз, бадиий бўш, дононликдан йироқ асарлар билан тарбия қилмоқчи бўламиз. Мен бу усул тарбияни ўқсиз милтиққа ўхшатгим келади.

Журнал ҳалоллик ҳақидаги масалани кўтариб жуда тўғри қилибди. Лекин ҳалолликни бошқа хулқлардан ажратиб алоҳида-алоҳида муҳокама қилиш, хулоса чиқариш мумкин эмас. Мен бундай фикр олишувларнинг давом этишини истардим. Агар журнал қадим ахлоқий китобларига кўпроқ мурожаат қилса, умидвор кўнгиллар баҳор шабадасидан яйраган бўлур эди.

БИР ФИЛЬМ ЯРАТИЛСА...

Чингиз АҲМАРОВ:
Ўзбекистон халқ рассоми

1. Она ўз фарзандини оч қолдирса у ўзининг табиат ва инсоният олдидаги асосий бурчини бажармаган бўлади. Албатта унинг айби бор, лекин савдо системаси хизматкорларининг ўғрилиги ёки автосервисда ўрнашиб, миллионлаб пора йиққан шахслар ҳам борлигини эсласак, бу онани айблаш ўрнига, унга боласини қонуний равишда бекаму кўст тўйдириш имконини беришимиз зарур.

2. Порахўр дўхтирлар, ўғри фармацевтлар эсимга тушса мен ижод қилиш қобилиятимни йўқотаман, ўйлаб кўрсак, 70 тийинлик дорини 70 сўмдан сотган «дўхтирлар» тўғрисида мен афсуски кўп эшитганман. Ёшлигимда мен «Каламушлар» деб аталган эртак эшитган эдим. Бу эртакда бир хаёлий мамлакат ва ундаги дўконларда савдо қилувчи... каламушлар тасвирланган.

Магазинчи ўғрилик устида қўлга тушса бир бармоғини қирқиб олар эканлар, лекин дўкондан ҳайдамас эканлар, ўғриликни давом эттирса, иккинчи бармоғини ҳам қирқар эканлар. Шу эртакни мен бир савдо ходимига гапириб берсам у «бундай бўлса, бизда савдо ходимлари юз фоиз бебармоқ қолар эди...» деб жавоб берди. Яхши бўлар эди, агар киночилар шу мавзуда бир мультфильм яратсалар, албатта бу фильмда фақат савдо соҳаси билан чегараланмаса-ю, ҳамма аҳмоқ «бошлиқлар», саводсиз санъат раҳбарлари, ўғри фармацевтлар, дўхтирларнинг бармоқларини ва қўлларини кесиш кўрсатилса, (Шу фантастик мамлакат материалида) бу фильм ёшлар тарбиясига самарали таъсир кўрсатармиди...

3. Менинг фикримча, ўзларига топширилган вазифани бажара олмаган, ёки аҳмоқ бўлган бошлиқлар лавозимидан олиб ташлангач, кейин яна бошқа лавозимга бошлиқ қилишни қатъиян маън қилишни қонун қилиб олишимиз зарур. Негаки, қўлидан ҳеч иш келмайдиган бу «одамлар» битта оромкурсисидан ҳайдалса, яна янги «оромкурси» қидириб юрадилар... ва афсуски топадилар ҳам...

ЖУРНАЛХОНЛАР ИЖОДИДАН

Рустам БОЙМАТОВ

Нега осмон қулаб тушмади,
Замин нега солмади фарёд,
Қуёш юзга чиммат тортмади,
Борлиқ нега бўлмади барбод
Сен кутганчалик?
Нега ҳаёт ҳануз осуда?
Тун кунларни қувиб етмади?
Ҳилол яна тепангда кулган,
Соҳил нега қочиб кетмади —
Сен кутганчалик.?
Нега яшил турибди чинор?
«Сомон йўли» кетмади тарқаб?
Булбул нега қузғун бўлмади,
Тошқин анҳор қолмади қақраб,
Сен кутганчалик?
Нега тонглар қон эмас, шудринг,
Қулоғига тақишди гуллар?
Қўллар нега асо тутмади,
Нега сўздан қолмас бу тиллар,
Сен кутганчалик?
Нега жимсан, алдамчи юрак?

Фарғона область.

Жўрамирза ҚОСИМОВ.

* * *

Келдим...
Дардларингни бирга тортгали,
Сўлаётган гул — юзингда
Бахтимизни кўргали келдим.

Қолдим...
Етти иқлим завқин тотгали,
Кўзларингга, ёр, кўзларингга —
Киприк бўлиб тургали қолдим!

Наманган область Учқўрғон райони.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шодмонбек ОТАБОЕВ

Яна ёмғир ёғсайди

Ҳикоя

Қурбақалар қуриллай бошлади. Итлар чўзиб-чўзиб вовуллашга тушди. Буларнинг нағмасига чигиртка-ю калтакесаклар, бошқа жонзодлар қўшилди; худди бас бойлашгандек бири олиб, бири қўйиб, роса жўр бўлишди. Баҳром томорқа одоғидаги ишкомлар остига қўйилган ёғоч сўрида жимир-жимир юлдузларга, ўн тўрт кунлик тўлин ойга тикилиб ётаркан, болалагидан таниш бу манзара ва оҳанглар ҳеч қачон ҳозиргидек кўнглига яқин ва азиз туюлмаганини сезиб қолди. Бу оҳанглар, бу ойдин кечалар негадир омонатдай, бир кунмас бир кун улардан жудо бўлиши мумкиндай туюлди-ю ўзича маъюс тортиб хўрсинди. Яна кўз олдига Инобат келди. Қизиқ, ҳозир у нима қилаётган экан? Балки хотиржам ухлаётгандир? Туни билан мижжа қоқмай уни ўйлаб, унга интиқ-интизор бўлиб, ёқимли изтиробда тўлгониб чиқишини билармикин? Балки, билмас. Кеча дарсда сал бўлмаса фақат ўзи биладиган, ҳатто баъзан ўзидан ҳам қизғонадиган сирни фош қилиб қўяёзади. Математика муаллими Инобатни доскага чақирганда юраги шув этиб кетди-ю, худди тикон устида ўтиргандек безовталана бошлади. Хавотири бежиз эмас, чунки Инобатнинг ўқиши бўш, у эса аълочи, ўртада ўзи истаган тенглик-яқинлик бўлмагани учун андак ҳижолат ҳам тортиб қўяр эди. Инобат осонгина мисолни ечолмай, бошини солинтирганча досканинг бир четида бўрни ўйнаб турaверди. Баҳромнинг ичи қизиб кетди, қўлини карнай қилиб, секин шипшиди. Назарида, ечимнинг бошланишини айтиб берса кифоя, қолганини ўзи эплаб кетади. Аммо Инобат эшитмас, эшитса ҳам негадир қарамас эди. Мабодо у шу тобда орқасига бирров ўгирилганда эди, боёқиш Баҳромнинг тиниқ, беғубор бир интиқлик билан жовдираб турганини кўрар эди. Баҳром хит бўлди, алам билан қаттиқроқ шивирлади. Ўзи истамаган ҳолда овози жаранглаб кетди. (Товушининг ўзгариб қолганини ўтган ҳафта ойиси отасига сирли кулимсираб айтганида нимкосани пайқаб уялиб кетувди). Муаллим жаҳл билан овоз чиққан томонга ўқрайди. Баҳромнинг дами ичига тушиб кетди. Хуллас, Инобат яна «икки» олди. Баҳром Инобат билан бирга дарс қилиб, унга ўргатишни жудаям хоҳлар, аммо ийманар, биринчи бўлиб ўзи бу ҳақда гап очишга ботинмас эди. Қизиқ, илгари, ҳатто бундан икки-уч йил олдин ҳам синфдошлар ўзаро бемалол гаплашиб, талашиб-тортишиб юраверар, тап тортмай бир-бирларининг уйларига йўқлаб-сўроқлаб бораверишар, бунга ҳеч ким ажабланмас, айбга ҳам йўймас эди. Энди-чи? Орада қандайдир бир сирли тўсиқ-парда пайдо бўлгандай... Наҳотки қисқа вақт ичида шу қадар ўзгариб кетишган бўлса? Йўқ, бунга ишониш қийин. Аслида ҳаммаси ўша-ўша — содда, тўпори қишлоқ болалари.

Баҳром у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилавериб кўкрак ва биқинлари оғриб кетди. Ҳар қимирлаганда эски ёғоч сўри ўйдим-чуқур йўлдан кетаётган бузуқ аравадай ғижирлаб, ғашини келтиради. Ичкаридан ойисининг «Ҳалиям ухламаяпсанми?» дея йўқлаб қолишидан хавотирланади. Булутлар орасида гоҳ кўриниб, гоҳ ғойиб бўлиб, оҳиста сузиб кетаётган ой Баҳром билан бекинмачоқ ўйнаётгандек узум барглари панасидан мўралаб қолар, гўё, мана мен ётоғимга яқинлашиб қолдим, энди сен ҳам ором ол, деяётгандек эди.

Хаёл уни яна Инобат билан боғлади. Яхшиям хаёл бор экан: хоҳлаганча ўйлайверади, тотли орзулар илинжида тўлғонаверади. Дарвоқе, боя нимани ўйлаётган эди? Ҳа, демак, ҳамма ўша-ўша, фақат Инобат бошқа, фақат у бўлакча, фақат унга ҳеч кимга ўхшамайди. Қизиқ, нега уни илгари пайқамаган экан? Наҳотки бу ўша жиккаккина, маҳмадона Инобат бўлса? Йўқ-йўқ, энди у бутунлай бошқа қиз, энди у оғир-вазмин, тортинчоқ. Ҳар бир хатти-ҳаракати, қорачалиги, юмалоқ кулча юзлари-ю қайрилма киприклари шу қадар ўзига ярашганки, унинг сиймосини унча-мунча рассом чизолмайди; бу иш фақат Чингиз Аҳмаровнинг қўлидан келиши мумкин. Мактабни битириб, Тошкентга ўқишга борса, албатта Чингиз ака билан танишади, унга Инобатнинг суратини кўрсатиб, йўқ, нега энди суратини, ўзини етаклаб бориб, расмини чиздиради. Дарвоқе, мактабни битиришига ҳам оз вақт қолди, у бўлса ҳалиям қайси ўқишга киришни танлай олгани йўқ. Инобат-чи? У нима қиларкин? Ҳа, қизларга қийин, ўқишга бормаса уйдагилари эрга бериб юборади. Наҳотки, Инобат ҳам... Унда нима қилиш керак? Эҳ-е, ҳали бунақа ташвишлар ҳам бор.

Баҳром қачон кўзи илинганини пайқамади. Ойиси эрталаб ҳар қанча силкитиб, уйғотмасин, кўзини очолмас, бу шарпалар тушидами ёки ҳушидами — билолмас эди.

Кеча раис келиб, икки-уч кун ичида ғўзани яганалаб, чопиқдан чиқаришмасанг бунақа бригадани тарқатиб юбораман деб дўқ уриб кетди. Бригадир — биология муаллими Жабборов ўқувчиларни тўплаб, мажлис қилди. Ҳар бир ўқувчига биратўла яганалаб, чопиқдан чиқариш учун ер тақсимланди. Шундан кейин иш қизиб кетди. Бугун раис белгилаган муҳлатнинг охирги куни. Баҳор қуёши тиккага келиб, елкани қиздира бошлади. Баҳром эгатга «миниб» олганча бош кўтармайди. Елкаси, бели зирқираб оғрийди, пешонасидан тинимсиз қуйилаётган тер бўйнидан оқиб, кўйлагини шалаббо қилган. У беихтиёр ўзини саратонда тўнка қўпорган Йўлчига қиёслайди. Севимли қаҳрамонини мана энди тушунгандек бўлади. Чекига тушган ерни тезроқ қўлдан чиқариб, Инобатга ёрдам бергиси келади. Аҳён-аҳён бирров тўхтаб, дам олиш, нафас ростлаш учун эмас, қизни кўриш, узоқдан бўлса-да бир кўриб, ҳоврини

босиб, асов кўнгил ташналигига озгина тасалли бериш учун бош кўтаради. Сўнг яна оғир хўрсиниб, умид ва илинж ила кетмонга ёпишади.

Инобат ўн беш-йигирма қадам орқада, Қумри билан ёнма-ён чопиқ қилмоқда. Баҳром орқага ўгирилмаса-да, гўё елкасида ҳам кўзи бордек, қизни аниқ-равшан кўриб турибди. Пешонасини сириб боғлаган оқ дуррада Инобат янада кўркам-куйдирмажон туюлади. Дугоналар баъзан бир зум ишни тўхтатиб, ўзаро шивирлашади, бутун далани бошларига кўтариб, қиқирлашади. Баҳром бу шаддодликнинг сир-асрорини билолмай доғда. Бор таваккал дея Қумрига ёрилиб, шу баҳона асосий гапни ҳам биратўла шартта айтиб, ёрдам сўраб кўя қолсаммикин (баъзилар шунақа — ўртага одам қўядику) деб хаёл қилади. Ҳарқалай, Қумрига ишонади, ҳаддиям сиғади. Қариндош — холасининг қизи. Аммо тағин ким билади, қизлар бунақа масалада шайтон бўлади дейишади, қолаверса, бунга ҳам юрак керак; яна худо билади нима деб ўйлаши мумкин?! Бориб уйдагиларга суюнчиласа, холаси дарров онасига, онаси отасига... Э ҳожати йўқ. Тағин Мамадали қизга ёзган хати билан қўлга тушиб, муҳокама бўлган. Муаллимлар ҳаммага сабоқ бўлсин деб, бу можарони бутун мактабга достон қилишди. Ҳақиқатан ҳам сабоқ бўлди, шекилли. Қизларга хат ёзиш, яъни уларни... яхши кўриш мумкингина эмас, номаъқул иш, кечирилмас гуноҳ эканлигини энди ҳар бир ўқувчи билиб олди. Ҳарқалай, уларга шундай деб уқтирилди.

Баҳром катта йўл ёқасидаги ўқариқ — маррага чиқиб, қаддини ростларкан, беихтиёр орқасига ўгирилди. Қизлар ўттиз қадамча нарида шошилмай кетмон уриб келишарди. Баҳром қизларнинг эгатига ўтди. Аксига олиб бу ерлар тошлоқ, ҳар урганда кетмон осмонга сапчийди. Орадаги масофа тобора камая боради. Қумри ўғринча гоҳ дугонасига, гоҳ Баҳромга қараб-қараб қўяди, лаблари қувлик билан қимтинган. Инобат эса бош кўтармайди. Юзлари худди оловда тоблангандек ловиллайди. У мана шунақа ийманиб-тортиниб турганида негадир янада гўзаллашиб кетади. Яқинлашган сайин юрагининг уришини ўзи ҳам эшитаётгандек, айни чоғда бутун сири ҳозир фош бўладигандек туюлади. Бунинг устига ҳозир юзма-юз келишганда биринчи бўлиб ўзи гап бошлаши, нимадир дейиши керак. Мана шуниси қийин... Ниҳоят, рўбарў келишди! Баҳром ўзини қўлга олиб, секин томоқ қириб йўталди ва базўр гап қотди:

— Ҳорманглар.

— Узлари ҳормасинлар!— деди Қумри кулимсираб.— Раҳмат, аммо бекор овора бўлибсан.

— Овораси бор эканми?— деди Баҳром секин кетмонини елкасига олиб. Инобат ҳамон бош кўтармас, индамас эди.

Шийпон томондан тушликка чорлаб занг чалинди. Учовлон йўлга тушишди.

— Бугун шийпонга кино келармиш, ҳиндча, «Чангда қолган гул». Номига қараганда зўр бўлса керак. Кўрамизми?— Қумри бу гапни маслаҳат оҳангида айтса-да, Баҳром ўзини бурчдор ҳис қилди.

— Кўрсак кўраверамиз,— деди у дадилланиб.— Фақат бир... шарт бор.

— Қандай шарт экан?— Қумри қошларини чимириб, ўзича қизиқсинган бўлди.

— Инобат ҳам... кинога келса...— Баҳром юрак ютиб, шундай деб юборганини билмай қолди. Назарида, ёмон бир сўз айтиб қўйгандек эди. Ҳамон суҳбатга аралашмай келаётган Инобатнинг уялганини кўриб, кўнглига баттар ғулғула тушди.

— Ў-ҳў, тузуксан-ку! — деди Қумри кўзини қисиб.— Бўпти, Инобатни кўндириш мендан.

Инобат Қумрининг тирсагини чимчилади. Баҳром буни пайқамади. Шу тобда у энг қийин довондан ўтиб олган сайёҳдек бахтиёр эди.

Экран — дала шийпонинг оқланган деворида ҳиндча кино намойиш қилинмоқда. Томошабинлар (асосан ўқувчилар) шундоққина ерда — юмшоқ тупроқ устида чўккалаб, баъзилар астойдил чордона қуриб ўтиришибди. Қумри бир нарсани баҳона қилиб ўрнидан турди ва Инобатни ўртага ўтқазиб қўйди. Баҳром елкаси беихтиёр қизга тегинди-ю бутун вужуди ғалати бир ҳисдан ёқимли титраб кетди. Димоғига урилган атир ҳидидан сарҳуш бўлиб, боши айланди. Қизиқ, Инобат олдин атир сепмасди шекилли?.. Баҳром зимдан ёнига разм солиб, қизнинг қошларига ўсма қўйганини сезди. Қизиқ, намунча энди ўзига оро бермаса? Ахир шундоқ ҳам... чиройлику! Ҳар нарсанинг табиийси яхши, дейишадику!

Экрандан кўнгилни қитиқловчи ҳинд қўшиғи тарала бошлади. Мабодо Баҳромдан бу куй-қўшиқларнинг нимасини ёқтирасан деб сўрашса тайинли бир жавоб беролмайди, аммо ёқтириши рост. Мана, ҳозир ҳам бу куйлар кўнглининг энг нозик торларини чертяпти, гўё, айтиб, тушунтириб беролмайдиган энг нозик туйғуларини изҳор қиляпти. Балки шунинг учун ҳам бу куй-қўшиқларни ёқтирар...

Нима жин урди, қандай куч уни сеҳрлаб, мувозанатдан чиқарди — ўзи ҳам билмай қолди, бир маҳал мундоқ қараса, қўллари Инобатнинг қўллари устида турибди. Қўллари, наинки қўллари, бутун вужуди худди лаҳча чўғни ушлаб олгандек ёнади, ўртанади. Ажабо, негадир Инобат ҳам қўлларини тортиб олмади. Демак, у ҳам... О, Баҳром бу ўйлардан шундай яйраб-қувониб кетдики, шу тобда телбалардек сакраб, бор овози билан оламга жар солгиси, бахтини топиб-ушлаб олганини айтгиси келди...

Кинодан кейин учовлон худди маслаҳатлашилгандек, қишлоқ четига — тепаликдаги катта чинорга бурилишди.

Қоратоғ томондан тўлин ой кўтарилиб келар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шодмонбек ОТАБОЕВ
Андижон область Хўжаобод район Ширмонбулоқ қишлоғида туғилган. СССР Езувчилар Союзининг аъзоси.

ҳаво майин ва салқин, енгил шабода эсар, узоқ-узоқларда итлар ҳурар, баҳор оқшоми шошилмай ўз кўрку тароватини намойиш қилмоқда эди.

— Шу ерда... тонг оттирсак-чи?!— дея таклиф қилди Баҳром кутилмаганда.

— Бу ерда нима қиламиз?— деб сўради Қумри ҳайрон бўлиб. Инобат эса ҳазилинг бор бўлсин дегандек ёқимли жилмайиб қўйди. Баҳром буни хайрихоҳлик аломати деб тушунди-ю, ўзича дадилланди.

— Нима қилардик, какликнинг сайрашини эшити-иб хаёл суришамиз.

— Каклик ҳам ҳализамон инига кириб кетади, кейинчи?

— Кейин... ўзим сизларга эртак айтиб бераман.

— Ҳали алла ҳам айтиб берарсан,— деди Қумри.— Майли, бир кун минг кун бўлмайди. Сизлар гаплашиб турингглар, мен бориб уйдагиларни огоҳлантириб келай, яна хавотир олиб ўтиришмасин.

— Қумри!— Инобат энди бир қадам ташлаган дугонасининг этагига жон ҳолатда ёпишди. Қумри қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Каклик чўчиди чоғи, сайрашдан тўхтади.

— Оббо, сизларей! Аслида иккованг ҳам жон деб турибсан-ку! Учинчиси — ортиқча. Аммо мен бўлмасам ишларинг юришмайди, билиб қўйинглар. Ишқилиб, кейинчалик, сен Баҳром чол, сен Инобат кампир бўлиб, невара-чевара кўрганинглар-да Қумри кампирниям унутворманглар.

— Биз... қаримаймиз,— деди Баҳром шивирлаб.— Ҳечам каримаймиз.

У ҳадди сиғиб, биринчи марта «биз» номидан гапиришга ботинди. Шу дақиқа ўзи ҳам бир неча ёш улғайгандек, руҳига фавқулодда бир куч-қудрат қуйилгандек туюлди.

Кейинги кунларда негадир Инобат далада кўринмай қолди. Баҳром гангиб, бошини қайга уришни билмас, дарров сўраб-суриштиришга ийманар эди. Ҳар куни «Мана бугун чиқиб қолар» дея минг бир умид-илинж билан далага келар, қизлар орасидан жовдираб Инобатни қидирар, у кўринмагач, ҳафсаласи пир бўлиб эгат ичига руҳсиз-бемажол ўтириб қолар, кўнглига қил сиғмас, худди биров билан аразлашгандек баъзан тушликка ҳам чиқмас эди. Бир неча кун ичида ранги олиниб, озиб-тўзиб кетди. Ойиси аҳволини кўриб ҳавотирланди: «Касал-пасал эмасмисан, болам? Даланинг ишиям ўлсин куни сенларга қолмай, сираям адо бўлмайди! Майли, бир-икки кун уйда дамингни ол!» Аммо Баҳром бу гапни эшитишни истамас, ҳар куни тонг ёришар-ёришмас далага бориб, Инобатнинг йўлини пойлар, қиздан эса ҳамон дарак йўқ эди.

Бир куни, гарчи ўзи сўрамаса ҳам, Қумри шундай гап топиб келди: Инобат оғриб қолган кичкина укаси билан қўшни қишлоқдаги касалхонада ётганмиш. Қачон чиқиши ҳали номаълум; ҳарқалай, дўхтирлар жавоб берганда чиқса керак.

Касалхонага бориб, Инобатни кўриб келиш айтишга осон. Ахир кўрган-билганлар, палатадагилар нима деб ўйлашади? Қандоқ қилиб чақиради? Аммо уни кўришнинг бирдан-бир йўли шу — касалхонага бориш. Бормаса — кўрмайди, кўрмаса — туролмайди; бу энди ўзининг инон-ихтиёрига боғлиқ эмас. Баҳром ахийри боришга аҳд қилди.

Баҳром оқшом чўкканда велосипедини миниб, озиқ-овқат, кийим-кечаклар аралаш-қуралаш сотиладиган магазинга кирди. Бутси олиш учун тийинлаб йиғиб юрган пули бор эди, бир қисмини ҳаржлаб, печенье билан ялтироқ қоғозли конфетдан ярим килодан олди. Халта олволмаган экан, ширинликларни шимининг ён чўнтакларига бир амаллаб жойлади. Велосипедини миниб, кўшни қишлоққа жўнади. Ҳар гал педални босганда икки томонга қаппайган чўнтаклари худди ойжувоз тўқмоғига ўхшаб бесўнақай кўтарилиб тушар, шу алпозда яна бунинг устига касалхонада бировга кўринишдан юраги безиллаб борар эди.

Қўшни қишлоқнинг «Бўтқа» деган маҳалласидан ўтиб бораётганда катта равоқли уйнинг кўк эшигидан эшакдек бир ит югуриб чиқди-ю «вафвафф» қилиб ташланиб қолди. Баҳром хаёл суриб келаётган эди, жон-пони чиқиб кетди. Шоша-пиша тезликни оширди. Бунақада у велосипедни ракета қилиб юборарди. Ҳозир ҳам учиб кетяпти, аммо савил чўнтаклари панд берди: ит печенье солинган чўнтагини тишлаб, йиртиб юборди. Ширинликнинг ярми тошлоқ йўлга тўкилди, велосипед қийпанглаб кетувди, Баҳром зўрға мувозанатни тиклаб қолди. Ниҳоят, ит қувишдан чарчади.

Эски мактаб ўрнида жиҳозланиб, касалхонага айлантирилган пасттаккина оқ бино кўринди. Баҳром дарвоза ёнидаги қари тутга велосипедини суяб, атрофга аланглади. Аҳён-аҳёнда каттакичик тугун кўтарган одамлар ичкарига кириб чиқишмоқда. Баҳром тўғридан-тўғри Инобатни йўқлаб-сўроқлай олмаслигини сезиб, нима қиларини билмай туриб қолди. Сўнг ўйлай-ўйлай шифохонанинг орқа томонидан мўралаб кўришни кўнглидан ўтказди. У ёқда деразалар паст қурилган, сал оёқ учида кўтарилса бас — ичкаридагилар бемалол кўринади. Инобатни секин ҳуштак чалиб ёки ойнани чертиб чақиради.

Баҳром велосипедини йўл ёқасига қўйиб, шифохона орқасига ўтди. Аксига олиб, бир парчагина гулзордан иборат орқа ҳовлига кўллатиб сув қўйилган экан, лой кечиб боришга тўғри келди.

Биринчи деразадан кўринган хонада оппоқ халат кийган ҳамширалар чой ичиб, чақчақлашиб ўтиришибди. Иккинчи деразадан ҳеч ким кўринмади — ичкари қоронғи эди. Учинчи деразадан эса оқ халат кийган семиз киши (врач бўлса керак) билан яна икки кишига кўзи тушди. Баҳром кейинги деразага ўтиб кетмоқчи эди, ҳалиги кишилардан бири таниш кўриниб, бир зум тўхтаб қолди. Таниди — ўзларининг раиси, бир ҳафта олдин муаллимларини сўккан одам. Баҳром тунда раиснинг врачда нима иши бўлиши мумкин дея қизиқсинди. Врач кафтларини бир-бирига ишқаб, бурчакдаги пўлат сандиғини очди ва у ердан бир шиша чиқарди, сўнг уни очиб графинга яримлатиб қуйди, сув билан яхшилаб аралаштиргач, пиёлаларга тақсимлаб чиқди. Ичишаётганда ҳаммасининг афти бужмайиб кетди. Врач ялтоқланиб бир нима деган эди, раис бармоғини кўрсатиб «михдек» дея ишора қилди. Ҳаммалари ха-халаб кулишди. Сўнг яна ичишди...

Баҳром кутилмаган томошага андармон бўлиб, кейинги деразага мўралашга улгурмади. Гулзор ичидан ногоҳ қулоғига чалинган шарпадан сергак тортиб, шартта ёнига ўгирилди. Қора тўн кийган новча киши (қоровул бўлса керак) худди ҳамлага чоғланган мушукдек оҳиста пусиб келарди. Баҳром жон ҳолатда ўзини орқага ташлади. «Чурр» этган ҳуштакдан (милиционерларники!) қулоғи қоматга келди. Ҳалиги одам «Тўхта! Тўхта дейман!» дея орқасидан қувлади, азбаройи шошганидан оёғи бир нимага илашиб, шалоплаб йиқилди. Баҳром эса бу маҳал аллақачон тош йўлдан велосипедини учириб борар, қўлга тушай-тушай деб қочиб қолган ўғридек ҳовлиқиши босилмаган эди...

Тушликдан кейин бошқа далага ўтишди. Бу ерлар Инобатларнинг маҳалласига яқин эди. Баҳром ҳар икки кетмон урганда бир ўша томонга қарайвериб, ахийри бўйни оғриб кетди. Назарида, Инобат уйга келган бўлса, сув-пув олгани кўчага чиқиб қоладигандек эди. Ҳартугул Қумри жонига оро кирди. Эгатнинг охирига боришганда у Баҳромга қараб оҳиста деди:

— Бирров бориб, Инобатларникидан хабар олиб келсаммикин? Балки касалхонадан қайтгандир?

— М-майли,— Баҳром сал ҳаялласа Қумри айниб қоладигандек, дарров жавоб қилди. Айни чоғда ўлиб турган экан деб ўйламасин деб бефарқ-бепарвороқ гапиришга уринди-ю эплолмади: овози барибир титраб кетди.

— Унда менинг эгатимга қараб қўйгин, бирон-таси келиб қолса сасиб юрмасин.

— Хўп!— Мабодо Қумри шу тобда «уч-тўрт кун келолмайман, ўрнимга ишлаб тургин» деса ҳам Баҳром йўқ демасди.

Қумри шу кетганча узоқ ҳаяллади. Баҳром гўё бутун ҳаёт-мамоти Қумрига, ҳозир у келтирадиган хабарга боғлиқдай ҳовлиқар, тезроқ чиқмаётганидан юраги сиқилар, қўли ишга бормас, кетмон сопига суянганча тутзор ёнидаги сўқмоқдан кўз узмас эди.

Ниҳоят, узоқдан Қумрининг қораси кўринди. Унинг ёлғиз келаётганини кўриб, Баҳромнинг тарвузи қўлтиғидан тушди. Тахминича, агар Инобат уйда бўлса, албатта Қумри билан бирга келиши керак эди. Бир минутга, бир лаҳзага бўлса ҳам келиб, кўриниш бериши мумкин деб ўйлар, шуни истар эди. Чунки... чунки уни жудаям соғинган: эҳ, соғиниш ҳам гапми!..

Қумри ёнига келганда Баҳром унга саволомуз тикилганча мунгайиб тураверди. Қиз қўлларини орқасига қилиб, бир нимани яшириб турарди.

— Мана бу сенга, Инобат бериб юборди!— Қумри шундай дея Баҳромга кичик бир гулдаста узатди. Баҳром кутилмаган туҳфадан ўзини йўқотиб қўйди, серрайиб тураверди.

— Олавер, сенга, шахсан ўзингга аталган!— Қумри қулимсираб турсада, самимий гапираётганди. Ҳали-ҳамон хаёлини жамлаёлмаётган Баҳромнинг кўлига гулдастани тутқазди.— Қарагин, қандай чиройли-а? Ҳидини айтмайсанми? Тағин маст бўлиб қолма!

Ўртасида лов-лов ёниб турган бир дона қипқизил атиргулу райҳон ва жамбиллардан ҳафсала билан дасталанган гулдаста ростдан ҳам жуда чиройли, хушбўй эди.

Баҳром бир дақиқа мана шу кўриб, эшитиб, ҳидлаб турган нарсаларни ҳушида эмас, тушида, йўқ, тушидагина эмас, китобларда, киноларда, афсонавий суратларда кўришга одатланган; ҳаётда ҳам шундай воқеалар бўлиши мумкинлигига ақли бовар қилмас эди. Энди ўз ҳаёти афсонага ўхшаб кўрина бошлади. Қумрининг қочиримн уни ҳушига келтирди:

— Энди, ҳозирча «Ернинг гули галди, ўзи галмади» деган қўшиқни айтиб турасан. Сабр қилсанг ўзиям келиб қолади.— Қумри овозини пасайтириб, жиддий оҳангда қўшимча қилди.— Инобат уйда экан, яна укасига қараб ўтирибди, уйдагилари чўлдаги қариндошлариникига кетишибди. Эртага ишдан кейин чинорнинг тагида кутиб тургин, келади. Йигит бўлиб мундоқ учрашувга таклиф қилишниям билмайсан.

Баҳром ишнинг тугашини кутишга сабри чидамай, оқшом арафасида чинор томон ошиқди. Жўнаётганда ҳавонинг авзойи бузуқ эди. Қора-тоғ устидаги қора-қўнғир булутлар қуюқлашиб, шиддат билан бостириб кела бошлади. Совуқ шамол тинимсиз ҳуштак чалади. Кутилмаганда пешонаси, юзу кўзларига ёмғир томчилай кетди. Чинорга етар-етмас ёмғир кучайиб, жалага айланди. Баҳром паналаниб, чинорнинг бақувват танасига ёпишди; япроқлар жалани тўсолмас эди. Ёмғир атрофдаги лойқа сувга тўлган халқобларда чуччвара қайната бошлади. Қўрғошин тусига кирган осмоннинг туби кўринмасди. Кўп ўтмай жала тинди. Ёмғир шивалаб ёға бошлади. Баҳром чинор тагига чўнқайди. Аксига олиб шу бугун, шу лаҳза ёмғир ёққани унга жуда алам қилди. Ахир бу биринчи (агар келса) учрашуви! Энди келишига умид қилиш қийин. Келиб бўпти шу ҳавода! Уйдагилари остонадан ташқарига чиқармас! Тағин ким билади, ўзигаям боғлиқ. Балки келиб қолар. Ахир... гул бердику...

Булутли ҳавода тезгина қош қорая бошлади. Баҳромнинг ичини ит тирнар, гарчи Инобатнинг келиши номаълум бўлса-да, бу ердан кетишни хаёлига келтирмас, шу кўйи тонг отгунча салқинда қунишиб ўтириб чиқишга ҳам тайёр эди.

Ёмғир эса ҳамон тинмасди. Баҳром шоирнинг шеърини ўзича такрорлади: «Ёмғир ёғар, шиғалаб ёғар, ҳам қайғумга, ҳам қувончимга». Назарида, шоир бу шеърни худди унга атаб ёзгандек туюлди.

Баҳром ўз хаёллари билан андармон бўлиб, бир дақиқа йўлни назардан қочирганини пайқади-ю ялт этиб сўқмоққа қаради. Қарадию шартта ўрнидан туриб кетди. Инобат шу томонга қараб шошилмай келар, негадир бошяланг, рўмолини қўлига олволган эди. Баҳром беихтиёр қизнинг истиқболига югурди. Унга етгунча бўлган масофа жуда олис туюлди. Ниҳоят, юзма-юз бўлишди-ю бир дақиқа сўзсиз тикилиб қолишди. Шу лаҳза, сеҳрли, муқаддас шу лаҳза бир умр Баҳромнинг юра-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гида, онги-шуурида муҳрланди. Инобат ёмғирда бутунлай ивиб, шалоббо бўлган, кийимлари баданига чиппа ёпишганидан нозик кўкраги бўртиб кўринар, сочларидан, юзларидан тинимсиз ёмғир томчилари, томчилар киприкларида марварид донасидек тўхтаб қолар, ўзи гўё қувончданми, нимадандир қаттиқ таъсирланиб йиғлаётганга ўхшар эди. Баҳромга у ҳеч қачон ҳозиргидек ёқимли-дилбар ва азиз кўринмаган.

Беихтиёр чинор томон юришди. Йўл лойдан сирпанчиқ бўлгани учун Баҳром ўзи сал олдинга ўтиб, Инобатни етаклаб олди. Бу ўз-ўзидан, шундай табиий бўлдики, иккиси ҳам ҳеч қандай ноқулайлик сезмади.

— Келмай қолармикансан деб қўрқувдим,— деди Баҳром чинор тагига етишгач.

— Уйдан чиқишим қийин бўлди. Зўрга... баҳона топдим,— Инобат энди илгаригидек тортинибқимтинмади.

Баҳром касалхонага борганимни айтсамми-йўқми дея бир зум иккиланди-ю индамай қўя қолди. Чўнтагидан рўмолчасини олиб, қизнинг ёмғирдан ҳўл бўлган пешонасини, юз-кўзларини авайлаб арта бошлади. Инобат ҳожати йўқ дегандек йигитнинг билагидан тутди. Баҳром қизнинг қўлларини кафтларига олди. Инобат қўлини тортиб олмади, уялди, жилмайди. Шу ҳолатида у тонгги шудрингда очилиб турган атиргулдек кўркам, суюмли эди. Баҳром қизни биринчи бор кўраётгандек тикилиб тўймас, қони гупуриб, ҳаяжони бўғзига тиқилиб қолган эди. Сал ҳоври босилгач, айтишга гап тополмай қолди. Ногоҳ Инобат бериб юборган гулдаста эсига тушди.

— Гулларни олдим, раҳмат. Китоб орасига солиб қўйдим. Бир умр... эсдаликка.

— Уйда бир ўзим зерикиб ўтириб... шунчаки...

А. Акбархўжаев расми

дасталаб қўювдим, Қумри келиб қолди...— Инобатнинг бояги дадиллиги сўниб, негадир яна қизаринди. Аммо у ибо билан айтган гапни Баҳром шундай тушунди: «Уйда сени соғиниб (зерикиб эмас) ўтириб, сенга атаб гул дасталадим, яхшиям Қумри келиб қолди...»

Иккиси ҳам бирдан жимиб қолди. Баҳром Инобатни қанчалар соғиниб қўмсаб, хаёлан у билан тонг отгунча ғойибона суҳбатлашганида мана шундай лаҳзани орзу қилмаганмиди? Қизиқ, нега энди оғзига талқон солиб олди?..

Ёмғир тинди. Енгил шабода эса, оқшом чўка бошлаган эди. Қонталаш уфқ атрофида қуюқ қора булутлар тўдаси кўзга ташланади. «Демак, эртага яна ёмғир ёғиши мумкин» деб ўйлади Баҳром географиядан олган сабоғини эслаб. Эҳ, қанийди яна ёмғир ёғса, ҳар куни ёғаверса, Инобат билан ҳар куни учрашаверса... учрашаверса... Баҳром боягина ёмғир ёққани учун жиғибийрон бўлганини унутди.

Бу кун Баҳром учун энг бахтли кун бўлиб қолди. Аммо бахтли кунлар, байрамлар саноқли-ҳисобли бўлади; ўшанда ҳам барчага насиб қилавермайди. Баҳром эртаси куни яна далага чиқди. Инобат ҳали яхши тузалмаган укасига қараб туриши керак экан, яна келмади.

Кечкурун уйга қайтишаётганда Қумри Баҳромдан сўради:

— Кеча кўришдингларми?

— Кўришдик.

— Айтдингми?

— Нимани?

— Ие, ҳали айтмадингми?— Қумри ҳайрон бўлиб, елка қисди.

— Нимани айтишим керак?— Баҳром ҳамон тушунмасди.

— Муғамбирлик ҳам эви билан-да,— деди Қумри кесатиб.

Шу тобда, қариндош бўлса ҳам Баҳромнинг кўзига Қумри ёмон кўриниб кетди. «Бор-э», деди-ю йўлида давом этди. Қумри орқасидан ҳаллослаб етиб келиб, елкасидан тортди.

— Ахир учрашувга нима учун бординг? Сен Инобатни... У ҳам сени... Наҳотки бир оғиз... айтмаган бўлсанг? Алдамаяпсанми? Ростдан ҳам айтмадингми?

— Мен... ҳеч нима демадим. Ўлай агар, айтмадим, айтолмадим,— деди Баҳром негадир йўқ айбини бўйнига олишга мажбур бўлгандек, ҳижолатомуз ғудраниб.— Умуман, шуни... шу гапни айтиш шартми? Ахир шундоқ ҳам...

Баҳром энди Қумрига таъна билан эмас, ҳайрат, айни чоғда ачиниш-хайрихоҳлик билан қараб қолди. Шу тобда унга «Биз билган сирни сен тушунмайсан, чунки сен ҳали... Чунки бу муқаддас — илоҳий сир. У фақат икки кишига маълум бўлади. Насиб қилиб, бир кунмас, бир кун бошингга тушса, ўзинг ҳам тушуниб оларсан» дегиси келди.

Қумри эса ростдан ҳам ҳеч нимага тушунмас, ҳамон Баҳромга лолу ҳайрон тикилиб турар эди.

Орадан етти йил ўтди.

Баҳром қишлоқ четидаги ўша чинор остида хаёл суриб ўтирибди. Бу орада кўп сувлар оқиб ўтди, кўп нарсалар ўзгариб кетди, фақатгина фоний дунё ишларига ягона гувоҳ бўлмиш азамат чиноргина ўша-ўша бақувват қоматини адл тутиб турибди. Баҳром ҳар гал қишлоққа келганида бетакрор болалик, қайтмас ўсмирлик йилларига, илк муҳаббатига гувоҳ бўлган қадрдон чинор билан соатлаб, сўзсиз дардлашади. У гоҳо ўтган йилларни эсламасликка уринади, аммо бебош ҳаёл ўз-ўзидан хотиралар гирдобига тортиб кетаверади.

Мактабни битиришгач, Баҳром шаҳарга ўқишга кетди, Инобат қишлоқда ишлаб қолди. Биринчи курсда ўқиб юрганида ҳам хат ёзишиб туришарди. Аммо ёзги таътилда қишлоққа келиб, Инобатнинг бошқага унаштириб қўйилганини эшитди. Бу гал қиз билан учрашиш осон бўлмади: энди у бировнинг қайлиғи.

Ўша — сўнгги учрашув негадир энг майда тафсилотларигача эсида қолган:

«Инобат, шу гап ростми?»

«Рост».

«Ахир биз... ахир сен...»

«Иложим қолмади»

«Ахир... наҳотки... Ахир ҳозир қизларни зўрлаб эрга берадиган замон эмас-ку!»

«Уйдагиларни билмайсан. Онам оғир касал, ўзини бир бало қилиб қўйиши мумкин».

«Ҳамма нарсанинг иложи бор, Инобат! Тушунгин, ҳалиям кеч эмас».

«Йўқ, энди кеч, Баҳром».

«Яна айтаман: ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг иложи бор, фақат ҳамма гап ўзимизда, сен билан менда...»

«Энди фойдаси йўқ бу гапларнинг. Илтимос, мени тинч қўй. Сен ҳам ўзингга... Шаҳарда чиройли қизлар кўп...»

«Раҳмат, аммо мен...»

«...»

«Майли, бахтли бўл».

Шу гапларга ҳам етти йил бўлибди, аммо ҳамон кечагидек ёдида.

Баҳром илк севгисига эришолмаганларнинг кўпини кўрди ва ўзича яна шундай бир қонуният, аниқроғи — тескари ҳақиқатни кашф этди: илк севги қанчалар соф, тоза, беғубор, тажрибасиз ва мўрт бўлса, унга монелик қилувчи сабаб-тўсиқлар ҳам кўпинча арзимас, бачкана ва ҳатто кулгили бўларкан. Балки илк севги ана шуниси билан ҳам қалбларда ўчмас из қолдириб, домига илинганларни бир умр доғда қолдирар... Балки шунинг учун ҳам энди у севги нима деган саволга «Армон!» дея бир оғиз сўз билан жавоб берар... Балки орадан яна етти йил эмас, йигирма йил, балки ундан кўпроқ вақт ўтар, аммо Баҳром ўша кунларни, ўша тотли изтиробларни бир умр кўнглида муқаддас хотира янглиғ асраб-ардоқлайди. Тўғри, вақт деган олий малҳам эски дард-аламлардан оҳиста фориғ қилиб, ҳамма нарсани ўз измига солиб юборди. Инобат башорат қилганидек, Баҳром шаҳарлик чиройли қизлардан бирига уйланди. Турмушидан нолимайди. (Қизиқ, усиз яшай олмайман дея маъбудага сиғингандек топиниб-талпинганингдан бир умр жудо бўласану яқингача ҳатто дунёда борлигини ҳам билмаганинг — мутлақо бегона билан бир умр қовушасан.) Кўникиб ҳам кетасан. Қизиқ. Шундай бўлса-да, негадир ҳар гал мана шу чинор тагига келганда, ўзига ҳам сездирмай, измсиз бир армон ила чуқур хўрсиниб қўяди, худди ўша — биринчи учрашувдагидек ёмғир ёғишини, «ҳам қайғусига, ҳам қувончига» шиғалаб, узоқ-узоқ ёмғир ёғишини ва шу ёмғирда бутун дарду армонлари аришини кўнгли тусаб қолади...

ЖУРНАЛХОНЛАР ИЖОДИДАН

Бахтиёр АШУРОВ

Муҳаббат

— Юракни юракка боғлаган туйғу,
Сен кирган кўнгилда бўлмагай қайғу,
Ошиқларни тунда тарк этиб уйқу,
Бетимсол таърифинг қилишар фақат,
Қудратинг нимадир ўтли муҳаббат?

— Азалдан қалб билан бирга туғилдим,
Евузлик қўлида гоҳо бўғилдим,
Ҳаёт синовида охир йўғрилдим,
Шул сабаб Ҳижрону Висолдир отим,
Ҳеч зот синдиролмас пўлат қанотим.

— Бағримни бепичоқ сўясан баъзан,
Метин вужудларни ўясан баъзан,
Тириклай ўлдириб қўясан баъзан,
Шуми сен айлаган мурувват, шафқат,
Наҳотки, азобдир йўлинг, муҳаббат?

Машаққатсиз роҳат — аслида пучдир,
Курашсиз яшамоқ, ҳаётмас — ҳечдир,
Муҳаббат — Ватандир, муҳаббат — кучдир,
Менга топинганлар хор бўлмас асло,
Меҳр ва эъзозга зор бўлмас асло.

— Бебурдлар қаршингда қалтираб турсин,
Номардларни доим уволинг урсин,
Минг бор мурувватинг мардга буюрсин,
Бахтсизга бахт берган, эй қудратли ўт,
Сен борсан, бу ҳаёт тўкис ҳамда бут.

Қарши.

Иброҳим ЖИЯНОВ

* * *

Тун совуқ, қоронғу, илиқликка ёт.
Шамоллар — бағри тош, эссиз, безори.
Уфқда ястаниб кўринган тоғлар
Жонсиздай бир умр жим-жит ётади.
Йўқ!..
Хўрсиниб юрагин бўшатиб олар
Қачондир уфқ узра ястанган тоғ ҳам.
Ҳатто тун ёнади қора оловда,
Қайдадир беркиниб йиғлар шамол ҳам.

Андижон область,
Хўжаобод райони

Шодмон ЖЎРАЕВ

Сен у эмас

На хато бор эди, на зарра гуноҳ,
Умрим учун балким фасли покдомон.
Нигоҳлар тўқнашиб қолганда, э, воҳ,
Эртакка айланиб қоларди жаҳон.
Бугун-чи у кунлар менга бир ҳавас,
Чунки сен у эмас, мен ҳам у эмас.

Ҳар баҳор сочларинг атрин таратиб
Табассумнинг нақшин чизар қуёшга.
Беғубор онларим менга эслатиб
Хотиранг айланар томчи кўз ёшга.
Бу синиқ кўнгилга шуниси ҳам бас,
Чунки сен у эмас, мен ҳам у эмас...

Тожикистон ССР

www.ziyouz.com kutubxonasi

...Не ўтли авлодлар келур

Мирзааҳмад ОЛИМОВ

Биз нечун кечмиш десак...

Биз нечун кечмиш десак, кўкдан совуқ бодлар келур,
Етти қат ер қалқиниб, ингроғу фарёдлар келур.

Сафда номинг бўлса гар олам яралгандан бери,
Бу сенинг айбингми, деб озурда аждодлар келур.

Неча бор кулхоналарда тикладинг қўрғонларинг,
Ҳикматин тошларга жо этган ул устодлар келур.

«Рубъи маскунда Самарқандча шаҳр камроқ», дебон,
Мирза Бобур йиғласа, Еркентдан имдодлар келур.

Ҳам йўқу боринг ташиб ё ер билан яксон қилиб,
Сўнг сени «жоҳил» деган анвойи сайёдлар келур.

Лек фақат «жоҳил эдик» деб сен агар такрорласанг,
Ич-ичимдан ўприлиб, бўғзимга фарёдлар келур.

Тилларинг бурро-ю, билмайсан, бу сўзингдан, рафиқ,
Она халқинг бошига не турли иснодлар келур.

Бул қадим мўъжизалар олдида тиз чўкмоқ-ку фарз,
Сен бироқ ўтмиш десанг, ўтрунгга бедодлар келур.

Арк десанг, ночор фақирнинг бурнига бармоқ тиқиб,
Бўйнига ханжар чекиб турган у жаллодлар келур...

Ортга тош отмоқ етар ҳам хокисор ётмоқ етар,
Энди ҳам ўнгланмасанг, аслингга барбодлар келур.

Гар «Темурхон наслидин султон Улуғбек» уйғониб,
Кўрсаки, ҳолинг будур, фикрига не ёдлар келур?!

Сафда-ку Абдулла Ориф, бор Шукур Бурҳонларинг,
Ортидан сурон солиб не ўтли авлодлар келур.

Ҳар юракда ёнса то халқим деган туйғу, яна
Машрабу Нодиралар, Синою Беҳзодлар келур.

Мир Алишер руҳи ҳам маҳшаргача уйғоқ ҳали,
Узни хор этган кунинг хобгоҳидан додлар келур!

Тоғдай оғир қўзғалиб...

Тоғдай оғир қўзғалиб, кўчкундайин кетдинг, она,
Тонг ҳали ечмай қаро, қайларга жазм этдинг, она?

Бош эгибсан бунчалар, елкангдами дунё юки,
Еки ўйлардан толиб, қаддинг малул тутдинг, она?

Тўхта, айтким, мўътабар ёшингга боқмай, сен нечун
Саккиз ўғлонинг юкин бир бошинга ортдинг, она?

Баски, фарзанд сен учун келди мудом жондан азиз,
Жони зоринг ўйламоқ туйғусини нетдинг, она?

«Билмадим, сизларни ҳам одам қаторига қўшиб,
Кета олгаймизми — йўқми», — дил тўлиб айтдинг, она.

Мен-чи лол, бир дам хаёл қайларга элтди, ногаҳон
Кипригим ортида бир уммон бўлиб ўтдинг, она.

Буду нобудлик сенга таъсир этибдир, лек ҳаёт
Тоқига номингни сен олтин билан битдинг, она.

Тонг эмаским, балки мен билган аёллар ичра сен
Маҳди улё деб аталмиш рутбага етдинг, она!

Онам мактуби

Азиз ўғлим, нечуксан, кўп ширин қилдинг-ку дийдоринг,
На хат ёздинг, на келдинг, хушми кайфинг, соғми дўст-ёринг?

Биз, алҳол, соғ-саломатмиз, фақат ташвишу ўйловдан
Бошинг чиқмас экан асло, йирик гар бўлса рўзғоринг.

Даданг йиллик тузиб, сўнг ишни ҳам топширдилар, энди
Баҳорда чолу кампир балки бўлгаймиз нигаҳдоринг.

Аканг кўп эзди бизни, энди тинчиб кетсин-у, лекин
Киши фарзандига бекор экан минг панду минг зоринг.

Уканг Дурбек уч ой бетоб бўлиб, ўйловда қолдирди,
Шукр, ҳозир тузук, лекин уч ой бўлди умидворинг.

Синфдошинг Райим қўш ўғлини тўй қилди, тўй оқшом
Сени кўп йўқлатибди, келмадинг, ё кўпмиди коринг?

Болам, биз ҳам қариб қолдик, агар тез-тез келолмассан,
Ақалли хат ёзиб турғин, онанг — муштоқи гуфторинг.

Бешу ўн бир замонли эски мактубинг топиб қай кун,
Ўқиб кўп йиғладим, йиғлатди қайта кўнгил изҳоринг.

Чироғим, розиман, норози билма, рости, кўнглимда
Сенинг меҳринг алоҳида ва айро тушди рухсоринг.

Укангдан пул юбордим, қўлда бори, авфли тутгайсан,
Яна ҳар қанчаки оз бўлса, биз ўлгунча қарздоринг.

Йўлингга кўз тикиб, хуллас, юрибмиз, бошқа гапларни
Уканг айтиб берар, толе бўлсин бардавом ёринг.

Қалам тутсанг, сўзингнинг қадрини кўкларга етказсин,
Қадам қўйсанг, изингни қутлуғ этсин ул мададкоринг.

Фақат такрор ўтинчим шулки, хат ёз, дилфигорингни
Ушоқ сўзингга кўп зор қилмагин, деб Онаизоринг.

Кўзларинг бундай тиниқ...

Кўзларинг бундай тиниқ, боқишларинг бундай ширин,
Эй, мени буткул адо қилдинг-ку ташлаб кўз қирин.

Боқишинг ёндирди, лек кўнглимга чўғ солган эди
Солланиб мағрур қадам ташлашларинг ундан бурун.

Қайси боғдансан, севиб қолдим сени, жоним, кўзим,
Лоақал билсанг эди кўнглимдагин мингдан бирин.

Сен гўдакдек беғуборсан, кўзларинг ёғдусида
Бир суюк инсон ниҳондир, бир самим қалб ёширин.

Рози эрдим бир дам олтин сочларинг мавжига ғарқ
Бўлсам-у, қолсам умр сўнгинча қўмсаб хотирин.

Лекин мени тақдир азал ҳуснингга ҳам тўйдирмади,
Бир замон ўтмай йўқотдим, изладим Мажнундайин.

Қанча излай, ғолибо, қайтиб тополмасман сени,
Елворай, гоҳ тушларимда тонг мисол порлаб кўрин!

Адабиётимизга кириб келаётган ёшлар орасида классик шеъриятимиз жанрларида изланиш олиб бораётган ижодкорлар борлиги қувонарли ҳодиса. Лекин уларнинг аксарияти дўппи тор келиб қолганда вазн талабларидан четга чиқиб кетади, шеърнинг ҳуснини бузадиган нотабиий жумлалар тузади. Мирзааҳмадда бундай камчилик йўқ. У аруз вазнини ҳам, ғазал табиатини ҳам яхши ўзлаштирган.

Мирзааҳмаднинг ўтмишга, ўтмиш маданиятига муносабат ҳақидаги «Келур» радифли ғазали билан унинг ғазалдаги интилишлари ўртасидаги узвий боғлиқликни сезиб олиш қийин эмас. У она мавзуига ҳам кўп мурожаат қилади. «Тоғдай оғир қўзғалиб...» ва «Онам мактуби» каби шеърларда онанинг чуқур инсоний, мардона қиёфаси гавдалантирилади. «Кўзларинг бундай тиниқ», «Қаддингга кўзим тушди-ю» сингари ғазаллар ошиқона ҳисларнинг самимий ва баланд оҳанги билан кишини ўзига жалб этади.

Мирзааҳмад бундан кейинги изланишларида инсон қалбининг теранликлари ва бойликларини, даврнинг дардларини ғазалга дадил олиб киришга, образлар мутаносиблиги ва оҳанглар ранг-баранглиги устида янада жиддийроқ ишлашга ҳаракат қилиши керак.

Нажмиддин КОМИЛОВ,
филология фанлари доктори.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўқимоқлик — саодатдир!

Қандай ҳолатда бўлишингдан қатъи назар ақл ўрганиш учун ҳеч бир фурсатингни зое кетказма.

ҚОБУС.

Қулоқдин дилингга гар кирмаса нур,
Сичқон кавагин не фарқи бўлур.

ЖОМИЙ.

Китоблар — ақл фарзандларидир.

Ж. СВИФТ.

Қўлга тушганини эмас, обдон танлаб-саралаб ўқинг.

И. ТУРГЕНЕВ.

Одамлар китоб ўқишдан тўхтасалар, фикрлашдан ҳам тўхтайдилар.

Д. ДИДРО.

Мутолаа

Китоб — бу, маърифат тўла жом, донишлик уруғи жо-бажо ғаладон, ҳазил-мутойибалар ва заҳмат лиммо-лим кўзадир. Истасанг — унинг латифаларидан хандон отиб куласан, истасанг — ҳайратангиз нодиротларидан тонг қоласан. Мен китобдан кўра азизроқ ҳамроҳни, ундан одилроқ дўст ё қобилроқ йўлдошни, ёки бўлмаса эътиборлироқ устоз ё мароқлироқ дўстни билмайман.

Ал ЖОҲИЗ,
767—868 йилларда яшаган араб адиби.

Алишер Навоий таваллудига

ИНСОН — МАЪРИФАТ ХАЗИНАСИ

Ҳикоя қилинишича, Шарқ ақидалари — ақоидга кўра худо аввал фаришталарни нурдан яратиб, уларга фақат ибодат қилишни буюрган. Сўнг жаннатда Одамни бунёд этиб фаришталарга «менга ҳамд айтишдан тўхтаб, инсонга таъзим қилинглар» дея амр этган. Шу вақтда Азозил номли фаришта, «Не сабабдин нурдан яратилган биз малоиклар тупроқдан яралган инсонга таъзим қилар эканмиз?» деб сўрайди. Шунда Худо хитоб қилади: «Мен билган нарсани сизлар билмайсизлар». Ва у Инсонга сўзлашни буюради. Одам гўзал исмлар ҳақида фасоҳат билан сўзлай бошлайди. Демак, малоиклар тафаккур-ла сўзлаш қобилиятига эга бўлмаган, улар фақат буйруқни адо этганлар, холос. Эркин фикрлаш ва сўзлаш қобилияти бўлгани учун ҳам Инсон фаришталардан аъло кўрилди ва у Ер юзининг эгасига айланди. Бошқача айтганда, фикри, нутқи ва ақли туфайли Инсон коинот маҳлуқоти орасида азиз ва мукаррам зот бўлиб етишди.

Шарқ уйғониш даврининг энг биринчи «Эй, инсон, ўқи!» деган ҳукми мазкур қадим ҳикоятнинг мантиқий давомчисидек туюлади. Улуғбек мадрасасининг пештоқига «Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон эр ва аёл учун фарздир» деб ёзилгани эса ушбу ҳукмнинг дунёвий қадр-қимматини янада кўкларга кўтаради.

Мутолаа илм ва билимнинг чексиз хазинасидирки, ҳар қандай тараққиёт, янгилик ўқишсиз юзага чиқмайди. Маърифат, камолотнинг ибтидоси ҳам мутолаадир. Хўш, шундай экан, Навоийдек улуғ зот инсонни «ашрафул маҳлуқот» даражасига кўтарган илм ва мутолаа бобида не ҳикматлар айтган?

Алишер Навоий инсонни билимларнинг маърифат хазинаси деб таърифлайди ва шундай дейди: «Бир тақдир била андоқ таҳқиқ бўлдиким, ҳақ субҳонаҳу ва таоло маҳлуқотда бани одамдин шарифроқ ва бийикроқ холу қилмайдур. Невчунки, маърифатулоҳ ганжининг амнияти ва маҳрами улдур».

Демак, инсон илм-маърифати билан дунёдаги барча маҳлуқлардан азиз ва мукаррамдир. Илм-маърифатга эришиш, жисмоний-маънавий-руҳий камолотга муваффақ бўлиш учун эса мутолаа зарур. Фарҳоднинг комил инсон бўлиб етишишида, дунё сирларидан воқиф бўлишида, эзгулик ва эътиқод йўлида курашишида илм ўрганмоқ ва мутолаанинг аҳамияти беҳад эди, муқаррар.

Агар бир қатла кўрди ҳар сабоқни
Яна очмоқ йўқ эрди ул варақни
Не сўзниким ўқуб кўнглига ёзиб,
Дема кўнглики, жон лавҳига қазиб.
Ўқуб ўтмак, ўқуб ўтмак шиори,
Қолиб ёдида саҳфа-саҳфа бори.
...Илм бу янглиғ эрди эл аро фош,
Ки то умридин онинг ўтини ўн ёш.
Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,
Билиб таҳқиқини касб этмаган илм.

Яъни, ботиний ва зоҳирий жиҳатдан беқиёс гўзал бўлган Фарҳоднинг камолотига эришишининг бош омили унинг фавқулодда зеҳни ва қобилиятидандир, дейди ҳазрат Навоий. Фарҳод китобнинг ҳар саҳифасини бир кўришда ёдлаб оларди. Ёдлаб олишгина эмас, бу билан чеклана олмас, балки ўқиганларини шу қадар зеҳни ила идрок этардики, бамисоли уларни қалб тубига кўмиб қўярди. Унинг шиори ёд олишгина эмас, айни чоқда ўқиш, уқиш ва идрок этиш эди. Шул боис ҳам у 10 ёшида дунё илмларининг билимдонига айланди.

Шу ўринда айтиш керакки, Навоий мутолаага меҳр қўйишдек фазилат соҳиби янада кўпроқ ўқишга бурчлидир ва ўқиганига, илмига амал қилишга бурчли деб ҳисоблаган. Бинобарин, улуғ шоирнинг суюкли «фарзанди» Фарҳод ҳам шу қабилдаги инсон образидир. Яъни, шоир «Маҳбуб-ул қулуб»да айтмоқчи «Илм ўқуб амал қилмаган, ерни шудгор қилиб тухум (уруғ) солмоғанга ўхшар ё тухум солиб, маҳсулидин баҳра оламғонга ўхшайдур».

Байт: *Илм ўқуб қилмоғон омол мақбул,*
Дона сочиб кўтармади маҳсул.

Жаҳолат, тубанликдан қутқарувчи, ҳақиқий ва маърифатга етказувчи илм эканлигини Навоий ҳар бир асарида — хоҳ у назм, хоҳ шеърий асарларида, хоҳ мактубларида бўлсин — тўхтовсиз таъкидлайди.

Илм жаҳолат тунини ёритадиган ҳам ой, ҳам қуёш, ҳам кундуздир. Яъни, араб алифбосида илм қуйидаги уч ҳарф билан ёзилади:

Бунда Навоий «айн»ни — қуёшга, «лом»ни — ойга, «мим»ни — кундузга ташбеҳ қилади. Воқеан, илм жаҳолат тунини маърифатнинг нурафшон тонгига айлантиради. «Кимки ўзини ўзгартирмагунича худо уни ўзгартирмайди» деган башорат ҳам шу маънода айтилган. Илмсиз ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмаслиги эса аён.

Демак, ҳар қандай тараққиёт ва кашфиёт ҳам илмдан бошланади. Навоий таъкидлайдики, ҳар қандай илмнинг ҳаққонийлигига ўз тажрибасида синовдан ўтказгачгина уни ўзгага раво кўриш лозим. «Аввал бир йўлни бермоқ (яъни, очиш) керак, андин сўнгра элни бошқармоқ керак. Йўлни юрмай кирган итар (йиқилар) ва ғайри мақсуд (адашиш) ерга етар».

Ўрганиш машаққатдан, сўраб-суриштиришдан, тафаккуру ҳайратдан ҳосил бўлади. «Ўрганурдин қочғон (танбал) ва юзиға хиял (танбаллигига баҳона), баҳона эшигин очғон таванд (илм ўрганмасликка баҳона излаш энг ёмон одамдир). Эмгак (машаққат) тортиб илм ўрганган хирадманд (оқил)».

Илмдин орий улуснинг жохини хуткомаси,
Ўрганурга жиду жаҳд эткан жаҳон алломаси.

Яъни, халқнинг тўқ-фаровонлик манбаи илмдан, буни астойдил ўрганувчи эса жаҳон алломасидир.

Анвар ТУРСУНОВ,
илмий ходим.

www.ziyouz.com kutubxonasi



Мурод Муҳаммад Дўст

Адабиёт ва биз

1. Ҳозирги ўзбек адабиётида ўзингизга энг маъқул 3 асарни санаб ўтсангиз.

2. Ҳозирги ўзбек адабиётини жаҳон адабиётига қиёсласангиз.

3. Китоб ўқиш тажрибангиздан пича ўртоқлашсангиз.

1. «Ўтган кунлар» дастлабки шўро йилларидаги жуда кўп йўлларни белгилаб берган роман. Афсуски бу роман йўлидан қайтдик, биз кўпроқ Европага тақлид қилиш йўлига ўтиб кетдик, ҳалигача бу тақлиддан қутула олмаяпмиз. Бу романнинг аҳамиятини кўпроқ унинг миллийлигида деб биламан. Ҳозир миллийликдан чиқиб кетяпмиз. Ўзимиздаги миллий шакл қолиб, Европа қолипига тушиб, шу қолипдан чиқа олмай қолдик. Иккинчиси —«Сароб» романи. Мен романнинг ҳамма вариантини ўқимаганман, мен ўқиган варианти анча рандаланиб, шуваб, қўштирноққа ўраб айтганда «кўринмас ҳолига келтирилган». Шунга қарамасдан 20—30-йиллар ҳаёти, муҳими, ҳатто рангларигача кўраман унда. Учинчиси — Гоголь ижодини яхши кўраман.

2. Умуман ўзбек адабиётини қиёслаш сўралганда бемалол кўкрак кериб Навоий, Бобурни тилга олардим. Ҳозирги адабиётимиз эса жаҳон адабиётига нисбатан жуда кичик. Тўғри, чет элларда нашр қилиняпти, чоп этиляпти, лекин ҳали дунё аренасига чиқа олгани йўқ. Билъакс, чиқишимиз керак.

Умид бор, қачондир чиқишимиз керак-ку!

3. Ешлигимда (қариб қолганимиз ҳам йўқ ҳали) асарларнинг кераклисини ҳам керак-сизини ҳам ўқиб ташлайверганман, ким билади мақтанчоқлик аломати бўлганми?

Мана, «Шарқ юлдузи» журналида ишлаб баъзида ўқиганингга арзимайдиган «нарса»ларни ҳам ўқишга тўғри келади.

...Рўйи рост Чингиз Айтматовнинг кейинги иккита романини ўқиганим йўқ, хуллас, кейинги пайтда бу тўғрида шунчалик информация кўпки...

Оддийгина оила ҳақида жўн, соф адабиёт йўқ, буни чоп ҳам этмаймиз, қандайдир фавқулодда ҳодиса бўлиши шартдек...

Сизга аталган китоблар Сизга аталган китоблар Сизга аталган китоблар

✦ «Ёш гвардия» нашриёти Шоҳруҳ АКБАРОВнинг илк китобини босмадан чиқарди. Унга ёш адибнинг «Ёзги имтиҳон» қиссаси ва қатор ҳикоялари киритилган. Мактаб ёшидаги китобхонлар ушбу асарларда ўз тенгқурлари билан, уларнинг бир бирига ўхшамаган турфа олами билан танишадилар.

✦ ЯҲЁ ТОҒА ўзининг дастлабки шеърий мажмуасини «Кўклам қалдирғочлари» деб атади. Шоирнинг маънавий сахийлик, ички-руҳий эркинлик билан суғорилган самимий сатрлари шеърхонлар эътиборини қозонади.

✦ Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Ижод сеҳри» китобчаси ёш мунаққид Мансур ТЕНГЛАШЕВ қаламига мансуб. Китобчадан жой олган мақолаларда муаллиф ҳозирги кун ўзбек насри, шеърияти муаммоларидан баҳс юритади.

✦ Япон шеърияти шаклу шамойили, мазмун-моҳияти билан жаҳон адабиётида мумтоз ўринларни эгаллайди. Шарқона тафаккур дурлари юлдуздек сочилиб ётган бу шеърият намуналари ўзбек китобхонларига туҳфа этилгани (таржимон — Хуршид Даврон) шу жиҳатдан ҳам катта аҳамиятлидир.

✦ XVI аср бошларида яшаган, Муҳаммад Шайбонийхоннинг маслаҳатчиси, тарихнависи бўлган форс олими Фазлуллох Исфаҳонийнинг «Меҳмонномаи Бухоро» асари ҳақида нималарни биласиз?.. Инглиз сайёҳи Антоний Дженнксон 1558—1560 йилларда Бухорога саёҳат қилганини эшитганмисиз?.. 1741 йили рус ҳарбий маъмурияти томонидан жўнатилган орсклик савдогар Шубай Арслоновнинг Тошкент ҳақидаги ҳикояси қизиқтирмайдими?..

Шуларни ва яна бошқа кўплаб тарихий маълумотларни билишни истасангиз, марҳамат, Ўзбекистон «Фан» нашриёти чиқарган «История Узбекистана в источниках» деб номланган китобни олиб ўқинг.

✦ Прагада туғилган ва ўша ерга дафн этилган буюк Австрия ёзувчиси Франц Кафка (1883—1924) асарлари яқин-яқингача совет китобхонлари ўқиши учун қатоғон этилганди. Қайта қуриш, ошкоралик шабадалари шарофати билан Кафканинг романи марказий журналларда эълон қилинди. Унинг кундаликлари ва отасига ёзган мактублари эса китобхонни донишманд адибнинг ижод сирларига ошно этади.

ХАТ

«Ёш куч»нинг ўтган йилги 6-сонида эълон қилинган Чортоқ районидаги 115-мактаб-интернат ўқувчиларининг мактубини ўқидим. Ҳақиқатан ҳам СССР халқлари адабиётини ўқиш, танишиб бориш жуда зарур. Қардош адиблар яратган асарларни ўқисам ҳаёт ҳақидаги тасаввурим бирдан ўзгариб кетади, ўзим кутмаган ҳаёллларга таламан. Шунинг учун ҳам газета-журналларимизда «Қардошларимиз адабиёти», «Дўстлик чаманзорида» сингари рубрикалар очилишига тарафдорман, унда бериладиган таржималарни барча ёш дўстларимиз ўқиб боришини истардим.

Насиба МИРЗААҲМЕДОВА,
Наманган давлат педагогика институтининг толибаси.

Қўш саҳифани ТошДУ журналистика факультетининг толибаси Ойсара МУЗАФФАРОВА тайёрлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОКЕАН ОРТИДА 15 КУН...

РАНГЛИ ҚЎШСАҲИФАГА ҚАРАНГ!

(АҚШга борган тошкентлик ўқувчи Баҳтинисо Умарованинг кундалик дафтаридан)

Биз ўн олти нафар ўқувчи 21 апрель куни Тошкентдан Москвага учиб борганимизда пойтахт оқшом оғушида эди. Улуғ ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор таърифлаганидек «Бир мамлакатча келадиган бу шаҳар» билан кўпчилик ўқувчилар биринчи бор дийдор кўришаётган эдилар. Кечки пайт бўлса ҳам Қизил майдонга бориб, Ленин мавзолейига кирдик. Доҳиймизни зиёрат қилдик. Кремль деворлари ёнидан ҳеч узоқлашгимиз келмасди. Бироқ делегациямиз таркибидаги катталар эртага узоқ вақт парвозда бўлишимизни эслатишгач, меҳмонхонага қайтдик.

22 апрель куни самолётимиз АҚШга қараб йўл олди. Биз илк бор самолёт деразаларидан Ватанимиз билан хайрлашиб қолдик...

Тошкент билан биродарлашган шаҳар — Сиэтл манзилимиз эди, унгача «пўлат қушимиз»нинг жони темирдан бўлса ҳам бир неча бор тўхтаб, «нафас ростлаб олиши» керак бўлди. Бир соат Канаданинг Гандере шаҳрида тўхтадик, икки соат АҚШнинг Ленингради саналмиш, аҳоли жиҳатидан энг катта шаҳри, машҳур Нью-Йоркда бўлдик. Қисқа вақт ичида бу улкан шаҳарни тарк этиб (негаки Нью-Йоркдан жуда кўп самолёт «йўллари» кесиб ўтаркан), Денвер деган шаҳардаги чоғроқ аэропортга келиб тушдик. Самолётда тинчлик, бахтли болалигимиз, Тошкент ҳақида қувноқ қушиқлар куйлаб келдик. Қушиқларимиз ёқди шекилли, самолётимиз «Боинг»даги энг жиддий йўловчилар ҳам жилмайиб қўйишди. Денвердаги катта, чиройли, шинам меҳмонхонада бир кеча тунаб қолдик. Ҳар битта хонасида телевизору уйқуси қаттиқларга иккитадан будильник қўйилган экан. Эшиклари ҳам ғаройиб: яқинлашсанг ўзидан-ўзи худди кўринмас шамол очиб юборгандай очилиб кетаркан. Айниқса, меҳмонхона хизматчиларининг хушмуомалалигини айтмайсизми. (Бизнинг баъзи қўпол одамларимиз ибрат олса олгулик).

23 апрелда эрталаб Сиэтлга учиб келдик. Аэропортда бизни америкалик беҳисоб тенгдошларимиз — ўқувчилар ва ўсмирлар кутиб туришар, улар орасида «ота-она»ларимиз ҳам бор эди. Ажабланяпсизми? Ажабланарли ҳеч жойи йўқ. Биз уларнинг оиласида яшашимиз керак эди.

Шу ернинг ўзида совет — америка дўстлигига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Барчамиз — биз ҳам, америкалик дўстларимиз ҳам икки тилда тинчлик ҳақида қўшиқлар айтдик. Кейин «ота-она»ларимиз бизларни уйларига олиб кетишди. Дугонам Наргис билан «чекимиз» Андерсенлар оиласига тушган экан, ўшаларникига бордик. Уларнинг икки фарзандлари бор бўлиб, оила бошлиғи ота — врач, она мактаб кутубхонасида ишлар экан. 17 ёшли ўғиллари — Герез 11-синфда, қизлари — Нарен эса Буш мактабидаги 8-синфда ўқиркан. Иккалалари ҳам спортга қизиқишар, биз борганда улар мусобақаларга жўнаб кетишган экан. Оилада бола бўлиб «ўзимиз» қолдик. Андерсен жаноб ва хонимлар бизларни илиқ кутиб олишди.

Биродарлашган шаҳарда биринчи кунимиз шундай кечди.

24 апрелда мени ва дугонам Наргисни бир йил олдин Тошкентда меҳмон бўлиб кетган Тэйтум исмли бола меҳмонга чақирди. У «ота-она»ларимиздан бизни тушликка олиб келишни илтимос қилган экан. Тэйтум биз билан яқинроқ танишиш истагини билдирди. Дўстлари ҳам шу фикрда экан. Тушликдан кейин бизга болалар ўлкамизга ташриф буюрганларида олганлари — Тошкент ҳақидаги видеофильмларини қўйиб бердилар. Шу куни Герез ва Коренлар мусобақадан қайтиб келишди.

25 апрель куни шаҳарни томоша қилдиришди. Сиэтл гулларга бурканиб кетибди. (Бу ерда асосан манзарали дарахтлар экан, мевалисини учратмадик). Кўчалар ҳаддан зиёд озода. Бизга тушунтиришларича баланд бинолар маҳкамалар, одамлар эса икки-уч қаватли уйлардагина истиқомат қиларканлар. Ҳар бир уй олдида чоғроққина боқчаси ҳам бор. Сиэтлда машина жуда кўп. Автобуслар анча кам, трамвай-троллейбуслар эса умуман йўқ. Шунгами, ҳар бир оилада иккита, баъзиларида учтадан машина бор. Пиёда ва ҳайдовчилар жуда оз, бир-бирларига жуда хушмуомала. (Бизда ҳам шундай бўлса экан!)

26 апрель куни эрталаб биз хусусий Буш мактабига бордик. Бу мактаб Тошкентдаги 9-мактаб билан кўп йиллик дўстлик ришталарини ўрнатган.

Бизни илиқ кутиб олишди. Ҳамма ўқувчилар ва ўқитувчилар спорт залига йиғилишди. Дўстлик, Тинчлик ҳақида жуда кўп самимий гаплар бўлди. Биз болаларга миллий эсдалик совғаларимизни топширдик. Кейин ҳар биримиз бир варақ қоғозга тинчлик ҳақида бир-икки оғиз гап ёздик. Уларни учадиган шарларга қўшиб осмонга қўйиб юбордик. Мовий осмон рангоранг шарлар билан тўлиб кетди.

Кейин бизни мактаб билан таништиришди. У катта, чиройли эканки, бегона одамнинг адашиб қолиши ҳеч гапмас. Синфлар бизникилардан ҳийла кичик. Ўқувчилар сони ҳам шунга яраша — 15 та. Бундан ортиғи ўқитувчига ҳам оғир, яхши билим олишга ҳам халақит беради, деб ҳисобланилар экан.

Ўқувчилар ўқитувчилар билан дўстона муносабат ўрнатишган экан. Ҳамма ўзини жуда эркин тутади. Қўнғироқ деган нарса йўқ. Ўқувчилар дарсга мустақил-ихтиёрий равишда қатнашади. Дарс бошланиши-тугашини қўлларидаги соат орқали аниқлашади. Мактаб формаси деган мажбурият йўқ. Ким қандай кийим кийишни лозим топса, шунда мактабга қатнайди. Ҳаммадан ҳам бизларни компьютер синфхонаси ҳайратда қолдирди. Бундан ташқари ҳар бир бошланғич синфнинг ўз компьютери бўлиб, кичкинтойлар уни жуда осон бошқаришаркан. Пойтахтда ўқиганим учунми, мен компьютер нималигини биламан. Лекин, ЭҲМни ҳатто кўрмаган қишлоқдаги тенгдошларимга айниқса ачиниб кетдим. («Ёш куч» орқали мен ЭҲМ нималигини тасаввур қила олмайдиган ўқувчилар ҳам борлигини ўқиб ҳайрон бўлгандим).

Тушликни мактаб буфетида қилдик. У ерда деярли ҳеч ким йўқ эди. Кўпгина ўқувчилар тушликни ўзлари билан олиб келишар экан. Тушликдан кейин бизни Вашингтон Университетига, Осиё тиллари факультетига олиб боришди. Ўзбек тили бўлимининг талабалари ўқиш осон эмаслигини, лекин қизиқарли эканини айтишди. Тилимизни ўрганишга астойдил қизиқишаркан, делегациямиз уларга пича концерт қўйиб беришди.

Кечқурун биз Тинчлик боғига бордик. У ерда кейинчалик боғ жиҳозига ишлатиладиган расмлар чиздик. Шу куни мен Вашингтон Университетининг студенти, Рус уйининг президенти Кевин Смит билан танишдим. У 19 ёшда бўлиб, кўнгли очиқ, қувноқ йигит экан. Тезда у билан киришиб кетдик. У рус тилини жуда яхши биларди.

Океан ортида, америка еридаги сафаримизнинг бешинчи куни шундай кечди. Таассуротларим чексиз эди. (Агар хароб қишлоқдаги тенгдошим бу ерга келиб қолса нима бўларди, тасаввур қилолмайман). Одамлар бир-бирига дилкаш, кўчалар озодалигига тоза ҳавасимиз келди.

27 апрель куни биз Сиэтл шаҳар аквариумига бордик. У ерда денгиз ва океанларда яшайдиган минг турли балиқлар, биз кўрмаган, биз билмайдиган антиқа жониворлар тўпланган экан. Кейин бозорга бордик. Турли-туман совғалар харид қилдик.

28 апрель куни бизни шаҳар мэри Чарльз Ройер уйига меҳмон қилиб чақирди. Суҳбат жуда қизиқарли кечди. Эсдалик учун расмга тушдик. У ердан чиқиб шаҳар илмий марказига бордик. Ходимлар бизга динозаврларнинг ҳаракатланувчи макети ҳамда турли бошқотирмаларни намойиш қилишди. Илмий-оммабоп фильм кўрсатишди. Кинолари қўрқинчли экан — негаки унда юраётган поезд худди устингга бостириб келаётганга ўхшайверади. Кинохоналариям қизиқ, беш-олти қаторида креслолар бору, қолган жой очиқ, хоҳлаган одам ётиб, ёнбошлаб томоша қилаверар экан. Дарвоқе, айни ўша илмий марказда «Тановар» ансамблининг раҳбари Лоурен Грей (Грей хоним) ишларкан. У ўзимизнинг рақҳосамиз Малика Аҳмедова билан дўст тутинган. Бизникилар Сиэтлга боришганида ўзбек миллий рақсларига ошиқ, мафтун бўлиб қолган Грей хоним кейинчалик Сиэтл шаҳрида «Тановар» деган ансамбль тузган, ҳозир ўзи ҳам бинойидек тановарларга, муножотга ўйнар экан.

Кечки пайт Наргис иккаламиз «уйимиз»да ош қилдик. Очиғи, ошимиз яхши чиқармикин деб тоза ҳаяжонландик. Нега десангиз Америкада ошхона жиҳозлари бизникидай эмас, ҳаммаси автоматлаштирилган. Қолаверса, овқатларнинг деярли ҳамма тури магазинда тайёр ҳолида сотилар экан. Шунинг учун уй бекалари камроқ чарчаб, кўпроқ қувноқ юришар экан. Ошимиз яхши чиқди. Ёққан шекилли, ҳамма икки тарелкадан еди. Кечки овқатдан кейин ҳамма учун мажбурий сайр қилинди. Буям америкаликларга хос яхши одат экан.

29 апрелда яна Буш мактабига бордик. 7-синфда инглиз тили дарси экан, кириб ўтирдик. Ўқувчилар Марк Твеннинг «Том Сойернинг саргузаштлари» асарини ўтишарди. Дарс кўпроқ ўқитувчининг ўқувчилар билан эркин суҳбатига ўхшарди. Бу ерда юқори синф ўқувчиларининг дарсга қатнашлари ёки қатнамасликлари ихтиёрий экан. Кечқурун спорт залида ўйин бўлди.

30 апрель куни университет бўйлаб саёҳат қилдик. Кечқурун «Калинка» кафесида овқатландик. Кафе европача экан, Сиэтлга Саттор Йўлдошевнинг визитидан кейин у ерда ўзбекча таомлар ҳам тайёрланадиган, деворларига сўзаналар, ўзбек рассомларининг асарлари осиладиган бўлибди. С. Йўлдошев ким бўлди, дейсизми? У Тошкентдаги «Зарафшон» ресторанининг ошпази бўлиб, 1985 йилда Сиэтлда меҳмон бўлган, ўшанда бу ерлик ошпазларга ош, шўрва, сомса пиширишни ўргатиб қўйган экан. Карен ва Перезлар айниқса мантига ишқибоз бўлиб қолишди.

1, 2, 3 майларда шаҳар ташқарисига чиқдик. «Оркайла» деган туристик лагерда бўлдик. Қайиқларда сузиб, қўшиқлар айтдик, тоза ҳаводан нафас олдик. 3 майда шаҳарга қайтиб, бошқа оилага «қиз» тутиндик. Янги ота-оналаримизнинг қўшалоқ қизлари бор экан. Номлари — Грета ва Треси. Иккаласи ҳам спортни, ажабланарлиси футболни севаркан.

4 майда эрталаб мактабга бориб, биринчи синф ўқувчиларининг физкультура дарсини ку-

www.ziyouz.com kutubxonasi

Испания шаҳрида «Бухоро» номли магазин очилди. Сабаби Бухоро шаҳри ана шу Кордова шаҳри билан биродарлашган. Сиз суратда кўриб турган зардўзчи қизлар Муҳаббат Тоҳирова билан Зубайда Норовалар яқинда Кордовада бўлиб қайтдилар. Энди улар ўз қўллари билан тиккан ажойиб дўппиларни ана шу «Бухоро» магазинига жўнатмоқдалар.

Г. ЕҚУБОВ фотоси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«ТОҒЛАР АРО МЕНГА ҚЎЛИНГ ЧЎЗ»

Неван Смит (ўнгда) ўзининг янги дўстларини Тинчлик Боғига олиб борди.

Бахтинисо Умарова (чапда) ва Наргис Мажидовалар.

Тинчлик учун овоз берамиз!

Қадрдон бўлиб қолган Андерсонларнинг уйи олдида

Мафтункор Берт Лонкастер «Номаълум уруш» фильмида ушбу қўшиқни куйлаганида ҳозир қизлар тушига кираётган ўн олти ёшли ўсмирлар унда нонни «нанна» дейдиган гўдак эдилар. Қўшиқ жанговар биродарликни ёдга солиб, тинчликка даъват этган эди. АҚШ билан биз бир-биримизни душман образи орқали кўрсатишга зўр берган эдик.

Ҳозир душман образи деган сўзнинг ўзи эскириб қолди. Энди тобора ёқимли чеҳра америкаликлар мамлакатимизга ташриф буюряптилар.

Меҳмоннавозликни ўрнига қўйяпмиз ҳам. Улар ҳам қарздор бўлиб қолишни истамай, бизни ҳам меҳмонга таклиф қилишяпти.

Беш-олти йил бурун, меҳмонга, чет элга, бунинг устига АҚШга боришни унча-мунча одам хаёлга келтиришга ҳам чўчирди. Энди эса, мана ўзимизнинг ўзбек қиз — тошкентлик мактаб ўқувчиси Баҳринисо Умарова АҚШга бориб келди.

Баҳрин[illegible] юр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Оқариб кўринар бир елкан».

Буш мактаби остонасида...

Умарова АҚШга бориб келди.

Баҳринисо океаннинг у ёғида юрганида кундалик дафтар тутган эди. Сиз — тенгдошларига унинг кундалигини ўқиш зерикарли бўлмаса керак. Баҳринисонинг сардафтарини ўқисангиз, олисдаги тенгдошларингизнинг ҳаёти билан ўз ҳаётингизни таққослашингиз ва катталар сингари кўп нарса ҳақида жиддий ўй сура бошласангиз не ажаб!.. Баҳринисонинг кундалик дафтарини 17-саҳифада ўқинг.

Бахтинисо ва Карен Андерсен.

Мексиканча хушхўр ва ғаройиб овқатни ейишнинг ўзи бўлмайди — бунга маҳорат ҳам талаб қилинади.

Дўст билан обод уйинг...

Грета ва Треси Хординлар

Ҳайвонот боғида

Лойдан қилинган қўлбола панноларимиз тинчлик боғини безашга шубҳа йўқ.

Ошмиз яхши чиқармикин, деб роса ҳаяжонландик, ҳайтовур ошпаз хижолат қилмади...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тошкентдаги 279-мактабда олти ёшлилар группаси учун ҳамма шароитлар муҳайё қилиб қўйилган. Улар ўқитувчи Ольга Николаевна Герасимова раҳбарлигида ўқийдилар, дам оладилар, турли ўйинларни машқ қиладилар.

Суратларда:

Ўзимиз ўзимизга хизмат қиламиз.

Ўйин ва ўйинчоқлар хонасида.

Ниҳоят дарс бормоқда.

А. КУДРЯШОВ фотолари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«САЛАГА» СОЛДАТ ҲАСРАТЛАРИ

(ёки ҳарбий хизматдаги ясама табақаланиш сабаблари ва оқибатлари ҳақида)

Кутиш зали. Кимдир бетоқат, кимдир хотиржам-вазмин. Ҳов, бир чеккада жимгина турган уч солдат йигит самолётлар учиб-қўнадиган майдондан кўз узишмайди. Уларнинг хатти-ҳаракатидан сабрсизлик, ҳаяжонни илғаш мумкин. Хаёлга эрк бераман: «икки йиллик хизмат ортда қолганини эслашяпти... ота-оналарининг иссиқ бағрига қайтаётганларидан беҳад ҳаяжонланишяпти... ҳадемай самолётга ўтиришади, она қишлоқларига етиб боришади... Одатдаги ҳаёт гирдобига шўнғиб кетишади...»

Лекин мени шу топда бошқа саволлар қизиқтираётган эди: хўш, солдатлик йиллари қандай ўтди? Ҳарбий хизматда у нималарни ўрганди? Не-не одамларга дуч келиб, не-не мураккаб вазиятларга тушиб дунёни танидимикан? Энг муҳими, ҳарбий хизматга тайёрмикан, ёки?..

Одатда шундай бўлади. Ҳарбий қисмга борган кезлари «салага» солдат кўп қийинчиликларга дуч келади, ўзида кўплаб нуқсонлар борлигини англаб етади. Ўша кезларда «уйга қайтай, укаларим, жиянларим, қўни-қўшни йигитчаларни йиғаман, ҳарбийга боришга тайёргарлик кўришлари — тинимсиз чиниқишлари, тобланишлари зарурлигини айтаман» деб ўзича дилига тугади. Лекин йил ўтгани сайин «дед»лашиб, «молодой»ларга сўзи ўтадиган бўла боргани сари бу ниятларини унутади. Ўшандай хаёлларга боргани ўзига эриш туюлади.

Хуллас, бурчакда турган уч солдатга яқин бордим, танишдик. Улардан бири — Илҳомиддин Эрматов Узоқ Шарқ ҳарбий округи танк бўлинмасида хизмат қилибди, уйига — Навоий шаҳрига қайтаётган экан.

— Солдат учун энг ёмони нима? — деб сўрадим.

— Энг ёмони,— деб ўйлаб қолди у, сўнг секин давом этди:

— Икки йиллик хизмат қийинчиликларига чидолмай ҳарбий интизомни бузиш, ва бунинг оқибатида ахлоқ тузатиш батальонида умр ўтказиш.

Узоқ Шарқ ҳарбий округи алоқа қисмларида хизматни ўтаб қайтаётган самарқандлик Барот Жумаев:

— Ҳар бир йигит армияга чақирилгунига қадар спорт билан шуғулланмоғи керак. Ҳарбий-ўқув машғулотларида оғир шинель ва елкада автомат билан югуришга тўғри келади. Баландликдан, жарликлардан ошиб ўтилади. Жисмонан чиниқмаганлар ана шу машқларда «йиқилиб» қолади.

Учинчи солдат — чироқчилик М. Тўраев. Шинелининг ёқасидаги белги унинг ҳарбий қурилиш бўлинмасида хизмат қилганини «айтиб» турибди.

— Хизматлар қалай ўтди? — сўрайман ундан.

— Чакки эмас, қийналмадик,— дейди у.

— Нечук?

— Бўлинмамизда хизмат қилаётганларнинг учдан бир қисми ўзбеклар эди.

— Қандай қилиб шунча ўзбек бир жойга йиғилиб қолдинглар? — сўрайман ижикилаб.

— Халқимиз меҳнатсевар-да, — деди-ю ўйланиб қолди у. Юзи жиддийлашди.— Лекин бошқа сабаби ҳам бор. Кўпчилик русчани билмайди. Рус тилини билмай туриб ҳам қурилишда амал-тақал қилиб юриш мумкин. Чунки, куни билан қурилишда ишлайсан, шанба кунги 7 соатлик сиёсий ўқиш дарсларида ухламай ўтира олсанг бўлгани.

Тўғри, рус тилини билмасликдан солдатлар ўртасидаги табақаланиш бошланади. «Король», «чурка», «чумо», «дед» ва «салабон» каби тоифаларга ажратилади солдатлар. Команда ё буюрилган ишни тушунмаган «салабон» кулги бўлади, ҳақоратланди, қолаверса, жазоланади. Бунақанги йигитлар қўлига қандай қилиб қурол тутқизамизу, қандай қилиб чегарани ишониб топширамиз?.. Йўқ, қурилиш бўлинмасига жўнатиб қутиламиз...

Чироқчилик солдат дўстимизнинг эса фиғони фалакка чиқади:

— Мактабда ҳарбий таълим дарси ўрнига нуқул футбол ўйнар эдик. Рус тили дарсини биров бизга жиддий ўтмаган. Жисмоний тарбияда ҳам бутун синф бир тўп кетидан сарсон эди. Тўғри, ўша вақтда ўзимиз ҳам «мазза, дарс ўтилмаяпти!» дердик. Аслида бошланғич ҳарбий таълим олганимизда, рус тилини озмоз билиб қўйганимизда, жисмоний тарбия дарсида турникка осилиш, «эчки» — козёлдан сакраганимизда турган-битгани фойда экан-ку!

...Солдатлар билан хайрлашдим. Автобус бекатида матрос кийимидаги йигитни учратдим. Чилонзордан экан. Североморскда хизмат қилибди. Жўшқин Бердимуродов. У хурсанд, худди она шаҳрига етиб келганига, ҳадемай ота-онасининг, туғишганларининг дийдорини кўришига ишонмагандек нуқул жилмаярди.

— Сафимизда ўзбек йигитлар оз эди. Уялтириб қўйиш ҳоллари кўп эмас. Фақат бошқа миллат вакиллари «анави, ўзбек!» деган оҳангда муомала қилар, танимаган-нетмаган йигитлар «ўзбек қанақа одам ўзи?» дегандек келиб кўриб кетар эди. Албатта, бу газета, журналларда ёзилаётган, телевидениеда кўрсатилаётган «ўзбеклар иши»нинг оқибати эди...

Жўшқин ўз йўлига кетди. Мен яна ўз хаёлларим билан ёлғиз қолдим. «Солдатлар ҳасрат қилишдими?.. Ҳасрат қилган солдат солдатми?!. Нуқсон қаерда ўзи?..» Беихтиёр, 5—6 йил илгариги хизмат қилган кунларимни эсладим.

...Ёш солдатни биринчи кунданоқ ранг-баранг «имтиҳон»лар кутади. Масалан, «қария» солдат ўрнига пол ювиш, унга сигарет келтириш, оқ ёқа танғиб бериш, ювиш ва ҳоказо. Бундай юмушлар ҳамманинг эмас, балки нотанишлар билан тезда тил топишиб кетолмайдиган, тил билмаган, жисмонан ва иродаси заиф йигитлар зиммасига тушади.

Ёдимда — ўқув бўлинмасидан қайтганимда «Ёш жангчилар курси»да хизматга янги келган солдатларга командирлик қилдим. Улар орасидаги 40 нафар ўзбек йигитидан 5 таси русчани сал-пал эгаллаганди. Нима бўлдию, старшинамиз казармадаги тартиб билан таништира туриб, тумба ҳақида гапира туриб «Товариш солдат, выносите одну тумбочку» деди. Солдат кўзини катта-катта очганча казармага кириб кетдию, бир зумда кираверишга қўйилган чой солинадиган идиш (бочок)ни кўтариб чиқди. Бўлди кулги, денг!.. Мен эса кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмайман...

Хуллас, хизмат муддатининг бошларидаги машаққатлар иккинчи йилга бориб солдатнинг (албатта ҳаммасининг эмас) кўксида кек бўлиб сақланади, натижада навбатдаги чақириқда келган ёшларни мазах қилиш йўли билан алмдан чиқади.

...Ҳарбий хизматни ўйлаганда шундай муаммолар йилдан-йилга камаймаётгани ташвишлантиради кишини. Нима қилмоқ керак? Икки йиллик ҳарбий хизмат чинакам йигитлик бурчини адо этиш бўлиб қолиши, фарзандларимиз кўксини тоғ қилиб армияга отланиши ва ҳеч кимнинг олдида тили қисилмай, бўйни эгилмай эсон-омон қайтиб келиши учун қандай чоралар кўрмоқ керак?

Ҳалимжон САИДОВ,
ТошДУ журналистика факультетининг талабаси.

РЕДАКЦИЯДАН: Мазкур мақолада кўтарилган мавзу марказий нашрларда кўп ёритиляпти, унинг кўп қирралари жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиляпти. Муаммонинг Ўзбекистонга хос жиҳатлари эса талайгина. Ҳ. Саидов унинг айримлари хусусида сўз очган, холос. Шундай экан, ўғлонларимиз мусофир юртларда, нотаниш шарт-шароитларда ўз йигитлик бурчини муносиб ўтаб келиши учун нималар қилишимиз лозим! Йигитларни ҳарбий хизматга тайёрлаш борасида нималар қиляпмиз, нималарга эътибор бермаяпмиз!

Шунга ўхшаш саволлар юзасидан ўқитувчилар, ҳарбий хизмат вакиллари, ота-оналар, турган гап — ҳарбий хизмат машаққатларининг бевосита гувоҳи бўлган собиқ солдатлар ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашадилар деган умиддамиз.

затдик. Компьютерлар билан ўйнадик ва очиғи америкалик тенгқурларимизга ҳавас қилдик. Компьютерлар шу ернинг ўзидаёқ бизни эсдаликка суратга туширди ва ўша лаҳзадаёқ расмларимизни чиқариб берди.

5 май куни 9-синфдаги архитектура дарсини кузатдик. Бу бизнинг расм дарсимизга ўхшаб кетарди-ю, лекин болалар ярим дарс биноларнинг чизмаси билан машғул бўлишса, ярим кун кўча-кўйда юриб, турар-жойлар қурилишини томоша қилдилар. (Менимча бу болт ва шайбаларнинг расмини чизаверишдан кўра қизиқарлироқ бўлса керак). Кейин биз ҳайкалтарошлик тўгарагига қатнашдик. Америкалик болаларнинг ҳайкал ясашга иқтидорларини кўриб қойил қолдик. Тушдан кейин Тинчлик боғига бориб дўстлик рамзи сифатида дарахтлар ўтқаздик. Ер шари тикилган матога имзо чекдик.

6 май куни ҳиндулар қишлоғига бордик. Улар биз учун махсус миллий кийимларини кийиб чиқишди ва ўзларининг халқ рақсларини ижро этишди. Кечки овқатга таклиф қилишди. Кейин меҳмонлар ҳам, мезбонлар ҳам Алла Пугачёванинг қўшиқларини ижро этдик.

7 май куни ҳам ўйин-кулги билан ўтди. Кечқурун адрес алмашдик, сафаримиз ҳақидаги эсдалик фильмимизни тамошо қилдик. Кўнгли бўшлар пича йиғлаб ҳам олишди. Бизнинг ҳам кўнглимиз тўлиб кетди. Ҳаш-паш дегунча 15 кун ўтиб кетибди-я! Америкалик ўқувчилар эмин-эркин, қувноқ, оққўнгил эканлар. Улар ҳам худди биз каби ер юзида тинчлик, халқлар ўртасида дўстлик барқарор бўлишига жуда ишонишади.

8 май куни дўстларимиз бизни кузатгани аэропортга чиқишди. Хайрлашаётганимизда ҳаммамиз ўкраб йиғлаб юбораёздик. Бутун аэропорт йиғласа ғалати бўлар экан. Биз Вашингтонга Чикаго орқали учдик. Чикагода ярим соат бўлиб, АҚШ пойтахтига оқшом пайти қўндик. Бу ерда ҳам бизни янги «ота-она»ларимиз кутиб олишди. Мен бой, жуда бой оилада яшадим. Бойлиги шундаки, оилада 9 фарзанд бор экан!

9 май куни ҳайвонот боғига бордик. У ер жуда катта экану, лекин қафаслари кам. Сабаби — ҳайвонлар атрофи ўралган кенг ўтлоқзорларда худди озодликда юргандай яшашарди. (Мен шунда аянчли Тошкент ҳайвонот боғини эсладим). Ҳаммаёқ озода...

Кечқурун шаҳар бўйлаб сайр қилдик. Биз Оқ уйни ҳам, муҳташам Капитолийни ҳам кўрдик... Улар жуда маҳобатли экан, лекин Сиэтл бизга яхшироқ, кўнгилга яқинроқ туюлди. Сиэтлда кўчалар ҳам чиройли, табиат гўзал, ҳавоси тоза. Кечқурун мактабда концерт бердик. Уйга тоза чарчаб, лекин бой таассуротлар билан қайтдик.

Кўнгилдаги гапларнинг адоғи йўқ...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГАВҲАРОЙ

Абдулҳамид Чўлпоннинг (1893—1937) «Ер юзи» журнали 1929 йил 22—23-сонида эълон қилинган ушбу ҳикояси хассос сўзи санъаткорининг ижодидан мухтасар «лавҳа».

ЧЎЛПОН

Кекса ой пилатин нурларининг зулфи билан тоғ бағрига шахмат донаси каби ёпишгон Уяс қишлоғини безаб юборди. «У» Чорбулоқнинг жарида бойловдан чиққан отлар сингари кўпириб ўзини қирғоқларга урган лойқа сув билан, уйлари ёнидан силлиқ-текис устидан бўрдоқи қўйлар каби сийганиб, майин силжиб қайларгадир оқиб кетаётгон мусаффо-тиниқ булоқ сувини бир-бирига солиштириб аллақандай ширин бир фикр тенгизига чўмиб кетди...

Бу тинчлиқни кечанинг майин эскан ипак еллари соч толаларининг орасиға кириб қитиқлаб қўрқутиб бузса, иккинчидан узоқдан ҳуриган итларнинг хунук товушлари бузар эди.

У кўп кутди.

Кечанинг торозибони тунни тенг иккига бўлиб қўйган эди. Бундан ортиқ кутиш юрак тўлқунини ортиб талвасанинг шиддатланишига сабаб бўлар эди... интизорлиқ оловдан ёмон... Тоғ кийиги ҳуркиди. Иссиқ уй, мулойим кўрпа, меҳрибон она қучоғи уни ўзига томон тортди... Тилсиз тун танҳо колди.

* * *

Кўксини кеккайтириб бошини кўкга узатган Хонтангри силсиласининг бир бутоги ҳисобланган Ойқортоғ — бугунги тош гавда кўпгина сирларни билади. Унинг кўксидан бузуқ тангиларидан шарақлаб қайнаган, сачраб ўйнаган қирғоқларни жинниларча, ғужум-ғужум кўпук сочиб томчилаган шўх сувларнинг мусиқавий оҳанги кўп кўмак истаб ҳайқирган товушларни суянчига эшитдирмасдан ўз кенг чуқур қалбиға сингдириб юборган.

Ҳали унинг ёнбағрида беш бармоқ сингари тизилган қалин-қуюқ кўк тўқайнинг қалбида «тилсиз», «тилли» ҳайвонлар томонидан гуноҳсиз қурбон бўлган мазлумларнинг оҳи, зори чегарасиз...

Ойқорнинг кенг қулочи бир қанча даҳолар, неча юз қишлоқларни ўз ичига олади. Ана шу Ойқорнинг шифобахш қучоғида Гавҳарой ўн олти ёшни қарши олди.

Гавҳарой келишкан гавдали, хипчабел, анор юзи оппоқ бўрукдай тўла, дўндиққина бир қиз эди. Тўлган ойдек тўлиб етилган Гавҳаройни ҳар ким ўз уйининг гули қилишга тиришар эди. Ҳақиқатан Гавҳар орзуга арзигудек қиз, у замона қизи: кашта тикиш, ўрмак тўқиш, хамир қилиш, уй йиғиштириш, таппи ёпиш, бия соғиш, бўлғучи қайнота, қайнонага одоб сақлашни билар ва ўрганган эди. Ҳатто бир куни ёз вақтида Гавҳарни отаси Пиримқул ямоқчининг кетида туриб, намоз ўқуғонини, онасиға таҳорат суви берганини ҳам кўрган эдилар.

Ҳаво соф — тиниқ.

Зулолдек зангори кўк бетида сира гард-ғубор йўқ. Гўё тўлқундан сўнгра тинчиб дам олаётгон тенгсиз сингари жимжит.

Шаҳар фарроши улуғ дарвозани очгонда, тонг шабадаси майин-юмшоқ ипак қўллари билан толиб ётгонларнинг юзларини силаб қитиғда аллалар эди. Хўрозлар қичқириб қулоқларга сергаклик — тетиклик, тебраниш куйини куйлар эди.

Буидан бир-икки соат илгари ётгон Ўроқбой ширин бир тушнинг тасбиҳини ўгурмакда эди.

Қора мушукнинг вақтсиз берган ташвиши билан Ўроқбой уйгонди. У тўнининг бир енгини кийиб ҳовли ёнидаги сойга тушиб қўл-бетини тез-тез ювди. Зотан Ўроқбой ҳар вақт саҳар турар эди. Чунки Уяс қишлоғининг подачисику...

Ўроқбой ҳар кун деярлик катта иргой таёгини кўтариб, тор кўчаларга кирар, «подаларни тезроқ чиқаринглар!» деб қичқирар эди. Пиримқул ямоқчининг уйига яқинлашгонда, Ўроқбойнинг юраги соат тилидай тез-тез ура бошлади. Тўрт қадамгина йўл қолгонда оёқлар ўзганинг оёгидай Ўроқбойнинг амрини тингламай бошладилар. Ўроқбойнинг гурилаган йигит товушини эшиткан Гавҳарой хурмача тўлмасданоқ соғиб турган сигирини қўйиб-қўйиб юборди. Хурмани ерга қўйиб, сигирни кўчага ҳайдаб чиқди. Кўчада ёз фаслида музлаб қолгон Ўроқбойнинг оёқлари Гавҳарни кўргач ихтиёрсиз бир неча қадам босиб юборди, фақат кўп юра олмади, қалбиға бир ўт тушгандай жимирлаб кетди. Гавҳар бўлса қизил нақшли олмадай дам қизариб, дам бўзариб, рангдан-рангга кириб, юзи яралик қушнинг қони тўкилган қор каби тиниқ қизарган эди. Олов кўзлар қарошлариға тўёлмай энтикламоқда.

Гавҳар уялганидан рўмолининг бир учи билан бетини бекитишдан бошқа чораси қолмади, бадани электр токи ургондай жимирлар эди. Талай вақт тилсизча жим турилгондан кейин Ўроқбой ерга қараб «аммам эсонларми?» дея олди. Бунинг жавобида Гавҳар «эсон бўлсинлар, шукур...», бир оз ютуниб, «Ҳа... ўтурукчи (ёлгончи) бу оқшом ярим кечагача бўлоқ бўйида кутдим, шўйтасизми?» деди, бир қўлини деволга таяб ерга михланғондай тикилиб қолди... Ўроқбой бошини кўтарганда, тунда қайрагача орасидан ой кўринганда Гавҳарнинг қора сочлари орасидан тилимдай бўлиб кўринган сулув юзиға кўзи тушди... Тийраш — қалтираш, ичидан ёниш алангаланди, томирлар безгакдай қалтиради, асаблар ҳансиради...

Ўроқбой марварид ёшли кўзини узоқ бир нуқтаға — уфуқга тикиб чуқур бир хўрсинди-да, Гавҳардан кечирим сўради.

— Мендан хафа бўлма, ўксима, нима қилай йўқсиллиғи қурсин, Мулла Бозорнинг меҳмони бор экан, «Урай»дан бўза келтиришга юборгон эди, шунинг учун кеч қайтдим. Келсам сен йўқ экансан, ўзинг биласан-ку... — Ҳақиқатан бу икки бечора бир-биринни севар эдилар.

Ортиқ кўк қизи олтин қуёш заррин кокилларини ёзиб тонг уфуқини йиртган ўз жамолини кўрсаткан эди. Икки олов кўзнинг мижжа ўқлари ҳизоға келганда гўзал эрталарнинг юзлари кулган эди.

Узоқдан:

— «Подачи... ҳой подачи, молларингни қайтар», деган алвасти товуш бечораларнинг муҳаббат ипларини аямай узди. Бир-бирига михланган назарлар кимнингдир кўринмас кучи билан айрилди. Айрилиш дақиқалари жиплашканда юрак болгаларининг уриши электр суръатидан ҳам ошгон эди, улар «фақат бошқа... бир... кун» дейиша олдилар, холос. Висол дақиқаларининг оёгиға канот тақмоқ мумкин бўлса эди... Гавҳарни онаси чақиргонда оловдек ёнгон анор юзлари, совиш тош устида, кўзлар узоқ келажакнинг хаёлида кенгайган тотли уфуқда эди...

* * *

Чиройлиқлиғи билан донги чиққан қиз уйда узоқ қола олмайди, албатта. Ер остида илон қимирлагонини сезганлар, тумшуқлари остида турган Гавҳарни кўрмайди, эшитмайди дейсизми... 1909 қадам босгон эди. Диққатимизни тарихнинг 20 йил бундан аввалги сериясига йўналтирайлик. Сонсиз, саноқсиз «жонли қўғирчоқлардир» дейилган фаслни — сериясини камоли диққат билан мутолаа қилайлик.

Мулла Бозор Янги Қўрғон районида от чиқарган давлатманд бой, мулкдор, жиндак таъби (шоирлиғи) ҳам бор. Уни Самарқанд, Бухороларда ҳам билувчилар топиларди. Олти хотинлик Мулла Бозор Гавҳарни ўзи учун сўрашни ўзига эп кўрмай (тўғриси отасидан ҳайиққанидан) укаси Мулла Худоёр учун сўратишни муносиб кўрди.

Совчилар Пиримқул акани алдадилар, аврадилар, қучоғ-қучоғ тотли ваъдалар бердилар. Ҳатто Пиримқул ака «хотиним билан маслаҳат қилайин бўлмаса», деганига қарамасдан қабул қилдирдилар.

* * *

Қизнинг ёшлари баҳор булути сингари тўкулди. Кўкга узатиб ёрдам сўраган қўлиға «тангри»си илтифот этмади.

Тўй аравалари, машъаллар ҳозир. Кўп дилларда баҳор чечаги очилгонда, Гавҳар қалбида мотам пардаси ёйилгон эди.

Чунки унинг чин севгиси ҳукумат маъмурлари томонидан бир йиллиқ бадарга қилинган эди. Гавҳарнинг кичик, масъум қалби куз япроғидай титради, унинг дод-фарёди йўққа чиқди.

У ўзининг севгисини ҳеч кимга изҳор эта олмайди. Чунки бу халқ олдида айб, уят-ку! Жамоат эшитса нима дейди.

Кенг уй, рўжалар[1], турли кашталар билан безатилган эди.

Гавҳарнинг қучоқлари «Худоёр» учун очиқ. У Гавҳарнинг қонуний эри, шаръий хўжайини... Тўй бўлгон кунгача Худоёр фақатгина қирқ қиз кўргон эди, холос. Ўроқбойнинг сургун этилиши сабаби бизга ойдин эмас. Фақат одам ўлдирган, деган узунқулоқ қуйруқли бир гап ўртада жавлон этар эди:

Ун ой расо ўтди, Гавҳарнинг юзи яйраб кулмади. У, испаракдек[2] сарғайиб куз япроғидай сўлиган. Фақат асосий гўзаллик чизгилари йўқолгон эмас, тол тушда Мулла Бозорнинг эшиги оғзида гўжа ичиб ўтирган батраклардан бири:

— Ҳай аттанг, эссиз қиз бекордан-бекорга нобуд бўлди-да, — дейди.

— Бу тўймас хўжайинлар ҳеч тўймайди-да, меним бечора синглимнинг номуси шулар қўлида ғижимланиб, охирда ўлиб кетмадими! — дейди.

— Э, э, нимасини айтасан. Тойпоқ сойдаги ерим шу хўжайинларнинг зўрлиги билан олиниб, ўзим шу ҳолга тушмадимми, — дейди Болтабой.

Шу паллада узоқдан чопиб келган отлиқ бу кунги улоқда Мулла Худоёр отдан йиқилиб ўлганлиги хабарини келтирди. Уй ичи мотамга айланганда Гавҳар ёлгиз Ўроқбойнинг қаерда эканлигини тушунарди...

* * *

Мулла Бозор аввалдан севгани Гавҳарнинг бева қолишиға юрагидан севинар ва баъзан ўзўзича:

Муҳаббат даштида доим гўзал Кавсарни излайман.

Улуг кавсар лабида тенги йўқ Гавҳарни излайман.

деб байт ҳам айтиб қўяр эди...

Гавҳар эрининг қирқини ўтказиб бўлгондан кейин, ўз отасининг уйига кетиш учун Мулла Бозордан жавоб сўради. Гавҳар Ўроқбойнинг у лаҳатдан қайтганлигини кичик синглиси Зулфиядан эшитган эди. Мулла Бозор жавобида: меним ўз ерим ўзимники, шаръан ҳеч кимнинг ҳаки йўқ, ҳеч қаёққа мендан рухсатсиз кета олмайсиз! — деди.

Мулла Бозор кеча-кундуз ўйлаб Гавҳарни ўзиники қилиш учун режа қурар эди. Ҳукумат кишиларининг оғзини кўпдан мойлаб қўйгони учун у ёқдан хотиржам!

Икки томонда ҳам тарафкашлик кучайиб кетди. Мулла Бозор эски сўзини такрор этади: ўз ерим, ўзим оламан, бошқанинг ҳаки йўқ. «Гавҳар ҳали ҳам Ўроқбойни севади, чунки у, табиатнинг кенг қучоғида уни севган, эркин сўз берган. Ўроқбой ҳам ўз ҳамқурлари ва ўртоқлари билан маслаҳатлашиб Гавҳарни Мулла Бозор чангалидан қутқаришни истайди».

Гавҳар Мулла Бозорнинг устидан ўша вақтда, Ўсмат даҳасининг қозиси ҳисобланган қози Зулпонга ариза берди ва ҳақиқатнинг ер остига кўмилмаяжагини ўйлади.

Худо урган йўкки, қози Зулпондек бир киши худодан қўрқмасдан ҳукм чиқарсин. Сўд бўлди. Сўдга юзларча киши тўплонгон эди. Қози Зулпоннинг атрофини бир қанча оқ саллалик муллалар ўраган ҳолда ичкаридан чиқиб ҳукмнинг натижасини эълон қилди:

«Гавҳарой бинти Пиримқул қизи, Мулла Бозорнинг шаръий ери бўлгонлигидан ерининг бутун хаштияклари билан баробар унинг уйида қолади...»

— Ҳукмнинг бошлонгичиниғина эшита олгон Бемор ва Камол Гавҳарнинг бадани тошдек совиди, қалби тўхтади, кўзлари мангу юмулдилар...

Сўд ҳукмини тинглаб турган халқнинг боши ҳам, биронтаси чурқ этмас, кўзлари узоқ уфуққа тикилганди...

Оқилхон ОДИЛХОНОВ
тайёрлаган.

---

[1] Рўжа — чойшаб.
[2] Испарак — хушманзара ўсимлик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЎП НАРСАНИ БИЛГИНГИЗ КЕЛАДИ

Жанжинг: д'Артаньян

Шундай қилиб д'Артаньян 1640 йилнинг апрелида ўз бахтини излаб, қайдасан Париж деб йўлга тушади. Бир вақтлар акалари ҳам худди шундай қилишган ва қайсидир герцоглларда қиличбозлик қилиб, донг таратишган эди...

— Гап Александр Дюманинг «Уч қиличбоз» асаридаги д'Артаньян ҳақида боряптими, дерсиз?

— Худди шундай.

— Бундан чиқди д'Артаньян тарихий шахс эканда.

Ҳа, кўп қидирувлардан сўнг францияли тадқиқотчилар асар қаҳрамонининг ҳаётдаги таржимаи ҳолини тиклашди. Д'Артаньян Госконь провинциясининг марказ шаҳри Ошдан унча узоқ бўлмаган Люпиак қишлоғидаги Кастельмор қалъасида туғилади. Унинг болалиги шу ерда кечади. Отаси госконлик дворянин бўлиб, исми шарифи — Бертран де Батц Кастельмор, онаси эса Франсуаза де Монтескью бўлган. Қаҳрамонимиз оиланинг учинчи фарзанди эди. У Парижга акалари Шарль билан Полни қора тортиб борарди. Тиниб-тинчимаган қаҳрамон Сен-дье шаҳрида муштлашувга аралашиб, роса калтакланади ва қиличбозлар капитани де Тревил номига берилган тавсияномани йўқотиб қўяди. Парижда эса уни бундан ҳам баттарроқ нохуш хабар кутиб олади. Катта акаси дуэлда ҳалок бўлган, кичкина акаси Италияда бўлади.

Лекин кутилмаганда д'Артаньянга бахт кулиб боқади. У Дезэссар ротасининг жангчиси Исаак де Порто билан дўстлашиб қолади. Бу ўша, китобдаги Партос эди. Партос уни Медон ўрмонига сайрга чақиради. Бу ерда у Партоснинг икки дўсти Анри де Арамиз (Арамис) ва Арман де Силлак д'Отовиль (Атос)лар билан танишади. Улар д'Артаньянни машҳур қиличбозлар Шарль билан Полнинг укаси эканлигини билиб қоладилар ва ўз сафларига жон деб қўшиб оладилар. Сайр вақтида тўрт оғайни кординал гвардиячилари билан тўқнашиб қолишади. Тўқнашув арзимаган нарсадан — гвардиячи Жиллонинг олтин халли плашчини мақтаниши-ю ва бу плашчнинг йиртилишидан бошланади. Олишувда д'Артаньян қиличбозликда анчагина ном чиқарган Манселни енгади ва д'Атосга ёрдам беради. Унинг бу жасорати Порто хизмат қилаётган гвардиячи ротага аъзо бўлиш билан тақдирланади.

Д'Артаньян француз томонида туриб Испанияга қарши жангларда қатнашади. Испания Аррас шаҳрини босиб олган, уни озод қилиш керак эди. Жангга биринчи бўлиб ташланган д'Артаньян шаҳар дарбозасидаги ушбу ёзувга кўзи тушади: «Агарда французлар Арросни олсалар, унда мушуклар сичқонларга ем бўладилар». Бу ёзувни ўқиган д'Артаньян «олсалар» сўзини ўчирадида ўрнига «берсалар» сўзини ёзиб қўяди.

Ўша йиллари д'Артаньян Эр қалъасини ва Перпиньян шаҳарларини ишғол қилишда қатнашади.

1642 йили де Порто қиличбоз деб тан олинади. Бундай шарафга д'Артаньян икки йил

кейинроқ эришади. 1652 йили госконлик қаҳрамонимиз қиличбозлар орасида лейтенант, кейинроқ капитан даражасигача кўтарилади. Шуҳрат кетидан шуҳрат келаверади. Шоҳ томонидан у 250 нафарлик қиличбозга бошлиқ қилиб тайинланади. Ҳатто бу ротага француз шоҳи Людовик XIV ҳам жангчи сифатида ёзилган эди.

Дюма ўз асарида қаҳрамонни бўйдоқ қилиб тасвирлайди. Аслида д'Артаньян бадавлат бир бева хотинга уйланади. Ундан икки ўғил кўради. Ҳаётини ҳалол меҳнат эвазига ўтказади. Айшу-ишратларга, кибру ҳаволарга берилмайди. Унинг ҳаётидаги қизиқарли воқеалардан бири шуки, кунлардан бир кун Людвик қиличбозни ўз ҳузурига чақиртиради. Шоҳга қарши бўлган кишилар жазо муддатини ўтайдиган қамоқхонага комендант бўлишни таклиф қилади. Қиличбоз ўзига хос мағрурлик билан рад жавобини беради. Унинг жавоби замондошлари эсдаликларига ифтихор билан ёзиб қўйилган. Мана у нима деган шоҳга қараб:

«Қамоқхонага ноиб бўлишдан кўра Франциянинг энг оддий солдати бўлиб қолиш шарафлироқдир».

Д'Артаньян жанг майдонларида бўлишдан ташқари баъзи яширин миссияларни ҳам бажарган. Масалан, 1642 йили у дўсти де Арамиз билан Англияга боришади. Ҳорижда икки марта дуэлда иштирок этишади, ғолиб келишади. Сафарлари қариганда уларни Англия қироличаси Генриэттахоним қабул қилади. Шундан кейин д'Артаньянга суиқасд уюштирилади. Унга бирданига етти каллакесар ташланиб қолади. Олишув Люксембург саройи яқинида бўлади. Д'Артаньян еттовига ҳам баровар қаршилик кўрсатади. Аммо кучлар тенг эмасди. Госконликка ўлим хавф сола бошлайди. Шунда дўстлари де Арамиз билан д'Атос ёрдамга етиб келишади. Душманлар чекинаётиб д'Атосни қаттиқ яралайдилар, д'Атос 1643 йили 22 декабрда ўлади. У Сен-Сюльпис қабристонига дафн этилади.

Д'Артаньян дўстидан кейин яна ўттиз йил умр кўрди. У Голландиянинг Мастрихт қалъасини ишғол қилаётган бир пайтда ўлим таҳдидини сезмай қолади. Ўшанда замондошларидан бири шундай деган эди: «д'Артаньян билан шон-шуҳрат бир тобутда ёнма-ён ётишарди».

Хўш, қаҳрамоннинг номи китобдагидек айнан д'Артаньян бўлганми?

Д'Артаньян бу қаҳрамоннинг онаси туғилиб, ўсган жой номи. Унинг исми катта акасининг исми билан аталган экан. Яъни, кичик Шарль. Шундай қилиб қаҳрамоннинг тўлиқ исми — Шарль де Батц Кастельмор д'Артаньяндир. 1931 йили унинг ватани ҳисобланган Ош шаҳрида машҳур қиличбознинг бронза ҳайкали ўрнатилди. Бу ҳаётдаги д'Артаньян учун ҳам, китоб қаҳрамони учун ҳам ва ёзувчи Александр Дюма учун ҳам халқнинг буюк ҳурмати эди.

М. ШАЛОМАЕВ

Қор

Деразадан ҳовлига қарайман. Кечадан бери тиним билмай ёғаётган лайлакқор бутун борлиқни қоплаган. Ҳамма ёқ оқликдан либос кийгандек. Ер юзидаги ғуборлар йўқликка юз тутгандек. Оқлик, беғуборлик қандай яхши-я!

Пайқадим, қўшни кабинетда касбдошларимдан бири кимнидир биринчи қор билан табриклаб хат ёзяпти. Ким, нечта одам «Қорхат»га тушган? Ҳаяжони ичига сиғмаганлар ҳовлига чиқиб қорбўрон ўйнашяпти. Оқлик ҳамманинг қалбига ажиб бир завқушавқ олиб кирганди.

Мен эса кўзимни деразадан узолмайман. Кўнглимдан мана шу гаплар кечади: қанийди қор баъзи кишилар юрагидаги ичиқоралик, кўролмаслик, ҳасадгўйлик, дилозорлик... иллатлариниям кўмса, қалбларни мунаввар этса.

Ризвон САФАРОВА

Турсун МУҲАММАД

Тушди

Бўй чўзиб юксакка ногоҳ, ерга фаввора тушди.
Чулдираб гумбазда ночор, туриб оввора тушди.
Ким замин шайдоси бўлса, ечмиш талай жумбоқни,
Кўкка учган кўп ҳавои, орзу увола тушди.
Ишқнинг жабру вафосига, содиқ ўлса ким ҳумор,
Элга содиқ минг хуморнинг, кўзи иқбол-а тушди.
Йўқ ажаб-ким, чарх балоғат ёшда андоз айласа,
Ошиқ офтоб қурғасига чарҳи зувола тушди.
Сен ҳам энди Турсун, от сур бул шиддат майдонига,
Вах-ки, не тонг, тун сочингга, оқ, муқим тола тушди.

* * *

Қадимийдир жўнликка кураш.
Этаверар талпиниш давом.
Гоҳ таскинда, гоҳида дил ғаш,
Ечаверар эскисин замон...

Тошкент.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХИЁБОНДАГИ ҚИЗЛАР



Шаҳримизнинг «Инқилоб» хиёбони»да мен бир неча бор кузатувчи бўлганман ва ҳар гал қизларни ўша жойда — четдаги ўриндиқда учратганман. Бири — 17, бири — 18, учинчиси — 20 ёшда. Табиат уччаласини ҳам ҳуснидан сиқмаган, айтиш мумкин, ғоят сахийлик қилган. Бу етмагандек, ўзларига шу қадар зеб беришганки, нах тирик қўғирчоқнинг ўзи дейсиз.

Бир қарашда, тан олиш керак, кўз қамашади. Лекин синчков эътибор берсангиз, уларнинг чеҳраларида сўлғинлик ва лоқайдликка ўхшаш нимадир кўрасиз. Қизлар шу тахлит йигитлари келишгунча ўтиришади. Сўнг, уларнинг таъбири билан айтганда, компания бўлишиб бирор кўнгил очар жой қидириб кетишади. Нурсиз ҳаётларини нурлантириш учун тез-тез ресторанларга ҳам бош суқиб туришади. Танца уларнинг жони-тани...

Эҳтиёткорлик билан уларнинг оламига кириб борамиз.

Қизларнинг энг каттаси — Лиза, (Лазокат), сигарет кулини оҳиста чертиб, ярим овозда дейди: «Зерикарли». Уни Соя (асли исми Саломат) қувватлайди: «Зерикарли». Эльвира ҳам, алланимага тикилганча, хаёлга ботган.

Бу сўзни эшитиб, беихтиёр ачиниб кетасан киши. Ахир улар айни севиб-севиладиган ёшда. Шунда қаердан ҳам шу сўзлар тилингизга келади: «Муҳаббатга ишонасизми?» Аслида бу гапнинг тилга кўчиши бежиз эмас, негаки, жавобига қараб, кишини анчайин билиб олиш мумкин. «Ҳа» деган жавобни кутиб турганимда Лизанинг кўзларида истеҳзоли кулги пайдо бўлади: «Муҳаббат — йўқ нарса». У шундай дейди-ю, уйда, онасининг қўлида қолган бир ярим яшар ўғилчасини эслаб, хомуш тортади. Шу заҳотиёқ ўғилчасини кўриб келгани Чирчиққа жўнаворгиси келади. Эринади. Аламзада бир кайфиятда муҳаббат йўқлигини исботлашга киришади. Унинг узуқ-юлуқ гапларидан шуни англайсиз.

Авваллари эрсиз яшашни тасаввур ҳам қилолмас экан. Эри кундузи ишлаб, кечкида ўқир экан. Топгани лаб бўёғига ҳам етмас экан. Бир дугонасининг топармон-тутармон эрини мисол келтириб инжиқланса, эри унинг кўнглини топиш ўрнига, уялмай-нетмай «Ҳаётда ейиш-ичишдан ташқари, эътиқод, орзу-мақсад деган нарсалар ҳам бор», дермиш. Айни ўйнаб-куладиган ёшда иш ва ўқиш деб умр ўтказиш одамга алам қилармиш. Агар қонун чиқариш ҳуқуқи унинг қўлида бўлганида, 30 ёшгача катта суммада пенсия жорий этаркан, 30 ёшгача истаганча ўйнаб-кулиб, кейин меҳнат қилаверса ҳам бўлавераркан. Қисқаси, бир хил тарзда ташвиш билан кечадиган оилавий ҳаёт жонига тегибди. «У менинг қадримга етмади, — дейди Лиза алам билан. — Кимлар ортимдан югурмаган. Агар истасам ҳозир ҳам ҳар қандай йигитни тиз чўктиришим мумкин. Лекин хоҳламайман.» Мен ишонмайман. Ишонмаганимни сезиб, у ростига кўчади: «Тўғриси, кўнглим нима истайди, ўзим ҳам билмайман». У атрофга лоқайд назар ташлайди. Кейин, қўлидаги сигаретга тикилиб қолганимни пайқаб, ички бир қониқиш билан изоҳ беради: «Замонавий қиз чекмоғи керак». Мен бу фикрга эътироз билдирган ҳолда, аёллик латофати ҳақида гапирмоқчи бўламан. Лекин...

Шу дам ёнимиздан китоб-дафтар кўлтиқлаган бир гуруҳ йигитлар ўтиб қолишади. Лиза сергак тортиб, кўз қирида уларни кузатади. У йигитларни ўзига маҳлиё термулиб ўтишларини истайди. Аммо йигитлар соҳибжамолларга зиғирча эътибор беришмайди, улар дарсга ошиқмоқдалар. Бу Лизага очиқ алам қилади: «Бу қадар бефаҳм бўлишмаса, тағин йигитлар эмиш». У билмайдиқу, йигитларнинг қалби гўзал орзуларга тўлиқ, улар кундузлари завод ва қурилишларда тер тўкишади, оқшомлари хиёбон чеккасидаги бинода билим олишади. Муҳаббатни улар олий даражада тушунишади: «Зерикиш»га эса, фурсат йўқ. Кўнгиллари алланималарни қўмсамай, қувончли ташвишлар уммонида яшашда. Ҳаётнинг ҳақиқий хўжайинлари.

Лизанинг бу билан иши йўқ, йигитларнинг эътиборсизлигидан кўнгли ранжиб, бир зум тўмтайиб ўтиради. Йигити тушмагурлар, йўлига бўлса-ям, қараб ўтишса нима қиларди? Ахир бу Лиза тоифасидаги қизларга хуш ёқади-ку!..

Муҳаббат ҳақидаги баҳсга Саломат ҳам қўшилади: «Йигит деганлари мард бўлса, сенга ўзини фидо қилса». «Сиз муҳаббат йўлида ўзингизни фидо қилармидингиз?» У анқаяди. Тушунарли, у йигитлардан фидойилик кутади, лекин ўзи...

Эльвира ҳамон сукутда. Уни суҳбатга тортаман: «Сиз ҳам шу фикрдамисиз?» У индамайди. «Йигитингиз ажойиб инсонга ўхшайди». У ялт этиб қарайди: «У йигитим эмас, танишим. Ўзимники узоқда, ҳарбий хизматда».

Жуда ажабланаман. Лиза буни сезади: «Ахир вақт ўтказиш керак-ку...» Ҳа, у зерикмаслик учун оқшомларини таниши билан ўтказиб, узоқдаги йигитига соғинч мактублари битади. Ғоят қизиқ мантиқ. Бу ҳол инсонийликнинг қайси қонун-қоидасига тўғри келади? Мен хаёлан уни хиёбондан қуваман!

Меҳнат қилган одам ҳеч зерикмайди.

Лиза индамайди. Саломат лаб буриб ҳикоя қилади. Айтишига кўра, бир дугонасининг қутқусига учиб, уч ойча тўқимачилик комбинатида ишлабди. Иш уч сменада, дастгоҳларнинг шовқинига тоқат қилиб бўлмасмиш. Ҳикоясини шундай якунлайди: «У ерда эсини еганлар ишлайди». Кўз ўнгимдан минглаб тўқувчи қизлар ўтади. Улар сменалаб ишлашади, кўплари ўқишади ҳам. «Зерикиш» деган сўз уларга нотаниш. Шунингдек, Лиза мамнуният билан «киши ором олади» деган ресторанлар ҳам уларга бегона.

«Тошкентга ўйнагани келганим йўқ, — дейди бухоролик тўқувчи қиз Санобар Валиева. — Ниятим — ўқиб одам бўлиш. Ҳозир ишлаш билан бирга Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кечки бўлимида ўқийман. Бир минут ҳам ортиқча вақтим йўқ. Мабодо бўлса, кутубхоналарга бораман, билимимни бойитаман. Ўқишим битгач, шаҳримга қайтиб тўқув цехида ишлайман. Кейин... Ҳуллас орзуларим жуда кўп».

Жўнгина ифодаланган тиниқ орзулар. Санобар каби қизлар орзулар билан чекланиб қолмасдан, эътиқодсиз қизлардан нафратланишади ҳам. Унинг дугонаси Хадича шундай дейди: «Баъзи қизларга ҳайронман, ёшликни кўнгил очиш деб билишади. Қўлига китоб ушламагани етмагандек, ишда ҳам ёлчитиб ишлашмайди. Ўзларини бегонадек тутишади. Енгил-елпи юрган қизларга ошкора ҳавас қилишади».

«Бир танишим бор, — дейди Света. — Ресторанда қўшиқ айтади. Ичиш ва чекишни ҳам ўрганибди. Ҳаётидан мамнундек тутади ўзини. Шахсан мен бир тўда маст-аластларга қўшиқ айтмасдим. Ешликнинг чексиз имкониятини енгил ишларга сарфламасдим. Ешлик — гўзаллик демак, қиладиган ишинг ҳам гўзал бўлиши керак».

Лиза билагидаги кичкина соатга кўз ташлаб бетоқатланди: «Бунча ушланиб қолишди». Саломат гапдан тўхтаб, боғ этагига разм солади, сўнг дейди: «Кўнгилга ёқадиган иш бўлса, ишлайверардим».

Афсуски, унинг кўнглига ёқадиган иш йўқ. Чунки у ҳеч қанақа ишни севмайди. Отаси, ишлаб нима қиласан, дермиш. Лекин қўлига китоб олса, боши айланармиш. Уйидан кўпинча кутубхонага кетдим деб чиқармиш.

Қизиқ, нима деб маслаҳат беришингни ҳам билмайсан. Хўш, келажакда у ким бўлади? Саломат жавоб беради: «Янаги йил ўқишга кираман, кейин бир гап бўлар». Лиза индамайди, у келажакни эмас, бугун борадиган жойларини ўйламоқда. Йигитлар, ажойиб ерга олиб борамиз, дейишган. Қанақа жой экан? Эльвира дейди: «Эртага Лизанинг қаватига ишга бораман». Лиза уни маъқуллайди: «Ёмон жой эмас, машинистка-ликнинг нимаси қийин». Лиза қаерда ишлашини яширади: «Қаерда ишлашимни билишингиз шарт эмас, агар диплом ишингиз бўлса, марҳамат, кўп сўрамайман».

«Оҳ, юрагим сиқиляпти». Бу нидо уч қизнинг чеҳрасида акслaнади. Журнал саҳифаларининг бирида қуйидаги сатрларни ўқиймиз. «Кундузи далада меҳнат қиламиз. Оқшомлари маданий ҳордиқ чиқаришни жуда-жуда истаймиз. Лекин қишлоғимизда на клуб, на стадион, на кутубхона бор. Агар шулар бўлганида, биз ўзимизни тўлақонли умр кечиряпмиз деб ҳисоблардик».

Шаҳарда маданий ҳордиқ чиқариш учун барча шароит мавжуд. Лекин шунга қарамай бу қизлар зерикмоқда, сигаретдан таскин қидиришмоқда.

Ниҳоят, хиёбон этагида йигитлар кўринди. Қизларнинг кўзларида соғинч учқунлари чақнамайди, лоқайдлик жиндек норозилик билан алмашинади: «Намунча кутдирмасаларинг?»

Йигитларнинг кўзларидан ҳам висол онларида юз берадиган мулойимликни, қалб тўрида нурланадиган туйғулар алангасини қидириб овора бўлманг. Нигоҳлар ҳиссиз, сўзлар тузсиз, кулгилари даҳ... ким кимнингдир жонига теккан, уларни нима тутиб турибди? Нима?

Улар шовқинлашганча курант томонга кетишди, кўнгилларига таскин қидириб кетишди. Бугун топишар, эртагачи?.. Сиз нима дейсиз?

Нормурод НОРҚОБИЛОВ

www.ziyouz.com kutubxonasi

...ЙЎҚ, БУ ШАХСИЙ ИШ ЭМАС!

Дунёга келган чақалоқ ўзидан дарак бермоқчидек чинқирмоқчи бўлди. Аммо овоз жудаям заиф, дардман чиқди. Яна боз устига ҳамма чақалоқлардек оёқ, қўлларини силкимоққа чоғланди. Бунинг ҳам уддасидан чиқолмади. Оёқ-қўллар икки ёнга шалвираб тушди. Унинг юзида гўдаклик аломати йўқ, аксинча бадбуриш, қаримсиқ эди. Дунёга келмаёқ дард ва аламларни кўп тортган одамга ўхшарди.

Шунча кўргилиги етмагандек, худди ҳаво денгизига тушиб қолгандек нафас ололмаётган, ҳадемай ғарқ бўладигандек кўкариб бораради. Кислород ёстиқчаси бир мунча норасиданинг жонига оро кирди.

Гўдак муддатидан олти ҳафта олдин дунёга келган эди. Она операция столида наркоз уйқусида ётарди. Чақалоқ ҳақида ҳали ҳеч нарса билмасди. Бундай воқеа унинг ҳаётида иккинчи бор такрорланиши эди...

Нега шундай бўляпти? Нега бола вақтида дунёга келмаяпти? Яна операция қилишга мажбур бўляпмиз? Операциядан кейин шуларни ўйлаб, бир фикрга келаолмаймиз. Бу она танасида соғлом фарзанд кўриш учун нима етишмаяпти? Унга қандай ёрдам бериш мумкин? У яна фарзанд кўришни ҳоҳласачи? Бу мумкин эмаслигини, уни яна учинчи бор операция кутиши мумкинлигини унга қандай тушунтириш керак?

Аёлнинг касаллик варақасини кўздан кечирамиз. Унинг кейинги уч-тўрт йил давомида қон босими билан оғриганлигини айтмаса бошқа касали йўқ. Бизни ўйлантираётган муаммога бу жудаям муҳим сабаб бўлолмасди. Ахир унинг биринчи фарзанди соғлом туғилган, хозир у 13 ёшда эди-да.

Назаримизда беморимизнинг танасига уни ўлимга маҳкум этувчи сирли бир дард ширириниб олгану унинг болаларини бирин-кетин нобуд қила-қила ўзига кўз тикиб турарди.

Қайта-қайта текширувлар, сўраб-суриштиришлар, тахминлар ҳам бизни бир қарорга олиб келолмади. Биз врачлар аёлга, унинг келажагига кафолат беришни жуда-жуда истар эдик. Мутахассислик азоби бизни ҳам кемираётган эди.

Бемор палатада ётар, биз у ҳақда ўйлардик. Буни қарангки сабаб тўртинчи кун деганда тўйқусдан ўзидан белги бериб қолди. Шу куни аёлга ўрнидан туришга ва юришга рухсат берган эдик. У ётган хонага кирган врач ҳайрон бўлади. Нимага дейсизми? Ахир хонада тамаки ҳиди анқирди-да!

— Наҳотки сиз чекасиз? — ҳайрат билан тикилади врач беморга.

— Ўзимни ортиқ тута олмадим, хонадамас, ташқарида чекдим.

— Нега сўраганимизда бу ҳақда лом-мим демадингиз? Нега яширдингиз?

— Буни нима алоқаси бор. Қолаверса чекиш менинг шахсий ишим.

— Ҳомиладор пайтингизда ҳам чекканмидингиз? — баттар ҳайратга тушади врач.

— 16 ёшимдан бери чекаман. Мактабда ўқиб юрганимдаёқ бошлаб юборган эдим. Аввал шунчаки шўхликка, кейинчалик ўрганиб қолдим. Бизнинг тўдада чекиш улғайиш ва мустақиллик белгиси эди. Модага ҳам айланган эди. Хатолигини тушинганимизда кеч бўлган эди.

— Нечтагача чеккан пайтларингиз бўлган?

— Ўнтадан қирқ донагача чеккан кунларим ҳам бўлган. Кайфиятга ҳам боғлиқ албатта. Нима, болаларнинг нобуд бўлишини чекишдан кўряпсизми?

— Албаттада!

— Унда биринчи болам соғлом туғилдику. Чекишдан бўлмаса керак.

Тўғри, биринчи фарзанд соғлом эди. Сабаби аёл биринчи боласига ҳомиладор бўлганда чекиш стажи уч йилга етмаган, эрмакка чекар, ҳақиқий кашандага айланмаган, никотин заҳари танага ёйилиб улгурмаган эди. Оилада ҳар хил воқеалар бўлади, бунинг устига болани катта қилишнинг ўзи бўлмайди. Сиқилган юракни «ёзиш» мақсадида аёл сигаретадан аламини олаверган. Никотин билан тана тўла заҳарланган. Мана аёлнинг танасига беркиниб олган ва унинг болаларини нобуд қилаётган ёвуз дард нима экан!

Никотин сўлак безлари ва ўпка яллиғларида тез парчаланиб қонга сўрилиш хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам актив биологик моддалар қаторига киради. У энг аввало марказий нерв системасига таъсир қилади ва қўзғатади. Кейин нервни аста-секин ўлдириб боради. Юрак қонтомирлари фаолиятини ҳам издан чиқаради. Чекувчи эрта кунда хафақон касалига чалинади. Биз аёлнинг шундай касали борлигини юқорида айтган эдик.

Нерв, юрак уришининг бузилиши, қоннинг заҳарланиши шу муҳитда ривожланаётган болага таъсир қилмайди деб бўладими? Ахир Она ва ҳали дунёга келмаган гўдак яхлит бир организмку. Она нимаики қабул қилса ўша нарса боланинг ҳам қонида айланади ва ўз асоратини қолдирадику. Шунинг учун ҳам чекувчи аёлларнинг болалари кўпинча юрак, ўпка яллиғланиши, жигар, буйрак касалликлари билан туғиладилар.

Танани фақат никотингина заҳарламайди. Унинг ёнига сигарет тутуни — ис гази ҳам қўшилади. Ис гази қон гемоглобинига қўшилиб химиявий реакцияга киришади ва карбоксигемоглобин ҳосил қилади. Бу модда тананинг кислородга бўлган эҳтиёжига ғов бўлади. Натижада болага энг зарур бўлган кислород ҳам етишмай қолади. Бола ҳамма томонлама ривожланишдан орқада қолаверади.

Шуниси ажабланарлики, аёлларимиз она бўлишни орзу қилганлари ҳолда ўз болаларини ҳали дунёга келмаслариданоқ никотин билан заҳарлайдилар ва унинг тутуни билан бўғиб ўлдирадилар. Муддатидан олдин ногирон бўлиб туғилишига сабаб бўладилар.

Айтайлик, бундай болалар яшай бошлади ҳам. Медицинамиз ҳозир кўп нарсага қодир. Она болани қандай сут билан эмизади. Албатта никотинга тўйинган сут билан. Одатда бола бундай сутни эмгиси келмайди. Азобланиб йиғлайди. Бундай оналарнинг сути кам бўлади. Чунки никотин сут ишлаб чиқарадиган безларни ўлдиради.

Бундай болаларни боғча, мактаб ёшида кўп кузатганмиз. Мактаб ёшигача уларнинг умри деярли касалхоналарда ўтади. Бола ҳам, она ҳам азобланади. Мактабга боргач эса фанларни соғлом болаларга нисбатан паст ўзлаштиради. Ақлан орқада қола бошлайди, эсини таниб қолган бола учун энди руҳий эзилишлар бошланади.

Биз ўз беморимизга ана шулар ҳақида гапирдик. Илмий асосланган китобчаларни қўлига тутқаздик. Бир гал мен унинг боласи устида юм-юм йиғлаб турганини кўрдим. Мунчоқдек нурсиз кўзларини тикиб ингранаётган гўдаги қаршисида гуноҳкорлигини бўйнига олиб турарди.

Ҳа, бола заифгина, омонатгина инграрди. Аммо биз учун унинг овози ҳар қандай овозлардан ҳам баландроқ, қаҳрлироқ, хитоблироқ эди. Гўё у онасига ўхшаш оналарга қараб: «Бизни ногирон қилиб, азоб ва уқубатларга юзмаюз қиладиган ҳар қандай шахсий ишлар, шахсий иш эмас! Биз қандай туғилмайлик пешонамизда келажак деган умидли ёзиғимиз бўлади. Буни биласизми, ҳис қиласизми», дея жар солаётгандек эди.

Б. РУБИН,
медицина фанлари кандидати.

Экспертдаги бронза

Нью-Йоркдаги машҳур «Метрополитен» музейи қадимги грек ҳайкалтарошлигига оид бронзадан ишланган тойчоқ қўймасини узоқ йиллар ўз кўргазмалари сифатида намойиш қилиб келди. Аммо бир куни бу тойчоқ кўргазма залидан олиб қўйилди: музей раҳбарларидан бири уни қадимийлигидан ҳам, грекларга тегишлилигидан ҳам гумонсираб қолибди. Унинг фикрича, бу ҳайкалчанинг қадимийлиги қалбаки бўлиб, унинг ясалганига 50 йилдан ошмаган эмиш.

Кўпгина санъатшунослар бундай даъвога қўшилишмади. Қизғин баҳсни ҳал қилиш учун фан ва техниканинг сўнгги ютуқларидан иборат холис ҳакам чақиришга мажбур бўлишди. Тойчоқ Вашингтон университетининг космик физикаси лабораториясига текширишга юборилди. Металл диагностикасининг замонавий усуллари ёрдамида ўз «мижозини» текшириб кўрган олимлар унинг шуҳратини тўлалигича тиклашди. Бронза ҳайкалчанинг ёши икки минг йилдан тўрт минг йил оралиғида эканлиги аниқланди. Тойчоқ музейдаги аввалги ўрнини қайта эгаллади.

Пўлат қандай тобланди

Олимлар ҳисобича металларни ўтга тоблаб чиниқтириш темир билан ишловчи усталарга тахминан эрамиздан аввалги XV асрдан буён маълум экан. Қадимги металлургглар қизиқарли қонуниятни аниқлашган: агар углеродлаштирилган темир меъёрида қизаргунча қиздирилгач, тезда бирор суюқликка, масалан, сувгами ёки ёғгами ботирилса унинг мустаҳкамлиги анчайин ошаркан.

Қадимги грек шоири Гомер ўзининг «Одиссея» асарида бу ҳақда шундай ёзган эди: «Темирчи ўтга тоблаган болта ёки ойболта совуқ сувга ботирилса вишиллаганча овоз чиқариб сувга бириккан бу темир сувда ҳам, ўтда ҳам тоблангани учун ўта мустаҳкам бўлади».

Хўш, бунда металлда қандай ўзгариш юз беради? Нима учун у ўта мустаҳкам бўлиб қолади? Бу саволга қадимги усталар тўғри жавоб бериша олмаганлар, аммо бу тўғрида тахмин ва гумонлар кўп бўлган. Жумладан, Балгалдаги (Кичик Осиё) ибодатхоналарнинг бирида топилган солномада ханжарни тоблаш ҳақидаги тавсия бу фикрга гувоҳлик беради: «Ханжарни шундай қиздириш керакки, то у саҳрода қизариб чиқаётган қуёш рангини олсин, кейин уни шафақдек қизаргунча совутилиб, мускуллари бўртиб турган қул баданига санчиб олинсин. Шунда қул кучи ханжарга ўтиб металлга мустаҳкамлик бағишлайди».

Тобланишнинг бошқача «технологияси»ни эрамиздан аввалги II асрда машҳур пўлатдан ханжарлар тайёрлашган дамашқлик қуролсозлар қўллаб келишган. Ёзувларда айтилишича, улар ўз ханжарларини қаттиқ шамол эсиб турган дараларда ясашаркан. Улар шамол кучи қуролга ўтади деб ҳисоблашган.

Ўтмишдошлар компасими

Археология бизга узоқ ўтмишдошларимиз ҳаёти билан боғланган жуда кўп жумбоқларни ечишда ёрдам беради, аммо шу билан бирга у олимлар олдига улар жавоб беришлари керак бўлган янги муаммоларни ҳам қўяди.

СИЗ БИЛГАН — БИЛМАГАН ДУНЁ...

Мексиканинг Веракрус, Табаско, Герреро штатлари территориясида эрамиздан аввалги мингинчи йилларда бу ерларда яшаган номаълум индеец халқига мансуб қадимги Ольмек маданияти (маданият номи шартли бўлиб, ольмеклар номи билан кичик қабилалар бу ерларда кейинчалик XI—XIV асрларда яшашган) қолдиқлари сақланиб қолган. Яқинда Веракрус штатидаги археологик қазишмалар чоғида магнит хоссасига эга бўлган материал — магнитдан ишланган парча (магнитли темир рудаси) топилди.

Ёши уч минг йил деб аниқланган бу магнит парчани археологлар қандайдир асбобнинг бирор қисмидир дейишди. У ўз тузилиши билан компас стрелкасини эслатар эди. Агар қадимги қурувчилар бу ерлардаги ўз уйлари ва саройларини қуёшга қаратиб қуришганини ҳисобга олсак, булар бизга ўша пайтларда ҳам компас принципи маълум экан, деб фикр юритишимизга асос бўла олади.

Адҳам ДАМИНОВ

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИККИ АЁЛ-ИККИ ҚОРА БАХТ

(суд очерки)

«Бефарқлик қалб фалажидир. Дўстлар, ўз атрофингиздаги воқеаларга бефарқ, лоқайд қараманг...»

А. Сухомлинский.

Аёл ҳақида суд очерки ёзиш... Йўқ, бунга дарровда қўлимиз бормади. Минг хил хаёлларга бордик, бир-биридан ўжар қораламаларни ўзимиздан нари сурмоқчи бўлдик. Ахир аёл зоти мунислик, беғуборлик, ҳа, ҳа!

У — гўзаллик...

У — келажак...

У — ширин азоблар бахш этувчи ёр...

Аммо, надоматлар бўлсинким...

Мана, қўлимизда суддан олинган иш папкалари. Улар аёл ҳақида. Биласизми, судда биров мадҳ этилмайди, унинг ўз сўзлашув тили бор: «жиноят», «модда», «ҳукм»...

...Фарғона шаҳрида Умида Жалолова деган аёл маст ҳолатда жамоат жойида тўполон кўтарди, шарм-ҳаёни унутди. Ким бўлди у? Шахси ўрганилди: оғзи тўла тилла тиш, бармоқлар қўша-қўша узуклардан, қулоқлар зил-замбил олтину бриллиант сирғалардан узилиб тушай дейди. Ҳамёни тўла жарақ-жарақ пул, уйи бамисоли хазина... Маоши атиги 70—80 сўм бўлган фаррош аёлга бунча бойлик қаердан оқиб келган?

Эри билан ажралишганда айтарли дабдабали нарсалар айирбош қилинмаган, олти ёшли қизи-ю, икки хонали уйгагина эга бўлган эди.

Орадан саккиз йил ўтди. Бу йиллар унинг ҳаёт йўлида ғалати излар қолдирди. Уйи тўрт хонали бўлди. Болахонаси ҳам бор. Ҳаммом. Хоналар қиймат-баҳо чет эл мебеллари билан безанди. Кийим-кечаклари кўплигидан жавонлар ёрилай дейди.

Хазина топганми бу аёл, деб ўйларсиз.

Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди, деган экан биттаси. Терговда Умиданинг суюғоёқлигидан ташқари ўн тўрт яшар қизини мўмай пул эвазига харидорларга «қўшиб» бераётганлиги аниқланди. Қаранг-а, якка-ю ягона қизини бойлик йўлида қурбон қипти-я. Қанчалар тубанлашиш! Суд уни оналик ҳуқуқидан маҳрум қилди. Кейин эса... қизининг номусига зўрлаб текканликда иштирокчи ва қўшмачи сифатида узоқ муддатга жиноий жавобгарликка тортди.

Қилмиш қидирмиш... Адолатли ҳукм... Нима дедингиз?

Унинг «иши» билан танишар эканмиз, беихтиёр хаёлга толасиз: у ўз хатти-ҳаракатлари билан жиноий иш содир этаётганлигини, ўз келажагини, қизининг бахтини оёқ ости қилаётганлигини билмасмиди? Биларди! Аммо нафсини тия олмади. Айшу ишрат деб ҳаром-ҳаришга муккасидан кетди.

Наҳотки унинг бу кўчага кириб кетаётганлигини қариндош-уруғлари, қўни-қўшнилари сезишмаган бўлса?

Сезишган...

Билиб билмасликка, кўриб кўрмасликка олиб, «шармандага шарм йўқ» деб юраверишди. Бир кўчадан юришдан, бир маҳаллада яшашдан ор қилишмади.

Хўш, бунақа аёллар қаердан пайдо бўлиб қолишяпти? Уларнинг қони қачон бузилиб, миялари қачон заҳарланяпти?

...Карима оқшом тушишини сабрсизлик билан кутар, бетоқат бўлиб соатига тез-тез кўз ташларди. Соат миллари эса жуда имиллаб юраётгандек туюлади унга.

«Эҳ, тезроқ кеч бўла қолсайди!» ўйлади у ичи қизиб.

Қаерга ошиқаяпти бу қиз? Тўйгами? Е дугонасиникига бормоқчими?

Йўғ!.. У ўғирликка бормоқчи, ўғирликка!..

Шу пайт Карима ичида кимдир «бу ниятингдан қайт, Карима, охири ёмон бўлади, ахир бир марта... Эсингдан чиқдими?», дегандай бўлди. Карима лабини тишлаб, бир дақиқа ўйга чўмди. Бу номаълум овоз унинг ёдига нохуш хотираларни солди. Кўпчилик ўртасида мулзам бўлиб «энди мен бундай номақулчиликни қилмайман» деб ваъда берганини эслади.

Карима иккиланди, бир қарорга келолмай боши қотди, шунда беихтиёр кафтида ўйнаётган жарақ-жарақ пулларни тасаввур қилди-ю, қора кўзлари чақнади.

«Бораман». У шаҳд билан йўлга тушди...

Тун... Кўча ва уйларда чироқлар ёнди. Аммо маҳалладаги уйларнинг бирида чироқ ёқилмагани, уй эгаларининг тўйда эканлиги Каримани эътиборидан четда қолмади. Режасини амалга ошириш учун қулай пайт келганлигини пайқаб кўнгли ёришди. Юрагида ғалати, ёввойи қувонч бош кўтарди...

Келинг, энди Карима билан яқиндан танишайлик. У эндигина ўн етти ёшга кирди. Ота-онаси, акалари, сингиллари бор... «Ундай бўлса нима учун у бу нопок йўлга қадам қўйди? Унинг бу иш жиноят эканлигига ақли етмайдими? Ёшлик қиляптими? Жиноятнинг боши берк кўчасига кириб қолаётганлигини тушунмаяптими?» дейсиз беихтиёр.

Каримани хатти-ҳаракатлари боисини тушуниб олиш учун унинг кечаги кунларига қайтмасдан иложимиз йўқ.

Карима бундан уч йил бурун — 14 ноябрь куни ўз-ўзидан уйдан кетиб қолди. Уйда ҳеч ким билан урушган эмасди. Кетганини уйдагилар ҳам билмай қолишди. Гулнора деган ўртоғиникига борди. 21 ноябргача ўша ерда турди, шу куни ойиси уни Чорсудан ушлаб олиб кетди.

Эндигина ўн тўртга кирган қизнинг уйидан бош олиб чиқиб кетиши таажжубга солади кишини. Модомики шундай воқеа юз берган экан, демак бу хонадонда қиз учун оғир вазият вужудга келгандир. Афсуски, йўқ. Лекин шуни айтиш керакки, бу пайтга келиб Каримани юриш-туришида ножўя ҳаракатлар сезила бошланган эди. Буни Каримани онаси тушунтириш хатида қуйидагича изоҳлайди:

«Мен мактабдан сабзавот йиғим-теримида қатнашиш учун ёрдамга кетувдим. Ўша куни қизим ўқишдан кечикиб келибди. Дадаси: «Нега кечикиб келдинг?» — деб сўраса, у «Қизлар билан кинога бордим», дебди. Дадаси «Огоҳлантириб кетмайсанми?» деб қойиган эканлар, эртасига мактабга кетдим деб, кетганича қайтиб келмабди».

Юз берган воқеада ким айбдор?

Ота-она қизининг тарбияси билан астойдил шуғулланишганида, унинг ўқиши билан, қай тарзда дам олиши билан қизиққанларида қиздаги ножўя хатти-ҳаракатларнинг олди олинармиди? Ахир айни мана шу ўн уч-ўн тўрт ёшли ўсмирларда турли майллар, қизиқишлар пайдо бўлиши, айни мана шу палла ўсмир ҳаётида муҳим босқич эканлиги ҳеч кимга сир эмаску! Афсуски, ота-она «Қизим мактабга боряптими — боряпти», деб хотиржам юраверишган. Унинг ўқиши ўлда-жўлдалиги билан уларнинг ишлари бўлмаган.

Хўп, ота-она-ку лоқайдлик қилиб қизининг тақдирига бепарво қарашибди, дейлик. Аммо Карима ўқийдиган мактабдаги кўпни кўрган, тажрибали ўқитувчилар нима учун унинг тарбияси устида астойдил қайғуришмади? Онанинг тушунтириш хатида «Мактабга келиб айтдим, менга ҳеч ким ёрдам бермади» деган сатрлар бор. Бу сатрлар кишини ўйлантириб қўяди. Беихтиёр равишда савол туғилади: «нега ёрдам беришмади? Нима учун? Аслини олганда, ёрдам бермади деган гап ҳақиқатга унча тўғри келмайди. Ўқитувчилар, мактаб коллективи ҳам Каримани ўқишини яхшилаш, юриш-туришини йўлга солиш учун кўп уринди. Бироқ улар барча имкониятларни ишга солдилар деб айтиш қийин. Чунки уларнинг бу борадаги ишлари ота-оналар билан суҳбат ўтказиш, синф мажлисида қизнинг хулқини муҳокама қилиш ва шу каби юзаки тадбирлар билан чекланиб қолди. Мана, синф раҳбарининг тушунтириш хати... «Карима мунтазам равишда дарс қолдириб ёки дарсга бир-икки соатлаб кечикиб келадиган одат чиқарган эди. Мактаб маъмурияти ва ўқитувчилар, шахсан менинг ўзим томонимдан, пионер ташкилоти вожатийси томонидан назорат ўрнатиш натижасида дарс қолдириш январь ойида камайди. Лекин, рухсатсиз кетиб қолишлар, мактаб атрофида, Бешқайрағочда — трамвай буриладиган жойда, Кўкча кинотеатри ёнида, Эски шаҳар атрофида, Фарҳод бозори ёнида тасодифий пайдо бўлиш одатлари йўқ бўлмади. Унинг юқоридаги камчиликларини синфда, болалар ўртасида ишлаб чиқдик. Онаси билан ҳар куни бўлмаса-да, кунора шу ҳақда суҳбат ўтказдим. Менинг дарсларим бор кунлари дарсга тўлиқ қатнашади, бошқа пайтларда дарс қолдиришни бошлайди».

...назорат ўрнатдик...

...суҳбат ўтказдик...

...муҳокама қилдик...

...ишлаб чиқдик...

Каримани тўғри йўлга солиш, тарбиялашда қўлланилган услублар мана шулардан иборат. Бу услубларнинг эса сийқаси чиқиб кетганига анча бўлган, бироқ у ҳамон айрим маориф ходимларининг қўлида энг ишончли тарбия қуроли бўлиб келмоқда. Шунинг учун бу тадбирлардан Карима ҳеч бир наф кўрмаганлигига ажабланмаса ҳам бўлади.

Энди мактаб раҳбарларининг Каримага берган характеристикалари билан танишинг:

«Карима Набиева мактабда ўқиб юрган пайтда қобилиятли, намунали ўқувчи сифатида ўзини кўрсатди. Саккиз йил давомида фақат «аъло» ва «яхши» баҳолар олиб ўқиди. У фаол жамоатчи, меҳнатсевар, макулатура ва металлом тўплашда фаол иштирок этган виждонли ва принципли комсомол. Топширилган барча ишларни виждонан бажаради. Меҳрибон ва намунали ўртоқ, ибратли ўқувчи. Синфдошлари ва мактаб ўқитувчилари орасида ҳурмат қозонган».

Сиз бу характеристикани ўқиб шундай яхши қизни ёмон отлиқ қиляпти булар, деб бизга таъна қилишингиз турган гап.

Бу характеристика шунчаки кўзбўямачилик учун, Каримани ҳунар-техника билим юртига жойлаштириш ниятида ва мактаб ўқитувчилари шаънига доғ туширган қиздан осонгина қутилиш ниятида ёзилган эди. Бироқ, ички ишлар бўлими ходимлари Каримага ҳақиқий характеристика беришларини талаб қилишгандан кейин мактаб маъмурияти анча сергакланиб қолди ва янги характеристика дунёга келди: **«Карима ўқиш давомида ўзининг хатти-ҳарака-**

www.ziyouz.com kutubxonasi

ти билан ўқувчилар орасида обрўйини йўқотиб қўйган, саёқ юрувчи қизларга қўшилиб кинома-кино юрувчи бўлиб қолган...»

Ана энди икки характеристикани бир-бирига солиштириб хулосани ўзингиз чиқариб олаверинг.

Каримага келсак, бу навниҳол қиз катта хатога йўл қўйди. У ўзида уйғонган енгил ҳаваслларга, майлларга қул бўлиб қолмаслиги, қайтанга уларни жиловлаб, ўзининг маънавий бойлигини ошириши керак эди. Аммо, у ўзини жиловлай олмади. У бир марта эмас, икки-уч марта уйдан кетиб қолди. Суюғоёқ аёлларни ўзига раҳнамо деб билди. Бунинг оқибати унинг ўзи учун ҳам, ота-онаси учун ҳам, мактаб учун ҳам ёмон бўлди. У ўн олти ёшида ўғрилик қилди, судланди, қабоҳат ботқоғига ботди...

Энг ёмони, у шу ботқоқдан чиқиб кетишга уриниб ҳам кўрмади.

Воқеага равшанлик киритиш учун ўшанда еттинчи синфда ўқиётган қиз бола устидан чиқарилган суд ҳукмидан бир парча келтирамиз: судланувчи К. судда ўз айбига тўла иқрор бўлди. У 1986 йил, 30 августда эрталаб қўшниси уйда йўқлигидан, кўча эшиги очиқлигидан фойдаланиб уникига кирган, кийим жавонини титкилаб рўмолча ичидан 300 сўм пулни ўғрилаб олганлигини, ҳозир содир этган жиноятининг моҳиятини тушунганлигини ва пушаймон эканлигини айтиб ишга киришга аҳд қилганлигини билдирди.

Суд К.ни Ўзбекистон жиноят кодекси 125-моддасининг учинчи қисми билан айбли деб топди ва икки йил озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди. Лекин унинг ёшлигини, қиз болалигини ҳисобга олди. ЎзССР Жиноят кодексининг 44-моддаси биринчи қисмини қўллаб ҳукмни кечиктирди. Уни оиладан ажратмай қайта тарбиялаш мумкин деб ҳисоблади. Унинг устидан назорат олиб бориш отасига юклатилди.

Суд бўлиб ўтганига сал кам бир ярим йил бўлди. Бироқ Карима судга берган ваъдасини жуда тез унутди. Карима бирон касбнинг бошини тутмади, завод ёки фабрикада ишламади. Кейинрок у паспорти йўқлиги сабабли ишга кира олмаганлигини, ички ишлар бўлими ишга жойлашишга ёрдам бермаганлигини баҳона қилади. Аммо бунга ишониш қийин. Судда у қилмишидан пушаймонлигини билдирганди. Шундай экан, бировнинг уйини ўмариш мақсадида кечқурун яна кўчага чиққанлигини қандай изоҳлаш мумкин? Демак, унинг «Пушаймон бўляпман» деганлиги сувдан қуруқ чиқиш учун айтилган гап эканда.

Биринчи суд унинг учун сабоқ бўлмади. Отасининг гапларини назарига илмади. «Қизим ҳеч кимнинг гапига кирмади, кўпинча ҳафталаб уйдан кетиб қолди, қидиришларимиз беҳуда кетган дамлар кўп бўлди».

Отанинг гапларига ҳам эътирозимиз бор. Модомики, у қизининг юриш-туришини назорат қилиб боришнинг уддасидан чиқолмаган экан, нега бу ҳақда милиция ходимларига, участка инспекторига айтмади, ёрдам сўрамади.

Ахир бу лоқайдлик эмасми?

Жар ёқасига келиб қолган қизнинг тақдирига бефарқлик эмасми?

Кариманинг ўзи-чи? Нима учун бир марта қоқилган қиз сандироқлаб юришни бас қилмади?

Нима учун қилмишидан жиддий хулосалар чиқариб олмади? Яна енгил, ҳавойи ҳаёт кечиришга ружу қўйди. Бу ҳам яна ўша ўз тақдирига лоқайдлик ва бефарқликка олиб келди...

Мана, у яна тун қўйнида ўғрилик қилиш учун кетяпти, хаёлида фақат бир ташвиш — қандай қилиб бўлса ҳам пул топиш, ўзига ўхшаган суюғоёқ йигит-қизлар билан кайфу сафо қилиш...

Шу ўйлар билан кетаётган Карима қаршисида кутилмаганда дугонаси Унсинни кўриб бир дақиқа гангиб қолди. У дугонасини кўрганида суюнганидан эмас, балки ўйлаган режаси пучга чиқишидан қўрқиб, гангиб қолган эди. Нега десангиз, у айни шу Унсунларникига ўғирликка кетаётган эди-да.

— Салом дугонажон, йўл бўлсин? — сўради тилёғламалик билан Карима.

— Тўйга кетяпман, тоғамларникига,— деди қувониб Унсуной.— Сен-чи?

«Тўйга, ҳайрият!» Карима енгил тин олди, сўнг:

— Мен ҳалиги... Эски шаҳарга... бормоқчийдим...

Дугоналар ажралишди. Унсуной тўйга, Карима эса Унсунойларникига йўл олди.

Унсинойлар тўйдан қайтишганда уйлари ағдар-тўнтар бўлиб ётарди... Излар Каримага келиб тақалди, у ўғрилаган нарсаларини пуллашга улгура олмай қўлга тушди.

Хўш, у нималарни ўмарган эди? «1987 йил, 29 ноябрда Унсунларнинг уйида ҳеч ким бўлмаслигини билиб ўғриликка тушиш мақсадида Унсунларникига бордим. Эшиги ёпиқ, ичкарида ҳеч ким йўқ экан, кейин мен уй ойнасини тортиб кўрсам — очиқ. Ичкарига кириб сандиғини кавладим. Сандиғидан ҳеч нарса олганим йўқ. Фақат учта калготка, иккита туфли, битта плётка олганман, бошқа ҳеч нарса олганим йўқ».

Тергов пайтидаги савол-жавоблар Кариманинг ҳақиқий башарасини очиб ташлади.

Савол: — Нима мақсадда Унсинойларникига ўғриликка тушдингиз?

Жавоб: — Унинг нарсаларини ўғирлашдан мақсад Унсун кўпинча мендан қарзга пул олиб юрар эди. У мендан эллик сўмча қарз эди. Мен шу пулларни ўғрилик қилиш йўли билан ундириб олмоқчи эдим.

Савол: — Унсиннинг уйига кимлар билан ўғриликка тушдингиз?

Жавоб: — Ўзим... Олганим ҳам фақат аёлларнинг нарсаси.

Савол: — Унсиннинг уйидан яна нималар олдингиз?

Жавоб: — Ҳеч нарса олмадим.

Савол: — Сиз бундан икки ҳафта олдин Унсинларникидан олган пулларни нималарга ишлатдингиз?

Жавоб: — Мен шу пулларни қайтиб бераман, лекин олмаганман. Мени кечиринглар, илтимос, ҳамма айбимни бўйнимга оламан, ёшлик қилиб адашдим, жиноят қилиб қўйганимдан қаттиқ пушаймонман.

Биринчи марта қамалаётганда судда айтган ваъдаларининг иккинчи нусхаси!.. Бу сўзларга энди ҳам ишониб бўлармикин? Асло!

Суд уни ЎзССР жиноят кодексининг 125-моддасининг 3-қисми билан айбдор деб топди. Биринчи суд ҳукмидан қисман қўшиб икки йилу олти ой озодликдан маҳрум қилди. Эҳтимол Карима ҳам, Умида ҳам қамоқдан ўз хатосини англаб, қилмишларидан астойдил пушаймон бўлиб қайтар.

Биз бу икки аёл тақдири ҳақида бежиз тўхталганимиз йўқ. Кейинги пайтларда жиноят содир этган кишилар орасида аёллар, ёш қизлар учраб турибди. Умида ва Карима тақдири «шундай» йўл бўсағасида турганларга сабоқ бўлар деган ниятда бу воқеани қаламга олдик. Қолаверса, бундан ота-оналар ҳам, ўқитувчи мураббийлар ҳам хулоса чиқаради деб умид қиламиз.

Аёл ҳақида суд очерки ёзиш биз учун осон эмас, тилагимиз аёлни ҳамиша кўкларга кўтариб мақташ. У шунга муносиб, зеро...

У — Гўзаллик... У — Келажак... У — ширин азоблар бахш этувчи ёр...

Аммо...

Файзулла ҚИЛИЧЕВ,
республика прокурорининг ёрдамчиси,
катта адлия маслаҳатчиси.
Шоҳруҳ АКБАРОВ,

КИМ НИМАГА ҚИЗИҚАДИ?

МАРКАЛАР ЙИҒИШГА ҚИЗИҚАСИЗМИ?

Баъзан катта ёшдаги кишиларнинг ҳам арзимасдек туюлган бир нималар билан шуғулланиб юрганини пайқаб қоласиз. Масалан, турли ўт-ўланларнинг гул япроқларини, ялтироқ қўнғизчалар, игначилар, тангалар, маркалар ва хоказо. Аслида катталардаги бу ишқивозликнинг ибтидоси болаликдан ўтган бўлади.

Менинг ўзим ҳам ёшим бир жойга бориб қолганига қарамай марка йиғаман ва бу ишимдан катта маънавий қониқиш туяман. Марка йиғишни филателия, йиғувчини эса филателист деб атаймиз. Ҳа, бизнинг ҳам ўз жамиятимиз бор. Вақти-вақти билан кўргазмалар ўтказилади, кимнинг тўплаган маркалари салмоқлироқ, қизиқарлироқ, бойроқ — ўзига хос конкурслари бўлади. Ана, секин-аста бу машғулотни сиз журналхонларга ҳам юқтирмоқчиман. Бунинг учун филателия тарихига бир назар ташлаш керак.

Марка йиғишнинг ҳам тарихи борми, дерсиз. Бўлганда қандоқ. Дастлабки почта маркаси 1840 йили Англияда чиқарилади. Кейинчалик бошқа давлатларга ҳам урф бўла бошлайди. Хусусан Россияда 1858 йили пайдо бўлади. Аммо маркалар бир хил кўринишда бўлиб, подшо сурати ва гербдан иборат эди.

Инқилобдан кейин эса биринчи марка Октябрь революциясининг бир йиллигига бағишлаб 25 октябрь 1918 йили чоп этилади. Унда ишчи синфи вакилининг шамшир билан қуллик ва эксплуатация занжирларини парчинлаётгани акс этганди.

Турли-туман маркаларнинг чиқиши у билан қизиқувчиларни, тўпловчиларни пайдо қилди. Уларни 1864 йилдан бошлаб филотелистлар деб атай бошлашди. Бу грекча сўз бўлиб — почта тўлов белгиларини севувчилар деган маънони англатади. Шундай қилиб бу ном халқаро номга айланиб қолди. Шундай қилиб филотелия — почта тўловлари белгилари: маркалар, почта конвертлари, оддий ва календарь ҳамда юбилей открткаларини йиғиш ва уларни ўрганишдан иборат экан. Бундан чиқадики, марка бу мактубни бир жойдан иккинчи жойга элтишга кетадиган сарф ва харажатлар баҳоси экан.

Шунақа оддий нарса экан, нима учун филателистлар ҳаракати бутун жаҳон бўйлаб таралган, унинг нуфузи баланд, дерсиз?

Болгар халқининг доҳийси Георгий Димитров почта маркаларига баҳо бериб «Давлатларнинг чиқарув ёрлиғи» деб атаган эди. Дарҳақиқат, мактублар Ер юзи бўйлаб кезар экан, у ёки бу давлатнинг маданияти, тарихи, таниқли, қаҳрамон кишилари, бирон-бир қутлуғ куни акс этган манзаралар билан кишиларни таништиради. Маркаларга бор санъатини тўккан мўйқалам усталаридан дарак беради.

Масалан, мамлакатимизда чоп этилган «Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари» сериясида, Третьяков галереяси сериясида чиққан маркаларни тўплаб қаҳрамонлар ва рассомлар асари бўйича мўъжазгина комусча тузиш мумкин. Ҳа, маркалар орқали ўтирган жойингизда она саёрамиз бўйлаб сайрга чиқишингиз мумкин. Бу албатта сизнинг фаоллик билан турли темалардаги маркалар йиғишингизда боғлиқ бўлади. Бунга қизиқишдан ташқари сабр-тоқат, қунт, изланиш ҳам керак бўлади. Шундагина сизнинг маркалар коллекциянгиз йилдан-йилга бойиб бораверади. Энг муҳими ўзингизнинг маънавий бойиганингиздир.

А. ОКУНОВ

www.ziyouz.com kutubxonasi

«ФАҚАТ ЎЗБЕКЧА КУЙЛАЙМИЗ!»

«Байт» сўзи арабча бўлиб, «уй» деган маънони англатади. Уй — устуни, томи, эшикроми билан яхлит. Адабиётимиздаги байт, яъни икки мисрадан иборат шеър ҳам шундай бус-бутун, тугалдир. Шаклу шамойили, маъно-моҳияти билан мустақил.

Бирпасда республикамиздан нарида довруғ қозонган «Байт» ансамбли йигитлари ҳам эҳтимол ана шундай тугаллик, мустақилликни орзу қилиб ном танлашгандир? Эҳтимол...

— ***Фақат ўзбекча куйлаймиз, деяпсизлар. Куйлаяпсизлар ҳам.***

Очиғини айтиш керак, Русланжон, дабдурустдан диско-рокнинг ўзига хос туғёнларини англаб-англамай туриб, ўзбекча қўшиқ эшитиш кишига ғалати туюлар экан. Масалан, «Ассалом-алайкум!», «Ассалом-алайкум! Ке-линг, дўстлар!» ёки «Кичкинажон, кичкина, тариқдан ҳам кичкина» каби қўшиқларингизнинг шиддати, оҳангдорлиги ўзича-ю...

— *Куйига эътироз билдирмоқчимисиз?*

— ***Йўқ, шеърига. Репертуардаги қўшиқ текстлари билан танишиб чиқдим. Саёз, қуруқ ифодалар, қайтариқлар...***

— *Буни ўзимиз ҳам биламиз. Биламиз-у, аммо айтамиз. Бундан бошқа ҳозирча чорамиз йўқ. Чунки қўшиқни ўзимиз яратамиз. Биз яратадиган қўшиқлар мен билан бир ҳавода нафас олиб ўсган барча тенгдошларимнинг қўшиқлари ҳамдир. Биз — ансамблимиздаги беш ижрочи, икки ташкилотчи йигитларнинг (яқинроқ таништирай) ўртача ёши йигирмада, интернационал оила фарзандлари: дадаси ўзбек, онаси турк ёки отаси татар, онаси ўзбек... Узбекистонда туғилиб, қайноқ қуёш остида ўсган, сахий тупроқда қад ростлагану аммо, ўзбек тилини мукаммал ўргана олмаган ёшлар. Бу уят! Ҳатто фожиа! Хўш, бизга ўхшаганлар камми?!*

У бир нуқтага узоқ тикилиб қолди. Нигоҳида шуълаланган ифодани уқиб ололмаслик мумкин эмас эди: қайта қуриш, ошкоралик, демократиянинг ҳузурбахш шамоллари туртки бўлган, эндиликда қалб қатида куртак отган орзу-армонлар алангаси эди бу.

— *Тенгдошларим нимага интиляпти ўзи?..*

Яқинда уйландим. Турмуш ўртоғим Зокировлар сулоласининг давомчиси — Наргиза. Биз ҳамфикрмиз. У бир «металлист»ларга, бир брэйкка шайдо бўлди. Мундоқ ўйлаб қарасам — ҳаммаси ўткинчи нарсалар экан. Юрт тарихини билмай ўтиш — жиноят. Маза-бемаза киноларни кўриб, диско-барларга югуриб нима топамиз? Келажагимиз қандай кечади? Пажмурда табиатимиз, «ҳар-хил лаш-лушлар билан булғанаётган» (В. И. Ленин ибораси) тилимиз, ранг-қути ўчиб бораётган тупроғимиз биздан нажот кутмаяптими? Биз қачонгача томошабин бўлиб турамиз ахир! Афсуски, айрим ёшлар лоақал футбол командамиз ёки бирор миллий ансамблимиз фидокор инсонларга зор эканини билмайдилар. Эркин Воҳидов айтганидек, «Бу юртнинг сену мендек шоирлари кўп. Бу юртга энди даҳолар керак!» Ҳеч бўлмаса қардошларимиздан ўрнак олайлик. Мана, челябинскликлар ўз «Ариэль»лари учун, тожикистонлик ёшлар «Гулшан»и, Свердловскда «Наутилус», ленинградликлар «Кино», «Аквариум» каби ансамбллари учун нақадар жон куйдиряптилар. Ансамбль қаерда концерт берса, мухлислар ҳамроҳ бўлишга тайёр. Бизнинг диёримизда эса бундай фидойилик сезилмаяпти. Демак, аввало кўнгилга йўл топадиган, мухлислар ҳимоя қилса арзийдиган ансамбль тузишимиз лозим. Хилма-хил эстрада ансамблларини кўпайтирсак зиён қилмаймиз. Шунда қайси ўринда қандай ансамбль туриши маълум бўлади-қолади.

— *Руслан, Ғарбда реклама биринчи ўринда туради, дейишади. Сиз бунга қандай қарайсиз?*

— *Реклама фақатгина мусиқа, қўшиқ шайдолари учун эмас, балки барча касб эгалари, турли соҳа намояндаларининг истеъдоди, иқтидори, ташвиқоти учун муҳимдир. Ишладингми, бошқаларга ўрнак бўла оласанми — марҳамат, ўзингни кўрсат! Аммо, бизда рекламага унчалик эътибор берилмайди. Реклама деганда биз «Модалар уйи»нинг кийим-кечаклари намойиш қилинишини тушунамиз.*

Мутасадди ўртоқлар билишмайдики, ўзбек томошабинлари халқимиз табиатига зид бўлган «мода»ларга эмас, ўша «мода»ларни кўз-кўзлаётганларга қарайдилар, холос...

Шу кунларда «Байт» ансамбли йигитлари Москва, Польша сафарлари, Канадада ўтадиган Ўзбекистон кунлари фестивали гастролларига тараддуд кўришяпти. Москвадаги «Орлёнок» кооперативи студиясида қўшиқларини магнит ленталарига ёздиришмоқда. Бунинг учун оз эмас, кўп эмас — ўн минг сўм сарфлашди. Нега ана шу маблағ Ўзбекистон кооператорлари чўнтагига тушмади?

Ҳеч бўлмаганда, сарсонгарчилик, оворагарчилик камаярди-ку!

— Бизлар учун «мода» йўқ. Қандай хоҳласак, шундай кийинамиз. Юрагимиз буюрган ишни қиламиз. Дил куйласа, куйлаймиз,— дейди йигитлар.

Улар сўнгги вақтларда модадан қола бошлаган диско-рокни янгитдан, ўзбекча қўшиқлар билан жонлантиришди.

Бир вақтлар Ўзбекистон телевидениеси уларни остонага яқинлаштирмаган эди. Таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик билан, маълум қолипга тушиб ашула айтсалар «яшил чироқ» ёнар экан. Энди эса кетма-кет таклифлар тушяпти. «Ўзбекфильм»да улар ҳақида 20 минутлик фильм яратилди. «Еқасан», «Олов» сингари қўшиқлари оммалашмоқда... Республикамизнинг мактаб ўқувчилари америкалик ўқувчиларга Русланнинг «Ассалому алайкум» қўшиғини ўргатиб қайтишди. Демак, биродарлашган Сиэтллик ёшлар ҳам ўзбекча қўшиқ куйлашяпти.

Умуман олганда, «Байт» раҳбари Руслан Тошбоев (Шарипов)нинг «Қайси қизни севасан?», «Дутор» каби ёшларнинг тилига тушган, муваффақият қозонган қўшиқлари бор. Ҳамюртимиз Азиза Муҳамедовани лауреатлик шоҳсупасига етаклаган «Меҳрибон фаришта» (Добрий Ангел) қўшиғининг автори ҳам Руслан Тошбоевдир.

— *Бир неча марта Тошкентда концерт бердик. Аммо, Москва ва Болтиқбўйи республикаларида қозонган муваффақиятларга эришолмадик. Эҳтимол, сиз айтгандек шеърнинг, қўшиқ текстининг саёзлигидандир бу. Балки, инглиз, француз, рус, чех куйларига ўзбекча матнни сингдира олмагандирмиз. Ростини айтсам, ҳамшаҳарларимиз айрим пайтларда янгиликни қабул қилолмайдилар, аммо ўша қўшиқни, таржима қилинган матн асосида чет мамлакатларда куйлаганимизда мухлисларимиз бизни ҳайрат билан кутиб оляптилар, олқишлаяптилар.*

Камина Русланнинг чап қулоғидаги сирғага, ўримга кириб қолган узун сочларига дастлаб ҳайрон бўлиб қараганимдан хижолат бўлдим. Буни у сезди.

— *Четда куй, кўриниш мутаносиблигига катта аҳамият беришади. Бу гал мухлислар талабига мос кийиндик. Кўриб қўйишсин, ўзбек ҳам улардан қолишмаслигини. Бизнинг ҳам ўз диско-рокимиз борлигини. Ўзбек тили ҳам инглиз ёки бошқа оврупо тилларидан қолишмайди: жозибадор, рубобий сўзларимиз беҳисоб...*

— Руслан, сизлар аввал ўзбекча куйлайсизлар. Сўнг қўшиқ мазмунини томошабинларга таржима қилиб берасизлар. Бу ҳол қийинчилик туғдирмайдими? Бундан кўра, масалан, «Ялла» ансамбли каби ўзбек дўпписи, чойхонаси, хуллас, ўзбек маъвоси ҳақида русча куйлаб қўя қолсангизлар бўлмайдими?

Руслан бошини тебратди: — Йўқ, бўлмайди.

Бир оздан сўнг у Ўзбекистоннинг «Катта дардлари» ҳақида тўлқинланиб сўзлай бошлади. Она тупроқ, Ватан, тилнинг боқийлиги учун курашмоқ Русланнинг тенгдошларига, ўсмир йигит-қизларга боғлиқ, албатта. «Байт» ансамбли уюшгунча йигитлар маълум тажриба, маҳорат тўплагандилар. Масалан, Руслан Тошбоев «Оригинал», «Садо», «Наво» ансамблларида музика раҳбари бўлиб ишлаганди. Мурод Қурмонбоев эса Тошкент маданият институтида ўқиб юрган чоғларидаёқ ўз мухлисларини топганди. Рустам Зоҳидов Литвада, Снечкус шаҳридаги ресторанлардан бирида барабанчи бўлиб ишлаган. Фарҳод Хожиев цирк эстрадасида истеъдодини синаб кўрган. Санжар Каттабеков ҳам махсус билимга, тажрибага эга...

Кооперация оммалашиб бораётган кунлар арафасида, бундан икки йил аввал йигитлар Киров район ижроия комитети билан шартнома тузишди ва давлатдан тўқсон минг сўм пул қарз олишди. Кўп ўтмай, ансамблнинг моддий базаси яратилди. Ўзлари хоҳлаган, орзу қилган музика асбоблари, техник жиҳозлар харид қилинди. Н. Островский номли Тошкент театр ва рассомлик санъати институти ҳамда Тошкент автомобиль йўллари институти клубида машғулотлар ўтказадиган бўлишди. Энди автобус сотиб олишса бўлди. Қарз масаласига келсак, кетма-кет берилган, олқишлар билан муваффақиятли ўтган концертлар, республика ҳамда Марказий телевидение ва радиодаги ижролар, узоқ-яқин шаҳарларга қилинган гастроль сафарлари йигитлар олдидаги бу муаммога ҳам аллақачон чек қўйди. Энди ишлаш, маҳоратни ошириш, янгилик, яхшилик учун хизмат қилиш керак...

«Байт»нинг республикамизга шуҳрат келтириши — мухлисларнинг ҳақли талаби, эътиборига боғлиқ. Сир эмас, сўнгги вақтларда замонавий куй-қўшиқ ижодхонасида ҳам тафаккур ва хаёлотнинг нозик торларидаги таранглик, ижод ва илҳом талабчанлиги сезилмоқда. Ёшлар гоҳ қувноқ, гоҳ қийноқ лаҳзаларни бошларидан кечирмоқда. Нимадир яратилар, кашф этилар экан, маънавий дунёнинг чигиллиги айни дамда мураккаблиги масаласи ҳам ҳал қилина боради. Воқиф бўлаяпмиз: яқинда сажда қилинган меҳроблардан гўё чаён чиқди. Парокандалик рўй берди. Орол қурияпти, қушлар қириляпти... Ёшлар айрим ҳолларда гангиб қолаяптилар...

Биз осмондан тушмаганмиз. Ер фарзанди, она заминда яшаймиз. Эътиқод, умидворлик ҳисси бор, ахир! Ҳамма нарсани қандай бўлса шундайлигича кўриш, ифодалаш, айни чоқда уларни куй, қўшиқ орқали қизғин ҳаётга сафарбар этиш — «Байт»нинг асосий мақсади. Айрим концертларда йигит-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларга «сиз миллатчи эмасмисиз? Нега фақат ўзбек тилида куйлайсиз?» — деган саволлар тушиб қолади. Йигитларнинг жавоби шундай экан: — Ўлаётган эстрада тилимизни сақламоқчимиз. Она тилимиз жозибасини эстрадада жонлантирмоқчимиз. Қардош тилларга ҳурматимиз беҳад. Шунингдек, биз ҳам ўз она тилимизда куйлашни истаймиз. Чунки ўзимиз ўзбек тилига ташнамиз.

— ***Халқ қўшиқлари хусусида қандай фикрдасиз?***

— *Халқ қўшиқларини севамиз. Дилга яқин қўшиқларнинг умри боқий бўлади. Боқийдирки, халқчиллик кашф этади. Айниқса Шерали Жўраевнинг ҳар бир қўшиғи бизни сеҳрлаб олади. Шерали ака билан бир неча марта гастрол сафарларида бўлдик. Хоҳ «Тановар»ни, хоҳ «Муножот»ни куйласинлар, қардошларимиз ўринларидан туриб, қарсак билан кутиб олишарди уларни. Демак, қўшиқ дилдан айтилса, дилларга кўчади экан! Келажакда халқ қўшиқлари билан репертуаримизни бойитиш ниятидамиз. Очиғи, биз маълум мавзуни танлаб, бир йўналишда куйламоқчи эмасмиз. Ҳаёт чексиз. Тақдирлар қизиқ... Замондошларимиз, бугунги ёшлар севишяпти, турмуш қураяпти, ажралишаяпти... Ишлаяпти, ижод қилаяпти, курашяпти... Гоҳ ғалаба, гоҳо мағлубият, деганларидек... Шундай экан, ёшлар учун, уларнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлиш учун янги қўшиқлар яратяпмиз. Изланяпмиз, ахтаряпмиз...*

Истаклари рўёбга чиқсин! Ёшларнинг кимлигини: иштиёқлари, интилишлари, кечинмалари билан кўз-кўзламоқчи бўлишибдими, бу йўлда уларга омад тилаймиз.

Қолаверса, инсонга қилаётган ишига қараб баҳо берадилар. Катта йўлга отланган «Байт» йигитлари буни яхши ҳис қиладилар деб ўйлаймиз.

Ҳақ сенга мурод ўлсин,
Шавкатинг на зар, тилло.
Ҳақ деганнинг умри ҳам,
Ҳақ каби узун илло...

Умида АБДУАЗИМОВА

ЭСТРАДА МУХЛИСЛАРИГА

Бир қўлли дўмбирачи

Британиянинг «Дэф леппард» группаси учун Рождество байрами фожиа билан тугади. Музикачилар тушган автобуслардан бири тўнтарилиб кетди. Натижада бир саҳна ишчиси ҳалок бўлди, дўмбирачи Рик Эйлен эса чап қўлидан айрилди. Ҳолбуки айни шу — 1983 йили бу ансамбль ниҳоят эстрада юлдузлари қаторидан ўрин олган эди.

«Қисқа муддат ичида, деб ёзган эди Мелади Мейнер журнали, Дэф Лэппард ўз сози, ўз овозига эга бўлди. Кутилмаганда бу бахтсизлик. Ҳамма эстрада шинавандалари бу кўргуликдан лом-мим бўлиб қолишганида «Дэф Лэппард» садоқат ва беғараз дўстликнинг ажойиб намунасини кўрсатди».

Овоз ёзиш студияларидаги ва саҳнадаги чиқишларга барҳам берган ансамбль «Симмонс» фирмасига дўмбирачи учун махсус асбоб ясашга буюртма берди. Бир йил ўтгач Рик Эйлен наинки студияда, балки саҳнада ҳам иштирок этадиган бўлди.

Бир қўлли дўмбирачи! Мусиқа тарихида ҳеч бунақаси бўлмаган. Рикнинг ўзи бу ҳақда шундай дейди. «Мен жуда мақтаганларидай жасур одам эмасман, лекин ўз ҳаётимни ўз севган машғулотимсиз тасаввур қилолмайман».

Юқоридаги суратда: чапдан охиргиси Рик Эйлен

Поль Мориа

Биз ушбу ансамбль билан халқаро кўрикларда турли йилларда олий ўринларни эгаллаган композитор ва қўшиқчилар билан таништирувчи туркум мақолаларимизни бошлаймиз. «Еш куч»нинг юзлаб мухлислари биздан жаҳон мусиқа маданиятига ҳисса қўшган у ёки бу ансамбллар билан таништиришни мактубларида илтимос қилишган.

Поль Морианинг дилхуш пластинкаларини эшитмаган, унинг кўнгилни аллаловчи куйларини эшитмаган музика ихлосмандлари бўлмаса керак. Биз уни пластинкалар орқали тинглаган, ойнаи-жаҳон орқали кўрганмиз. Лекин бизни мафтун қилган бу ансамбль ҳақида матбуотда кам ёзилган. Одатда ҳаммага таниш қўшиқчилар ҳақида жуда кам ёзилади. Гўё бунинг зарурати йўқдай. Ҳолбуки...

Поль Морианинг миллати француз. У Марселда почта хизматчиси оиласида дунёга келган. Полнинг отаси музикани, айниқса классик музикани жуда яхши кўрган, ўзи ҳам рояль ва скрипкани қойилмақом ижро этган. Поль 4 ёшидан музикага ўргана бошлаган. 10 ёшга тўлганида уларнинг оиласи Парижга кўчади. Поль у ерда консерватория қошидаги музика мактабига киради, 17 ёшида эса ўзининг биринчи оркестрини тузибоқ, Европа бўйлаб ижодий сафарга чиқади. Парижга таниқли музикачи бўлиб қайтади. Кўпгина француз артистлари жаҳон эстрадаси юлдузлари сафидан ўрин олишларида айнан Поль Морианинг хизматлари катта.

Шу даврга келиб Поль Морианинг «Фойтун» қўшиғи Франциянинг миллий хит-парадида биринчи ўринни олишга муяссар бўлди. Сирасини айтганда, Полнинг биринчи халқаро хир-паради унинг «Муҳаббат — бу қайғу-аламдир» қўшиғи бўлди. Унинг музикасини композитор Андре Попп, шеърини Пьер Кур ёзган эди. Поль Морианинг раҳбарлигида оркестрнинг довруғи ана шундай бошланган эди.

«Калинов мост»

Би-Би-Си музика шарҳловчиси Сэм Жонснинг гапи билан рок-музика луғатига «сибир роки» деган ибора қўшилиб қолди. Бу бир ярим йил муқаддам Москва «Афтограф»и ва Кемерованинг «Диалог»и Европанинг баобрў рок-залларидан бири саналмиш Лондондаги «Хаммерсмит ореон»да концерт бераётган пайтида содир бўлган эди.

«Диалог»дан кейин Сибирда яна бир қатор қизиқарли коллективлар пайдо бўлди. Улардан бири «Калинов мост» ансамблидир. Эҳтимол сиз «Калинов кўпригидаги жанг» деган эртакни эсларсиз? Унда Иван-паҳлавон кўп бошли бир маҳлуқ билан аёвсиз олишади. Иванбой маҳлуқнинг калласини кескир шамшири билан шартта-шартта узиб ташласа-да, Чудо-Юдо ёнадиган бармоғи билан каллаларни яна қайта тирилтираверади. Охири барибир Иван-паҳлавон бу аждарбошининг бармоғини узиб ташлашга ва маҳлуқни маҳв этишга муваффақ бўлади. Эртакда қаҳрамон ғалаба қозонган бўлса ҳам, ҳаётда ҳар турли аждарлар — бировнинг дардини бир тийинга олмайдиган боқибеғам амалдорлар ҳали тирик.

«Мен Калинов кўпригига қадам қўйдим» деб қўшиғини бошлайди ансамблнинг етакчиси Дмитрий Ревякин. Ва ўзининг Иванпаҳлавонникидан қолишмайдиган кескир сўзини яшашимизга, қайта қуришга ҳалақит бераётган кимсаларга — замонавий, ҳадеганда ўлавермайдиган аждарбошиларга қаратади.

Ансамбль қўшиқларининг матни халқ шеъриятининг ўлмас булоқларидан сув ичган. Шунинг учун тингловчини ўзига айрича ром эта олади.

«Калинов мост» Иттифоққа Подольск шаҳрида 1987 йили бўлиб ўтган фестивалдан кейин танилди. Ўшанда «Телевизор» ва «Наутилус-помпилиус» ансамбллари лауреат бўлган эди, лекин «Огонёк» уларнинг барчаси ҳақида мақола ҳам эълон қилди. Мақолада сибирлик рокерларнинг суратлари ҳам бор эди.

Ўтган йили баҳорда «Калинов мост» Вильнюсда бўлиб ўтган «Рок-форум-88» халқаро фестивалига таклиф қилинди. Фестивалда Дмитрий Ревякин бошчилигидаги бу группа томошабинларга манзур бўлди, танқидчилар эътиборини қозонди.

Бугунги кунда группа составида — Д. Ревякин, А. Шенников, В. Смоленцев, В. Чаплигинлар бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фёдор ДОСТОЕВСКИЙ

КЛАССИК АДАБИЁТ ДУРДОНАЛАРИ

КУЛГИЛИ ОДАМНИНГ ТУШИ

(фантастик ҳикоя)

Ф. Достоевский «Кулгили одамнинг туши»ни ўлимидан тўрт йил муқаддам — 1877 йили ёзган. Унда адиб келажакда инсон порлоқ замонларга етишиши муқаррар деган бош ғоясини илгари суради. Ҳикоя қаҳрамони одамлар қалбига гўзаллик уруғларини қадовчи мангу ҳақиқатга ишонади.

I

Мен кулгили одамман. Энди улар мени ғирт жинни деб аташади. Агар мен ростдан ҳам жинни бўлиб қолганимда-ку, бу янги номдан арпа бўйи ўсар эдим. Лекин, афсуски, энди мен уларга парво қилмайман, энди уларнинг барчаси мен учун азиз — ҳаттоки устимдан кулган чоғларида ҳам, тўғриси, шунда уларни янаям яхши кўриб кетаман. Уларга қараб туриб мени ғам босади-да, бўлмаса, уларга қўшилиб кулган бўлардим. Ўз турқи-тароватим кулгили бўлганлигидан эмас, йўқ, уларни суйганимдан! Мени шунинг учун ғам босадики, улар ҳақиқатни билишмайди — мен бўлсам биламан. Оҳ, ҳақиқатни ёлғиз ўзинг билсанг, нақадар оғир-а! Лекин улар буни тушунмайди. Йўқ, тушунишмайди.

Бир вақтлар мен кулгили бўлиб туюлганимдан жуда-жуда ўкинардим. Кулгули бўлиб туюлмасдим, чиндан ҳам кулгили эдим. Ким билсин, балки мен туғилганимдан буён шундайдирман, балки олти-етти ёшимданоқ шундайлигимни билгандирман. Кейин мактабда, ундан сўнг дорилфунунда ўқидим. Аммо, начора, қанча кўп ўқисам, шунча кўп уқдим-ки, кулгили одам эканман. Гўё университетда ўқитиладиган барча фанлар бу жин ургур сифатимни исботлаш ва уқтириш учунгина яратилгандек эди. Ҳаётда ҳам йўлим худди ўқишдагидек бўлди. Йиллар ўта борган сайин ўзимнинг масхараомуз қиёфам тўғрисидаги фикр миямга қўрғошиндек қуйилаверди. Кас ҳам, нокас ҳам менинг устимдан куларди. Аммо уларнинг фаҳми етмас эдики, кулгили эканлигимни энг кўп биладиган киши битта бўлса, ўша мен ўзим эдим. Менга алам қиладиган жойи ҳам шу эдики, улар буни билмасди. Лекин бунга ўзим айбдорман. Мен азалдан ниҳоятда мағрур эдим, бошимни кессалар ҳам, бирор киши олдида ўз айбимга иқрор бўлишни истамасдим. Мағрурлигим йил сайин газак олиб бораверди. Мабодо шайтон йўлдан урриб, бирор киши олдида буни тан олиб қўйгудай бўлсам борми, чамамда, ўша куниёқ пешонамга тўппонча тираб, миямни далвадалва қилиб ташлардим. О, ўсмирлик чоғларим, бир куни бардошим тугайди-ю, ўртоқларим олдида буни тан олиб қўяман, деб қанчалик эзилардим-а. Лекин ўзимнинг бу сифатимни йилдан-йил кўпроқ англай борган бўлсам-да, улғайгач, негадир унга бироз бепарво қарайдиган бўлдим. Ҳа, чиндан ҳам «негадир», чунки мен унинг боисини ҳали ҳам билмайман. Эҳтимол, бунга ичимдаги бир ўзгариш сабаб бўлгандир. Ўша пайтларда менинг юрагимни бутун борлиғимдан кўра юксакроқ бир эътиқод юзасидан даҳшатли ғусса қоплаганди. Мен дунёда ҳамиша ҳамма нарса барибир-ку деган фикрга ишониб қолган эдим. Мен буни, эҳ-ҳе, аллақачон сезганман, лекин бултур кутилмаганда унга тамоман имон келтирдим. Бирдан оламнинг буду нобуди мен учун барибир эканлигини, дунёни сув босса, тўпиғимга чиқмаслигини бутун борлиғим билан туйдим. Сўнг ён-веримда ҳеч нима йўқлигини ҳис қилдим. Дастлаб хаёлимга: «Олдин қанча кўп нарса бор эди-я», деган фикр келди. Сўнг олдин ҳам ҳеч нима бўлмаган-у, фақат менга бордек туюлганлигини фаҳмладим. Секин-секин мен бундан кейин ҳам ҳеч қачон ҳеч нима бўлмаслигига ишонч ҳосил қилдим. Шунда мен бирданига одамлардан оғринмайдиган, уларнинг бор-йўқлигини ҳам пайқамайдиган бўлдим. Бу ҳатто арзимас майда-чуйдаларда ҳам кўриниб қолди. Масалан, мен кўчадан ўтаётиб одамларга урилиб кетаверардим. Йўқ, бу ўйчанлигимдан эмас эди, мен унда ўйлашни бутунлай бас қилган эдим. Менга шунчаки ҳамма нарса барибир эди. Дунёдан осуда бўлиб, бирор муаммони ҳал этсам-ку, худога шукроналар ўқирдим-а, лекин мен ҳеч воқони ҳал этмадим. Эсиз, бир дунё масала бор эди-я. Аммо менга барибир бўлиб қолди ва жамики жумбоқлар мендан узоқлашди-кетди.

Буни қарангки, шундан кейин мен ҳақиқатга

етишдим. Мен унга бултур учинчи ноябрь куни етишган бўлсам, ундан кейинги ҳаётимнинг ҳар бир сониясини ҳам хотирлай оламан. Ўшанда зим-зиё кеча эди. Мен соат ўнга яқин уйга қайтдим. Эсимда, ҳатто табиатнинг ўзида ҳам бундан ортиқ зулумот бўлиши мумкин эмас, деб ўйладим. Ёмғир тун бўйи ёғди, бу — совуқ, бехосият, ҳатто қандайдир ваҳимали, одамларга рўй-рост ёмонлик соғинган ёмғир эди, ҳа, мен буни яхши эслайман. Соат ўн бирларда эса ёмғир бирдан тинди, атрофни бўғиқ рутубат қоплади, ҳаво намчил, совуқ эди. Кўчадаги ҳар бир тошдан ҳам, жинкўчаларнинг уч-учларидан ҳам оғир буғ кўтариларди. Шу пайтда ҳамма чироқлар ўчиб қолса қандай соз бўларди-я. Чироқлар борлиги кўнгилни хира қилади, чунки улар шундай бир расво манзарани ёритиб туради-да. Шу куни мен туз тотмадим ҳисоб, оқшом тушгандан бошлаб бир инженернинг ёнида ўтирдим. Унинг олдида яна икки ошнаси бор эди. Мен бир оғиз ҳам гапирмадим, афтидан, уларнинг жонига ҳам тегдим. Улар қандайдир беҳаё гап айтдилар, бирдан нимадандир тутақиб кетдилар. Лекин мен сезиб турган эдимки, уларга ҳам барибир, қизишганлари эса шунчаки. Мен буни очиқ айтиб қўя қолдим: «Жаноблар, — дейман, — ахир, сизларга барибир-ку». Улар хафа бўлишмади, фақат биргалашиб менинг устимдан кулишди. Сабаби, мен буни таъна-танбеҳсиз, шунчаки менга барибир бўлгани учун айтгандим. Менга барибирлигини кўриб, улар хурсанд бўлишди.

Мен кўчада чироқ тўғрисида ўйлаб, осмонга тикилгандим. Осмон тим қоронғи, лекин бу зулумотда пароканда булутларни, улар оралиғида тубсиз қора доғларни аниқ илғаш мумкин эди. Бирдан бу доғларнинг бирида милтиллаган юлдузчани кўриб қолдим. Унга зеҳн солиб узоқ тикилдим. Тикилдим-у, энди шу кеча ўзимни ўлдираман, деб қасам ичдим. Мен икки ой олдин бу ҳақда қатъий қарорга келиб, ночор оҳволимга қарамай ажойиб тўппонча сотиб олган ва уни ўша куниёқ ўқлаб қўйган эдим. Мана, аллақачон икки ой ҳам ўтди. Тўппонча бўлса ҳануз ғилофида. Менга шу қадар барибир эдики, ахийри бунчалик барибир бўлмаган бир дақиқани пойлагим келди, лекин негалигини билмайман. Ҳар кеча уйга келиб, «ўзимни отаман» деб ўйлардим, лекин ўша дақиқани пойлардим. Мана, энди у митти юлдуз менда бир фикр уйғотди, шунинг учун ҳам: «албатта шу кеча ўз бошимга етишим керак», — деб ўйладим. Қизиқ, бу юлдузча нега менда фикр уйғотдийкин?

Мен самога тикилган пайт бир қизча ногоҳ тирсагимдан ушлади. Кўчалар аллақачон ҳувиллаб қолган, ҳеч кимса кўринмасди. Узоқроқда извошчи фойтунида ухлаб ётарди. Қизча саккиз ёшларда, бошида — дуррача, эгнида — бир қаватгина кўйлак, ҳамма ёғи шалаббо эди. Айниқса, унинг илвираган ҳўл бошмоқлари хотирамга муҳрланиб қолди. Бирдан у тирсагимдан илкис тортиб, мени аллақаёққа судрай бошлади. У йиғлаётгани йўқ, аммо қандайдир сўзларни узуқ-юлуқ айтиб чинқирар эди. Сўзларининг ярми ичида қолар, чунки у даг-даг қалтирарди. Нимадандир даҳшатга тушиб, жон ҳолатда: «Онажон! Онажоним!» — деб қичқирарди. Мен унга ўгирилган бўлдим, лекин чурқ этмай ўз йўлимга кетавердим. Қизча бўлса югургилар, мени силтаб тортар, унинг овозида қаттиқ қўрққан боланинг ҳолатига хос аянчли ингроқ бор эди. Бу ингроқ товушнинг нималигини мен билардим. Қизча сўзларни чала-ярим айтса-да, мен қаердадир унинг онаси жон бераётганлигини ёхуд бир фалокатга йўлиқишган-у, у онасига кимнидир ёрдамга чақириш ёки нимадир топиш учун юрагини ҳовучлаб югурганлигини дарров фаҳмладим. Лекин мен унга эргашмадим, аксинча, миямда «уни ҳайдаб юборсам-чи» деган фикр ўрмалади. Аввал унга, миршабни топ, дедим. Аммо у бирдан қўлчаларини қовуштирди, йиғламсираб, бўғриқиб ёнимда юраверди, сира изимдан қолмади. Охири мен ер тепиб унга бақирдим. У «Барин, барин!..» деб илтижо қилди-ю, сўнг бирдан мени ташлаб йўлнинг нариги бетига югурди. У ерда ҳам бир йўловчи кўринди, афтидан, қизча энди унга ёлворарди.

Мен ўзимнинг бешинчи қаватдаги ижарамга кўтарилдим. Менинг хонам ночоргина жиҳозланган, ўзи ҳам каталакдай, деразалари чордоқникидай ёйсимон. Менинг бор бисотим — клёнка қопланган диван, устига китоб тахланган стол, иккита курси ва даққиюнусдан қолган-у, лекин роҳатижон, суянчиғи баланд кресло. Мен келиб ўтирдим, шамни ёқдим-у, ўйлашга тушдим. Қўшни «хона»да, парда девор ортида бугун учинчи кунки ғала-ғовур тинмайди. У ерда истеъфодаги капитан яшайди. Бу ерда капитан билан бешолтита саёқ ошнаси йиғилиб ароқ ичишади, титилиб кетган эски қартада штосс[1] ўйнашади. Кеча кечқурун тўс-тўполон бўлиб кетди, иккитаси бирбирининг сочидан чангаллаб тўрт томонга судради. Хўжайин хотин арз қилиб кирмоқчи бўлди-ю, журъат этмади: у капитандан ўлгудай қўрқарди. Бу хонадонда яна полкдан келган қилқаноқдай хотин шу ерда касал орттирган учта боласи билан яшайди. Хотин ҳам, болалари ҳам капитандан қўрқиб, жон ҳовучлаб туришади, кечаси билан қалтираб чўқиниб чиқишади. Болаларнинг кичкинасини қўрқинчдан тутқаноқ ҳам тутганди.

[1] Штосс — бир хил қарта ўйини.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Билишимча, капитан Невскийда йўловчиларни тўхтатиб,чойчақа ундиради. Чунки энди уни хизматга олишмайди. Аммо қизиққи — қизиқ бўлмаса, айтармидим — бир ойдан бери қўшни яшаб, капитан бирор марта ҳам менинг ғашимга тегмади. Мен, албатта, танишишдан ўзимни олиб қочдим, лекин мени биринчи кўргандаёқ унинг ҳам юраги сиқилгандек бўлди. Бироқ улар парда ортида қанча шовқин солишмасин, неча кишилашиб ўтиришмасин, менга барибир. Мен тун бўйи ўтириб чиқаман, лекин ўлай агарки, уларнинг бирор сўзи қулоғимга кирса. Ҳа, уларни шунчалик унутиб юбораман. Бўлмаса, мен туни билан мижжа қоқмай чиқаман-ку, бунга ҳам аллақачон бир йил бўлди. Кечалари креслода михлангандай ўтираман, ҳеч иш қилмайман, китоб-питобни эса фақат кундузлари ўқийман, ўтираман, ҳатто ўйламайман ҳам, миямда ўзича қандайдир хаёллар дайдийди, мен уларни ўз ҳолига ташлаб қўяман. Шамим тунда ёниб адо бўлади.

Мен тинчгина креслога чўкдим, тўппончани чиқариб олдимга қўйдим. Уни қўяётиб ўзимдан: «Шундайми?» — деб сўрадим ва заррача иккиланмай жавоб бердим: «Ҳа, шундай!», яъни ўзимни отаман! Ҳар қалай, шу кеча ўзимни отсам керак — мен буни билардим, лекин унгача қанча ўтиришимни билмасдим. Агар ўша қизча бўлмаганда, шубҳасиз, ҳозир менинг куним битган бўларди.

II

Қаранг-а, менга ҳамма нарса барибир эди-ю, лекин, масалан, оғриқни сезардим. Биров мени туртиб ўтсин-чи, оғриқни сезмасмидим. Маънавий жиҳатдан ҳам худди шундай: жуда аянчли воқеа юз берса, мен албатта ҳали барибирчиликка берилмаган вақтимдагидек унга ачинган бўлардим. Боя ҳам қизчага раҳмим келди. Мен-ку унга ёрдам берардим, аммо... Хўш, нега унга ёрдам бермадим? Бунга ўша пайт миямга келган бир фикр сабаб бўлди. Қизча мени тортиб чақирган вақт олдимда бир жумбоқ кўндаланг бўлди, мен уни ечолмадим. Аслида-ку у арзимас савол, лекин менинг жаҳлим чиқди. Ўзимнинг: «модомики шу кечаёқ ўз бошимга етаман, деб қасд қилган эканман, энди менга дунёнинг бору йўқлиги ҳар доимгидан кўра ҳам барибирроқ бўлиши керак эмасми?» — деган хулосамдан жаҳлим чиқди. Қизиқ, нега бирдан менга барибир эмаслигини, қизчага раҳмим келаётганлигини ҳис этдим. Ҳа, мен аниқ эслайман, қизчага дилдан ачиндим, ҳатто бундан ғалати бир оғриқ ҳам туйдим. Тўғри, мен у пайтдаги оний кечинмаларимни бундан ортиқ ифодалай олмайман, аммо бу кайфият уйга келганимдан кейин ҳам давом этди, мен кўпдан бери биринчи марта қаттиқ таъсирланган эдим. Миямга фикрлар қуйила бошлади. Мен шунга амин бўлдимки, токи инсон эканман, токи бир хасга айланмаган эканман — яшайман, демакки, ҳали азоб чекишим, ғазабланишим, ўз қилмишларимдан уялишим мумкин. Майли. Лекин мен ўзимни, дейлик, икки соатдан кейин ўлдирадиган бўлсам, унда бу қизча билан, ўз қилмишимнинг тўғри-нотўғрилиги билан неча пуллик ишим бор?! Мен нулга айланаман, ҳа, мутлақ нулга айланаман. Наҳотки ҳозироқ буткул йўқликка айланмоғим ва дунёнинг ҳам барбод бўлмоғини англаб турганлигим у қизчага ачинишимга ва ўз қилмишимдан уялишимга заррача таъсир кўрсатмаса? Ахир, мен «Ҳозир фақат раҳм қилмаслик эмас, инсон зоти ўзига раво кўрмайдиган тубанлик ҳам қўлимдан келади, чунки мен учун олам ҳозир бор-у, икки соатдан кейин йўқ», — деб ўйлаганим учун ҳам бечора гўдакка қараб атай ер тепиндим, атай йиртқичга ўхшаб бўкирдим-ку. Хўш, сиз шунинг учун бақирганимга ишонмайсизми? Мен энди бунга ишониб қолдим. Тассавуримча, гўё энди ҳаёт ҳам, дунё ҳам менга қараб қолган эди. Гўё ҳаттоки дунёнинг ўзи ёлғиз мен учун яратилган: мен ўзимни отдимми, дунё ҳам охиратга юз тутади, ҳеч бўлмаганда — мен учун. Мендан кейин балки чиндан ҳам ҳеч ким учун ҳеч нима бўлмас. Лекин буни айтмаганда ҳам, менинг онгим сўнган заҳот бутун олам йўқликка айланади, онгимнинг бир шарпаси, зарраси сифатида сўнади-ку. Эҳтимол, бу ёруғ олам, бу ғуж-ғуж одамлар ёлғиз менинг ўзимдан иборатдир. Эсимда, креслога ўтириб хаёлга чўмарканман, мен бир-бирига уйқашиб келаётган бу янги масалаларни буткул бошқа томонга буриб, тамомила янги фикрни ўйлаб топдим. Масалан, менинг тасаввуримда шундай бир ҳолат гавдаланди. Дейлик, мен олдин Ойда ёки Марсда яшаган, у ерда қандайдир бемаъни, ярамас иш қилган, бунинг учун босиринқи тушдагидан баттар қўрқитилган ва шарманда қилинган, кейин ерга тушиб ҳам уларни унутолмаган бўлсам, бундан ташқари, энди зинҳор ортга қайтолмаслигимни билсам, ўшанда ойга тикилиб, «Э, менга барибир эмасми?!» — дея олармидим? Мен қилмишимдан уялган бўлармидим ёки йўқми? Аслида-ку ҳозир бу саволлар арзимас ва ортиқча. Чунки тўппонча шундоқ олдимда турибди. Бу кеча у отилиши муқаррарлигини мен бутун вужудим билан сезардим. Аммо фикрлар қонимни қайнатди, мен телбанамо бўлиб қолдим. Нимадир олдиндан ҳал этмай туриб ўлолмайдиган ҳолатга етдим. Гапнинг қисқаси, шу қизча мени ўлимдан халос этди, чунки мен ўйимга етолмай, ўқ отилишини кейинга сурдим, капитанникида ҳам шарпалар тина борди. Улар қартавозликни тугатдилар, ухлашга тутиндилар, лекин ҳозирча ғувурлаб, ёқар-ёқмас сўкинардилар. Шу жойга етганда, мен бирдан ухлаб қолибман, таажжуб, шу чоққача ҳеч қачон креслода уйқум элтмаган эди. Ухлаганимни ўзим ҳам сезмай қолибман. Туш, маълумки, жуда ғалати ҳодиса, нималарнидир фавқулоддда тиниқ, энг майда тафсилотларигача фарқлайсиз, бошқа нарсалар, масалан, маконлар ва замонлар устидан бемалол сакраб ўтасиз. Тушларни ақл эмас, истак, бош эмас, юрак ҳаракатга келтиради. Шундай бўлса-да, менинг ақлим тушда шундай айёрона нарсаларни тўқиб чиқарадики... Тушингга шундай воқеалар ҳам кирадики, асло уларнинг тагига етолмайсан. Менинг акам беш йил бурун дунёдан ўтган. Мен уни гоҳо тушимда кўраман: у менинг ишларимга бош қўшади, иккаламиз ҳам берилиб кетамиз, аммо мен шу пайтнинг ўзида, бутун туш давомида акамнинг вафот қилганлиги ва дафн этилганлигини тамоман билиб, эслаб тураман.

Ахир, таажжубланмай бўладими, марҳум одам менинг ёнимда югуриб-елиб юрса. Нега ақлим бунга йўл қўяди? Майли, буларни қўя турай. Бугунги тушимдан гапирай. Ҳа, ўшанда шу тушни кўрдим, менинг учинчи ноябрдаги тушим! Аммо унинг фақат туш эканлиги мени ранжитади. Ахир, у мени ҳақиқатдан огоҳ этгандан кейин, тушми-ўнгми, барибир эмасми?! Ҳақиқатни бир бор идрок этганингиздан кейин унинг айнан шу эканлигини, бошқаси йўқ ва бўлиши мумкин эмаслигини тушми-ўнгми билиб турасиз-ку. Майли, туш бўлақолсин, қайтага яхши. Ахир, сизнинг кўкларга кўтариб мақтаган шу ҳаётингизни мен

биттагина ўқ билан йўқ қилмоқчи эдим, менинг тушим, тушим эса — о, у мени янгича, улуғвор, қудратли ҳаётдан огоҳ этди!

Тингланг.

III

Боя айтганимдай деярли сездирмай, ҳатто ўша ўйларимда давом эта туриб кўзим илинибди. Тушимда тўппончани олибман, ўтирган кўйи уни тўппа-тўғри юрагимга қадабман, ҳа, бошимга эмас, юрагимга! Мен, ахир, ўқни бошимга, бошимнинг ҳам ўнг чаккасига отишга қарор қилгандим-да. Тўппончани кўксимга қадаб, бир-икки сония кутдим, шу чоқ бирдан шамим, столим, рўпарадаги деворим жойидан силжиб тебрана бошлади. Мен талмовсираб жон-жахдим билан тепкини босдим.

Тушда баъзан тепадан қулайсиз ёки сизни сўядилар, урадилар. Лекин бунда ҳеч қандай оғриқ сезмайсиз, фақат у ер-бу ерингизни ҳақиқатан каравотга уриб олсангизгина, жонингиз оғрийди ва кўпинча оғриқдан уйғониб кетасиз. Менинг тушимда ҳам шундай бўлди — оғриқ-поғриқни сезмадим, бироқ, назаримда, ўқ отилиши билан бутун борлиғим ларзага тушди-ю, сўнг бирдан ҳаммаси сўнди, гир атрофимни қоронғилик қоплади. Мен гўё кўр ва гунг бўлиб қолган эдим. Қарабсизки, аллақандай қаттиқ нарсанинг устида узала тушиб ётибман, ҳеч воқони кўрмайман, қимир этолмайман. Атрофимдан ўтиб-қайтишади, бақириб-чақиришади, капитан дўриллайди, хўжабека чинқиради. Шу пайт бирдан ғала-ғовур тинди, олам сукунатга чўмди. Мана, энди мени ёпиқ тобутда олиб кетаётирлар. Мен тобутим қандай чайқалаётганини сезяпман, бу ҳақда ўйлаб кетяпман. Дафъатан бир ўй мени илк бора ларзага солди: ахир, мен ўлганман, бутунлай ўлганман-ку, мен буни биламан, кўздан ва ҳаракатдан қолганим билан сезиб ва фикрлаб турибман. Бироқ кўп ўтмай мен бунга кўникаман ва одатда тушда бўлганидек воқеликни мунозарасиз қабул қила бошлайман.

Мана, мени қабрга қўйиб, устимга тупроқ ҳам тортадилар. Ҳамма кетади, мен ёлғиз қоламан, тамомила ёлғиз, қимир этмайман. Ўзимнинг қабрга қўйилишимни олдин қачонки тасаввур қилган бўлсам, қабр кўз олдимга намлик ва совуқлик сезгилари билан уйқашиб келар эди. Ҳозир ҳам қаттиқ совқотаётганимни ҳис этдим, айниқса оёғимнинг учлари аччиқ дилдирарди, аммо бўлак ҳеч нимани сезолмадим. Қизиққи, мен ҳеч нимани кутмай, «ўлик одам нимани ҳам кутиши мумкин?» деган фикрга кўниб ётардим. Фақат зах кишини эзар эди. Орадан қанча вақт ўтганини билмайман, бир-икки соатми, бир неча кунми, ногоҳ чап кўзимга тобут тепасидан бир томчи чакки томди, кейин яна, яна... ҳар дақиқада томиб турди. Бирдан ичимда аччиқ норозилик уйғониб, юрагим санча бошлади. «Бу ўша жароҳатим, — хаёлимдан кечди, — ўқ тешиб ўткан жой...» Тепамдан эса дақиқа сайин юмуқ кўзларим устига чакка томчилайверди. Шунда мен бирдан фарёд қилдим, йўқ, овоз чиқариб эмас (ўликда овоз нима қилсин?!), бутун борлиғим билан менга бу кўргуликни юборган қодир Эгамга фарёд қилдим:

— Эй, Сен, ким бўлсанг ҳам, агар борлигинг чин бўлса ва агар тахти фармонингда булардан кўра оқилроқ бирор нима мавжуд бўлса, амр эт, ўшал ижодинг кўз олдимда намоён бўлсин! Мабодо сен мендан ўз жонимга қасд қилганим учун шу жирканч ва бемаъни кўргуликлар билан қасос олмоқчи бўлсанг, билиб қўй: ҳеч қачон, ҳеч қандай жабру жафо, ҳатто у миллион йиллаб чўзилганда ҳам, менинг оғир сукут ичида туядиган нафратим билан тенглашолмайди!..

Мен фарёд чекдим-у, тиндим. Тамомий сукунат қарийб бир дақиқа давом этди, бу орада ҳатто бир томчи чакки ҳам томиб улгурди, лекин мен билар ва аниқ ишонар эдимки, ҳозир ҳаммаси ўзгариши керак. Шу чоқ бирдан қабримда дарз пайдо бўлди. Ёки уни қазиб очишдими, бунисини билмайман, лекин аллақандай қора, нотаниш мавжудот мени кўтариб кетди ва биз фазода кўз очдик. Мен бирдан ўзимга келдим. Ярим кеча эди, бунақа зим-зиё тунни умримда биринчи кўришим. Биз фазо бўйлаб ердан, эҳ-ҳе, жуда олисларга учдик. Мен ўзимни олиб учаётган маҳлуқдан ҳеч нимани сўрамадим, фақат юрагим ғурурга тўлиб нимадир бўлишини кутдим. Мен «қўрқмайман» деб ўзимни ишонтирдим ва бу ишончдан ҳам завқ, ҳам осойиш топдим. Қанча вақт учганимизни на эслайман, на тасаввур эта оламан. Тушда ўзи шунақа бўлади-ку, маконлар ва замонлар оша, борлиқ ва тафаккур қонунлари оша сакраб учасиз, фақат кўнглингиз тортган нуқталаргагина тўхталасиз. Мен бирдан қоронғилик ичра ёлғиз юлдузчани кўриб қолдим. «Бу Сириусми?» — дедим тўсатдан ўзимни тутолмай, чунки мен ҳеч нимани сўрамасликка қарор қилган эдим-да. «Йўқ, бу — сен уйга қайтаётиб, булутлар ичида кўрганинг ўша юлдузча» — жавоб қилди ҳамроҳим. Қарасам, унинг қиёфаси одамга ўхшайди. Таажжуб, негадир бу маҳлуқни жиним суймади, ҳатто ундан нафратландим. Мен тамоман йўқликка айланишни кутгандим ва нақ юрагимга ўқ узгандим. Энди бўлса мана бунинг қўлидаман. Албатта, унинг одам эмаслиги аён, лекин у мавжуд, яшаяпти. «Демак, бундан чиқди, ўлгандан кейин ҳаёт бор экан-да» — тушга хос юзаки фикр юритдим мен. Лекин юрагим сергак эди. «Агар қайтадан мавжуд бўлиш, кимнингдир амри вожиби билан яшаш керак бўлса, — кўнглимдан кечирдим мен, — мени мағлуб этишлари ва хўрлашларини истамайман». Мен камситилганлигим тан олинган саволдан ўзимни тиёлмай, бирдан ҳамроҳимга сўз қотдим: «Сендан қўрқаётганимни билиб турибсан, шунинг учун мени кўргани кўзинг йўқ». Мен хўрланганимни ҳис қилиб, юрагимда нина санчгандек оғриқ сездим. Ҳамроҳим жавоб бермади. Мен шуни сездимки, бу маҳлуқ мендан нафратланаётгани ҳам, менинг устимдан кулаётгани ҳам, ҳатто менга раҳми келаётгани ҳам йўқ, бу сафаримизда қандайдир ноаён, сирли, фақат менга алоқадор қандайдир мақсад бор. Мен баттар ваҳимага туша бошладим. Қандайдир куч бир сўз айтмай, аммо қийноқ билан мени мум тишлаган йўлдошимнинг кимлигидан огоҳ этди ва менинг бағримни тилиб ўтди. Биз тим қоронғи, номаълум кенгликлар бўйлаб учдик. Мен анчадан бери юлдузларга тикилмай қўйгандим. Аммо фалак авроқида нурлари минг-миллион йиллардан сўнг ерга етиб келадиган шундай ситоралар борлигини би-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лардим. Балки биз бу кенгликларни энди ортда қолдириб кетгандирмиз. Мен қаттиқ қайғу ичида ниманидир кутар эдим. Бирдан қадрдон ва олий даражада ўзига чорловчи бир туйғу мени ларзага солди: мен бирдан ўзимизнинг табаррук қуёшимизни кўриб қолдим. Бу ламъаи аъзам еримизни атрофидан гир айлантираётган қуёшимиз бўлиши мумкин эмаслигини, биз ундан чексиз узоқлашиб кетганимизни билардим, аммо мен бутун борлиғим билан шуни англадимки, бу худди ўзимизникига ўхшаган қуёш, унинг эгизаги ёки айнан такрори. Менинг юрагимда лазиз, даъваткор туйғу садо берди. Кўз очиб кўрганим ўша нурнинг қадрдон шуъалари менинг қалбимда жилоланди ва унга қайтадан жон ато этди, мен ўлимимдан сўнг илк бор ўша жонажон ҳаётнинг нафасини туйдим.

— Агар бу қуёш бўлса, худди ўзимизникига ўхшаган қуёш бўлса, унда ер қани? — дея қичқирдим мен. Йўлдошим менга боқиб қуюқ қоронғилик ичида нур сочиб турган юлдузчага ишора қилди. Биз тўғри ўшанга қараб учдик.

— Наҳотки коинотда шундай айнан такрорлар бор, наҳотки табиатнинг қонуни шундай бўлса?.. Агар у юлдузча ер бўлса, наҳотки у ҳам худди ўзимизникига ўхшаш бахтсиз, бечора, лекин азиз ва ҳамиша суюкли ер? Наҳотки у ҳам еримиз каби ҳаттоки энг бадкирдор фарзандларида ҳам азобли бир муҳаббат уйғотади? — Мен ўзим тарк этган она-еримизга нисбатан асов, оташин муҳаббатимдан титраб нидо қилдим. Ўзим ранжитган ғариб қизчанинг қиёфаси бир зум кўз олдимдан ўтди.

— Шошилма, ҳаммасини кўрасан, — деди менинг ҳамроҳим қандайдир ҳазин овоз билан. Биз тезда сайёрага яқинлашдик. У менинг кўз олдимда улканлашди, мен ҳадемай океанни, Европа чегараларини ажратдим ва бирдан қалбимда қандайдир улуғ, муқаддас рашк туйғуси аланга олди. «Ажабо, шунчалик ҳам айнан такрор бўлиши мумкинми?! Бунинг нима кераги бор?! Мен фақат ўзим тарк этган ерни, мен, ношукур банда, юрагимга ўқ узиб ҳаётимни сўндирган пайт бағир қоним томган ўша ернигина севаман ва сева оламан! Мен жонимга қасд қилдим, лекин ҳеч қачон, ҳеч қачон она-еримизга муҳаббатим сўнган эмас, балки ўша хосиятсиз тунда ҳам унга алвидо айта туриб уни ҳар қачонгидан ортиқроқ севгандирман. Бу янги заминда ҳам азоб-уқубат бормикин? Биз ўз еримизда фақат азоб билангина, азоб орқалигина чинакам меҳр-муҳаббатга ноил бўламиз. Биз бошқача севолмаймиз, бошқача муҳаббатни билмаймиз ҳам. Мен севмоқ учун азоб чекишни истайман. Менга ҳозир ўзим тарк этган ўша ердан бошқаси керакмас, мен фақат ўшанигина қўмсайман, ўзга ҳеч қаердаги ҳаётни хоҳламайман ва қабул қилмайман».

Лекин у маҳал аллақачон йўлдошим мени холи қолдирган эди. Мен бўлсам ўзим ҳам сезмаган ҳолда нурларга беланган кунда жаннатмонанд заминда кўз очдим. Назаримда, ўз еримиздаги Грек архипелагининг ороллaридан бирида ёки материкнинг шу архипелагга ёндош аллақандай бир бурчагида тургандим. О, ҳамма нарса ўзимиздагига ўхшар, аммо фақат чор атрофда байрам нафаси уфурар, улуғ, муқаддас, узоқ кўз тикиб эришилган руҳи кезар эди. Фараҳбахш мовий денгиз қирғоқларга сокин урилaрди ва ошкора, деярли онгли меҳр билан улардан ўпич оларди. Бўйчан хушманзара дарахтлар бутун жозибасини кўз-кўз этар, уларнинг сонсиз япроқлари эса мени осойишта, ёқимли шовуллаш билан қарши олар, гўё менга меҳр изҳор этар эди. Ўт-ўланлар тиниқ, дилхуш рангларга бурканиб яшнар эди. Қушлар гала-гала бўлиб ҳавода сайр этишар, мендан чўчимай қўлу елкаларимга қўнишар, нозик, попук патлари билан мени шодон уриб ўтишар эди. Ва, ниҳоят, мен бахтга қорилган бу заминнинг одамларини кўрдим. Улар ёнимга келишди, мени қуршаб олишди, кучиб ўпа бошлашди. Офтоб фарзандлари, қуёш болалари — о, улар қанчалар гўзал эди! Мен ўз еримиз одамларида ҳеч қачон бу қадар комил гўзалликни кўрмаган эдим. Фақат болаларимизда ҳали руҳига гард қўнмаган пайтларда кучсизгина бўлса-да, бу гўзалликнинг учқунларини учратиш мумкин. Бу бахтиёр одамларнинг чеҳралари тиниқ нур сочиб порлайди. Уларнинг юз-кўзларидан ақл нури ёғилиб туради, аммо бу юзлар қувончга тўла; бу одамларнинг овозида, сўзларида болаларча завқ жаранглайди. О, мен бир қарашдаёқ ҳаммасини, ҳаммасини тушундим, бу — айблару гуноҳлар билан булғанмаган ер эди, унда ҳам одамлар, аммо гуноҳсиз одамлар яшарди, улар бутун башариятнинг диний ривоятларида ёзилганидек, бизнинг гуноҳга ботмаган аждодларимиз даврон сурган жаннатмонанд маъвода яшардилар. Фақат бир фарқи-бунда бутун замин яхлит жаннатдан, жаннатнинг ўзидангина иборат эди. Бу одамлар шодон жилмайиб мени қуршаб олдилар ва ўзлари билан олиб кетдилар. Уларнинг ҳар бири мени хотиржам этгиси келарди. О, улар мендан ҳеч нимани сўраб ўтиришмади, аммо ҳаммаси аллақачон ҳамма гапни билгандек эди, ҳар ҳолда менга шундай туюлди. Улар менинг юзимдан уқубат нуқсини тезроқ сидириб ташлашни истардилар.

IV

Майли, бу фақат туш бўла қолсин, лекин уларнинг меҳрибонлигини қаранг. Мен бу меҳрнинг ҳароратини мангуга эслаб қолдим, ҳозир ҳам ўша ёқдан меҳр ёғилаётгандай туюлди. Мен уларни ўз кўзим билан кўрдим, кимлигини билдим, уларга меҳр қўйдим ва кейинчалик улар учун азоб чекдим. О, мен уларни жуда кўп томонлардан тушунолмаслигимни ўша пайтдаёқ англадим. Мен замонавий рус прогрессисти сифатида, бадхулқ петербурглик сифатида бир нарсага ҳайрон қолардим: улар шунчалик кўп нарсани билсалар-да, бизникига ўхшаган илм-фанга эга эмас эдилар. Тезда шунга ақлим етдики, уларнинг билимида бизникига ўхшамайдиган ажиб самимият бор, улар сув ичадиган билим чашмалари ҳам, уларнинг интилишлари ҳам бутунлай бўлакча. Бу замин одамлари ортиқча ҳою ҳавасга берилмай, осуда яшардилар, ҳаётни идрок этишга ҳам бизчалик интилмасдилар, чунки уларнинг ҳаёти шусиз ҳам бекам-кўст эди. Лекин уларнинг билимлари бизнинг фанимизга нисбатан теранроқ ва юксакроқ эди, зеро, бизнинг фанимиз ҳаёт ўзи нима эканлигини тушунишга интилади, бошқаларга қандай яшашни ўргатиш учун уни идрок этмоқчи бўлади. Улар бўлса қандай яшашни илм-фансиз ҳам билардилар, мен буни фаҳмладим, аммо

уларнинг билимларини тушунолмадим. Улар менга ўз дарахтларини кўрсатдилар, лекин дов-дарахтларга шунчалик муҳаббат билан қараш менга ёт эди, улар гўё ўзларига монанд мавжудотлар билан сўзлашаётганга ўхшардилар. Бу одамлар дарахтлар билан гаплашардилар, десам ҳам, эҳтимолки, хато бўлмас. Ҳа, чиндан ҳам улар бирбирларининг тилларига тушунардилар. Улар бутун табиатга, масалан, ҳайвонот оламига ҳам худди шундай қарардилар, улар билан иноқ яшардилар. Улар кўкка ишора қилиб, менга юлдузлар ҳақида нимадир дедилар, мен тушунолмадим, аммо шу чоғ уларнинг диллари юлдузлар билан туташганлигига ишончим комил. О, бу одамлар мени ўз қалбларига ошно этолмадилар, аммо мени шусиз ҳам суйдилар. Улар мени тушунолмасликларига кўзим етди, шунинг учун еримиз ҳақида миқ этиб оғиз очмадим. Мен фақат ҳамманинг кўз ўнгида уларнинг ерини ўпдим ва уларга сажда қилдим. Улар менинг сиғинишимга ийманмай йўл қўйиб бердилар, чунки уларнинг қалби шундай улуғ севгига мойил эди. Меҳримга қандай жавоб қайтаришларини севинч билан идрок этган ҳолда гоҳ кўзларим жиққа ёшга тўлиб, уларнинг оёқларини ўпсам, улар мен учун изтироб чекмадилар. Гоҳо мен таажжубланиб ўзимдан сўрардим: қандай қилиб улар мендек бир телбани бирор марта ҳам ранжитмадилар, мендек бир кишида рашк ва ҳасад туйғуларини уйғотмадилар? Қандай қилиб мендек бир мақтончоқ ва ёлғончи одам уларнинг олдида ҳеч бири билмайдиган билимларим билан мақтанмадим, ҳеч бўлмаса, суйганимдан уларни қойил қолдиришга ҳаракат қилмадим?

Улар худди гўдаклардек тиниб-тинчимас, қувноқ одамлар эдилар. Узларининг сўлим дарахтзор ва ўрмонзорларида кезиб, мунис қўшиқлар айтардилар, дарахтлар меваси, ўрмонлар асали ва меҳрибон жониворларнинг сути билан енгил овқатланардилар. Ўз емишлари ва кийим-бошлари учун биздек ўлиб-тирилиб меҳнат қилмасдилар. Уларда ҳам ишқ-муҳаббат бор эди, бундан фарзандлар туғиларди. Лекин мен ўларда бизда ҳаммани заҳарлаган, инсоният ботаётган барча гуноҳларнинг ягона манбаи бўлган шафқатсиз ишратпарастликнинг изини ҳам кўрмадим. Улар гўдак дунёга келганда, базми жамшидимизга янги аъзо қўшилди, деб севинчга тўлардилар. Улар ўртасида аччиқ-тизиқ гап, рашку ҳасад йўқ эди, буларнинг нималигини билишмасди ҳам. Ҳар бир туғилган гўдак барчанинг фарзанди саналарди, чунки улар ягона оила бўлиб яшардилар. Гарчанд уларда ҳам ўлим барҳақ бўлса-да, касаллик йўқ эди. Уларнинг қариялари видолашиш учун давра қурган одамларнинг ёруғ табассумлари остида уларга оқ фотиқа бериб тинчгина кулимсираганча уйқуга кетгандай жон таслим қилардилар. Бунда қайғу ҳам, кўз ёши ҳам йўқ, фақат ҳаяжон бўлиб жўш урган меҳр бор эди, холос. Ўйлаш мумкинки, улар мархумлари билан ҳам диллашардилар, уларнинг яқинлигини ўлим ҳам бузолмасди. Мен мангу ҳаёт ҳақидаги фикрларини сўраганимда, улар менга ҳайрон боқдилар, афтидан, улар мангу ҳаётга шу даражада ишонар эдиларки, сўраб ўтириш ҳам уларга ғалати туюларди. Уларда саждагоҳлар йўқ эди. Ахир, қайси даргоҳга сиғинишсин?! Уларда бир бутун Коинот билан қандайдир қимматли, жонли, чамбарчас бирлик бор эди. Уларда дин ҳам йўқ эди, фақат бир нарсани аниқ билишардики, қачонки уларнинг қувончлари заминидаги табиатнинг сарҳадларига етса, жамики тириклар ва ўликлар учун Яхлит олам билан уйғунлашишнинг чегаралари янада кенгаяди. Улар бу ажиб лаҳзани қувонч билан кутардилар. Лекин уни ошиқмай, бетоқат бўлмай, интиқмай, ҳозирданоқ унинг сеҳрига маст бўлиб ва буни бир-бирларига изҳор этиб кутардилар.

Оқшомлари уйқу олдида улар бир тану бир жон бўлиб қўшиқлар айтишни хуш кўрардилар. Бу қўшиқларга охирлаган куннинг жами таассуротларини тўкиб солардилар, уни улуғлардилар, у билан хайрлашардилар. Улар табиатни, ерни, денгизу ўрмонларни куйлардилар. Улар бир-бирлари шаънига қўшиқ айтишни севардилар, худди болаларга ўхшаб бир-бирларини мақтардилар. Булар — жуда оддий қўшиқлар эди, аммо юракдан отилиб чиқарди ва юракларга титроқ соларди. Нафақат қўшиқлари, балки бутун ҳаётлари бирбирларининг меҳрига қониш билан ўтарди. Улар бир-бирларига батамом ва ёппасига мафтун эдилар. Бошқа тантанавор ва кўтаринки қўшиқларни мен мутлақо тушунмадим. Сўзларини тушуниб туриб, улар замиридаги маънони уқолмадим. Менинг ақлим бунга ожиз эди, аммо қалбим уларга бесўроқ кириб борди ва бутунлай берилиб қолди. Мен булар барини пайғамбардай олдиндан сезганман, бу қувонч ва шон-шуҳрат ердаёқ гоҳо чидаб бўлмас даражага етган даъваткор қайғу бўлиб менга таъсир этганди, уларни ва улар довруғини хаёлим тушларида ва ақлим орзуларида олдиндан туйгандим, мен ўз еримизда кўпинча ботаётган қуёшни кўз ёшисиз кузатолмасдим — булар барини мен уларга қайта-қайта айтиб бердим. Менинг ўз одамларимизга нафратимда доимо қандайдир андух бўларди: нега мен уларни севмай туриб ёмон кўролмайман, нега мен уларни авф этмай кетолмайман, мабодо севсам ҳам, нафратсиз севолмайман, деб ҳасрат чекардим. Улар мени тингладилар, лекин мен айтганларни тасаввур қилолмадилар, аммо мен гапирганимга пушаймон бўлмадим. Билдим-ки, улар ўзим тарк этган элга соғинчимнинг бутун кучини аъло даражада тушунардилар. Ҳа, улар менга мунис, меҳрибон нигоҳларини тиккан чоғлари мен ҳам ўшалардай бегуноҳ ва ростгўй бўлиб қолганимни сездим, аммо мен уларни тушунолмаганимдан надомат чекмадим. Бу ҳаётнинг мукаммаллигини ҳис этган сари нафас олишим қийинлашди ва мен уларга унсиз тиловат қилдим.

О, энди ҳамма менинг кўзимга қараб туриб кулади ва тушда бунчалик тафсилотларни кўриш мумкин эмас, тушингда ул-булни кўргандирсан-у, қолганини уйғониб ўзинг тўқигансан, деб мени ишонтира бошлайди. Агар мен уларга: эҳтимол, ҳақиқатан шундай бўлгандир, дегудай бўлсам борми — оҳ худойим-а, улар қандай кулги кўтарардилар ва бу майнавозчиликдан ўзлари қанча завқ олардилар. Ҳа, албатта, мен кўрган тушимнинг таассуроти билан мағлуб бўлиб қолардим, менинг зада, пажмурда юрагимда фақат шу ҳисгина омон қолган бўларди. Аммо кўрган тушимнинг ҳақиқий манзаралари, шакллари шу даражада уйғунлик касб этган, шу даражада дилбар, гўзал ва ҳаққоний эдики, мен уйғониб уларни ўзимизнинг ночор сўзларимиз билан ифода этмоққа ожиз эдим, улар ўз-ўзидан миямда бошқачароқ тус олиши тайин эди, мен ҳақиқатан ҳам таассуротларни ўзимдан қўшиб-чатиб ёзишим мумкин, айниқса, уларни қанча бўлмасин, етказишга, бунинг устига тезроқ етказишга жон-дилдан ошиқаётган пайтимда. Аммо мен қандай қилиб улар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг юз берганига ишонмай? Улар балки мен айтганимдан кўра минг марта аълороқ, нурлироқ, қувончлироқ бўлгандир? Келингки, уни туш ҳам дейлик, бироқ тамомила уйдирма бўлиши мумкин эмас. О, биласизми, мен сизга бир сирни айтаман: булар бари, эҳтимолки, ҳеч қанақа туш эмасдир. Чунки бу ерда шундай равшан воқеалар юз бердики, бундай ҳақиқатлар икки дунёда тушда хаёлга келиши мумкин эмас. Майли, бу тушни қалбимнинг бир ижоди дейлик, лекин кўнглимнинг ўзи кейин мен етишган ҳақиқатни юзага келтира олармиди? Қандай қилиб мен шундай улуғвор ҳақиқатни ичимдан тўқиб чиқаришим мумкин? Қандай қилиб менинг шу майдакаш юрагим ва шу инжиқ, арзимас ақлим ҳақиқатни шундай чуқур инкишоф этиш даражасига кўтарилди? О, мана бу сўнгги воқеа эса сизнинг ҳукмингизга ҳавола: мен шу вақтгача бир нарсани яширгандим, энди ҳақиқатни охиригача айтаман. Гап шундаки, мен — ярамас — уларнинг барини йўлдан оздирдим.

V

Ҳа, оқибат шу бўлдики, мен уларнинг барини нақсга ботирдим. Қандай қилиб бу хил воқеа юз бериши мумкинлигини билмайман, бироқ уни жуда яхши эслайман. Тушим минг йилликларни ўзида қамраб олган бўлса ҳам, менинг хотирамда биргина яхлит бир таассурот қолдирди. Фақат шуни биламанки, жами гуноҳларнинг асл сабабчиси мен эдим. Бир иркит кана каби, бутун бошли мамлакатларни заҳарловчи вабо тарқаткич гард каби мен шу қадар бегуноҳ ва бахтли бир заминни булғадим. Улар алдашни ўргандилар, ёлғонга ружу қўйдилар ва унинг мазасини билиб олдилар. О, эҳтимолки, бу ҳеч қандай ғаразсиз, оддий ҳазилдан, эркаликдан, енгил-елпи севгидан, арзимас заррадан бошланганди, лекин бу ёлғон зарраси уларнинг қалбига кириб олди-ю, соҳибга ёқиб тушди. Кейин тезда ишратпарастлик, ишратпарастликдан рашк, рашкдан шафқатсизлик туғилди. О, аниқ айтолмайман-у, аммо орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ўзга ер одамининг биринчи қони тўкилди: улар таажжубда қолдилар, даҳшатга тушдилар ва бир-бирларидан юз ўгириб турли томонларга тарқала бошладилар... Иттифоқлар, уюшмалар пайдо бўлди, лекин улар бир-бирига қарши эди. Таъна-маломатлар дунёга келди. Улар ўз қилмишларидан уялишни ўргандилар ва бу уят туйғусини эзгуликка йўйдилар. Шаън, номус деган тушунчалар пайдо бўлди. Ҳар бир уюшма ўз байроғини тикди. Улардан ҳайвонлар ҳам озор кўрди, ёғийлашиб ўрмонларга қочди. Бўлиниш, яккаланиб олиш учун, шахс учун, меники-ю, сеники учун тинимсиз курашлар бошланди. Улар анвойи тилларда гаплаша бошладилар. Шу тариқа, ғам-андуҳ нималигини билдилар ва уни севиб қолдилар, уқубатни қўмсадилар. Фақат заҳмат чекибгина ҳақиқатга етиш мумкин, дедилар. Шунда уларда ҳам биз тушунган илм-фан пайдо бўлди. Улар ваҳший бўлиб кетганларидан сўнг биродарлик ва инсонийлик тўғрисида гапира бошладилар ва бу ғояларнинг нималигини идрок этдилар. Жиноятчига айланганларида, адолатни ўйлаб чиқардилар, уни ҳимоя қилиш мақсадида, ўзлари учун бутун бошли қонунлар ўйлаб чиқардилар ва бош кесувчи машиналарни уларга посбон қилиб қўйдилар. Улар ўзлари бой берган ҳаёт тарзини эласэлас эслардилар, қачонлардир бегуноҳ ва бахтиёр бўлганларига кўпинча ишонгилари ҳам келмасди. Улар мозийда шунчалик бахтли бўлганликларини хом хаёл деб ўйлардилар ва унинг устидан кулардилар. Уни ҳатто бутун шакл-шамойили билан тузукроқ тасаввур ҳам қилолмасдилар, лекин қизиқ жойи шундаки, кечмиш саодатга ишончни йўқотиб, уни эртак деб ўйлаш баробарида улар қайтадан бегубор ва бахтиёр бўлишни шундай орзу қилдиларки, ўз орзуларига банди бўлиб унга илоҳий тус бердилар, шу интилиш йўлида ибодатхоналар тикладилар. Ўз ғоялари ва орзуларининг рўёбга чиқмаслигига ишониб туриб, кўз ёшлари билан уни илоҳийлаштирдилар, унга саждалар қилдилар. Лекин ўша масъуд ва масъум дамларга қайтиш имкони туғилиб, кимдир: «Унга қайтишни истайсизми?» — деб сўраса, улар, шубҳасиз, бош тортган бўлардилар.

Улар менга: «Ҳа, биз ёлғончимиз, золим ва адолатсизмиз, биз буни биламиз, ўз ҳолимизга йиғлаймиз, бунинг учун азоб чекамиз. Эҳтимолки, биз ўзимизни охиратда барчамизни сўроққа тутувчи ҳакамдан кўра қаттиқроқ жазолармиз. Лекин бизда илм-фан бор, биз унинг ёрдамида қайтадан ҳақиқатни излаймиз, бироқ энди уни онгли равишда қабул қиламиз. Билим туйғудан юксакроқ, ҳаётни англаш ҳаётнинг ўзидан юксакроқ! Илм бизга донолик бахш этади, донолик қонунларни кашф қилади, бахт қонунларини билиш эса бахтнинг ўзидан олийроқ!», — дедилар. Бу гаплардан кейин уларнинг ҳар бири ўзини баттарроқ ёмон кўриб кетди, бошқача йўл тутиш уларнинг қўлидан келмасди. Ҳар ким ўз шахсига шу даражада берилдики, бутун кучи билан бошқалар шахсини ерга уришга интилди, балки ҳаётини ҳам шунга қурбон қилди.

Қуллик пайдо бўлди, одамлар ҳатто ўз эрки билан қул бўла бошлашди. Кучсизлар кучлиларга бажонидил итоат этдилар, чунки яна ҳам кучсизларни эзишда кучлилар уларга ёрдам берардилар. Улар орасидан руҳонийлар етишиб чиқди, кўз ёшлар билан халққа юзланиб, уларнинг мағрурликлари, меъёрни, уйғунликни йўқотиб қўйишгани, шарм-ҳаёни унутишгани ҳақида ваъзнасиҳат ўқидилар. Одамлар эса уларни масхара қилишди ёки тошлар билан уришди. Муқаддас қон саждагоҳлар остонасига тўкилди. Аммо орадан олам ҳақида жиддий бош қотирадиганлар ҳам етишиб чиқди. Улар, одамлар шундай бирлашсаки, ўзларини барчадан ортиқ севганлари ҳолда бошқаларга ҳам ҳалал етказмасалар, шу асосда ҳамма ихтиёрий жамият бўлиб яшаса, дея ўйладилар. Бу ғоя туфайли бутун бошли урушлар келиб чиқди. Курашаётганларнинг барчаси илм-фан, тафаккур ва ўз-ўзини асраш туйғуси ахийри инсонларни тотув ва онгли жамият бўлиб яшашга мажбур этади, деб ишонди. Шу сабабли ҳам ўз йўлининг тантанасига ҳалақит бермасин учун «доно»лар «нодон»ларни, мазкур ғояни тушунмайдиганларни тезроқ янчиб ташлашга интилдилар. Лекин инсондаги ўз-ўзини асраш туйғуси ҳам тезда кучсизланиб қолди. «Бўлса, ҳаммаси бўлсин, бўлмаса, ҳеч нима бўлмасин» дегувчи мағрур зўравонлар ва ишратпарастлар пайдо бўлди. Улар мақсадларига эришиш учун разилликка

А. АКБАРХЎЖАЕВ расми

қўл урдилар, муддаоларига етолмасалар ўз жонларига қасд қилдилар. Арзимас бу дунёда абадий ором олиш учун йўқликка, ўз-ўзини емиришга даъват этувчи диний оқимлар юзага келди. Ниҳоят, бу одамлар маънисиз меҳнатдан толишди, уларнинг юзига азоб-уқубат аломатлари қалқиб чиқди, улар «азоб-уқубат — бу гўзаллик, фақат ундагина чинакам фикр бор» деб оламга бонг урдилар. Улар азоб-уқубатни қўшиққа солиб куйладилар. Мен надомат чекиб уларнинг орасида юрдим, уларнинг ҳолига йиғладим ва уларга, эҳтимолки, ҳали юзларига азоб нуқси урмаган, бегуноҳ ва гўзал бўлган пайтларидагидан ортиқроқ меҳр қўйдим. Мен гуноҳга ботган бу тупроқни олдингидан кўпроқ севиб қолдим. Сабаби — унда ғам-андуҳ пайдо бўлди. Эвоҳ, мен ғам-аламни азалдан яхши кўрардим, лекин фақат ўзим учун. Уларга эса раҳмим келиб йиғлардим. Мен умидсизликка тушиб, ўзимни айблаб ва лаънатлаб, уларга юзландим: «Булар ҳаммасини мен, ёлғиз менинг ўзим қилдим, сизларга фаҳшни, маразни, ёлғонни мен, мен олиб келдим». Яна уларга: «Мени хочга парчинлаб қўйинглар», — деб ялиндим ва хочни қандай ясашни ўргатдим. Мен ўзимни ўлдиролмасдим, бунга қурбим етмасди, мен улар қўлидан жабр кўришни, бу қийноқларда қоним сўнгги томчисигача тўкилиб битишини истардим. Аммо улар нуқул менинг устимдан кулардилар. Охири улар ҳам мени телбага чиқардилар. Бироқ улар мени оқладилар, мендан фақат ўзларига керакли нарсаларнигина олганларини, бу воқеалар рўй бермаслиги мумкин эмаслигини айтдилар. Охири мен уларга хавф туғдираётганимни, агар тилимни тиймасам, жиннихонага қамаб қўяжакларини маълум қилдилар. Шунда қайғу-алам юрагимни чунонам сиқдики, мен, ҳозир ўламан, деб ўйладим ва шу чоқ, шу чоқ уйғониб кетдим.

Ҳали, тонг оқармаган, соат олтилар эди. Мен ўша кресломда уйғондим. Шам ёниб адо бўлибди, капитаннинг уйидагилар ҳам ухлашибди, ҳамма ёқ сув қуйгандек осуда. Мен фавқулодда бир таажжуб билан ўрнимдан отилиб турдим. Мен ҳали ҳеч қачон бунақа алаҳламаган, ҳали бирор марта кресломда, масалан, шундай ухлаб қолмаган эдим. Шу чоқ, туриб эндигина ўзимга келган пайт бирдан тўппончамга кўзим тушди — таптайёр, ўқланган. Лекин мен бир лаҳзага уни ўзимдан четга суриб қўйдим. О, энди мен яшашим керак, яшашим! Мен кўлларимни кўтариб мангу Ҳақиқатга нидо қилдим, йўқ, нидо қилмадим, йиғладим. Вужудимни чексиз бир ҳаяжон қамради. Ҳа, мен энди яшашим ва тарғиб этишим керак! Тарғиб этиш ҳақида мен шу ондаёқ, бир умрга аҳд қилдим. Лекин нимани? Ҳақиқатни! Ахир, мен уни, унинг бутун шон-шавкатини ўз кўзларим билан кўрдим.

Мен ўшандан бери тарғиботдан тўхтамайман. Бундан ташқари, устимдан куладиганларни бошқалардан кўпроқ севаман. Нега бундай — менга ноаён. Майли, шундай бўлаверсин. Одамлар айтишича, мен ҳали ҳам адашиб юрган эмишман, яъни улар: «Ҳали ҳам адашиб юрган бўлсанг, бу ёғи нима бўлади?» — демоқчи. Тайин гапки, мен ҳали кўп адашаман, у ёғи балки бундан ҳам баттар бўлар. Албатта, қай йўсинда, қандай сўзлар ва мисоллар билан тарғиб этишни ўргангунча, мен ҳали кўп янглишаман, чунки бу осон иш эмас. Мен-ку у ҳақиқатларнинг ҳаммасини кундек равшан кўриб турибман, лекин, барибир, ким ҳам янглишмайди, дейсиз. Яна шуниси борки, аслида мутафаккирдан тортиб ашаддий қароқчигача ҳамма ҳам бир манзилга боради, ёки ҳеч бўлмаса интилади, фақат турли йўллар билан. Бу — эски ҳақиқат. Фақат янгилиги шундаки, мен энди бутунлай йўлдан озиб кетишим мумкин эмас. Чунки мен ҳақиқатни кўрдим, мен ўз кўзларим билан кўрдим ва билдимки, одамлар ерда яшаш қобилиятини йўқотмай туриб камолатга ва бахтга етишиши мумкин. Мен разиллик одамларнинг табиий ҳолати эканлигига ишонолмайман, ишонишни истамайман ҳам. Улар эса айнан мана шу ишончимдан куладилар. Ахир, қандай қилиб мен бунга ишонмай, мен уни ақл билан кашф этганим йўқ, балки рўй-рост кўрдим-ку, унинг жонли сурати менинг юрагимни мангуга файзиёб этди-ку. Мен уни шундай мукаммал бир бутунликда кўрдимки — унинг одамлар орасида тантана қилиши мумкин эмаслигига ишонолмайман. Шундай экан, мен қандай қилиб бутунлай янглишиб кетишим мумкин?! Албатта, вақти билан у ён-бу ёнга салпал оғиб кетишим мумкин, лекин бу ҳол узоқ давом этмайди. Кўрганларимнинг жонли сурати доимо менинг билан бирга бўлади ва мени ҳамиша тўғри йўлга бошлаб туради. О, мен энди бардамман, соғломман, керак бўлса, мингга ҳам киришим мумкин. Биласизми, мен аввалига уларни йўлдан оздирганимни яширмоқчи бўлдим, аммо бу менинг хатоим эди, мен битта хатога ҳам йўл қўйиб улгурдим. Бироқ Ҳақиқат ёлғонга тойиб кетаётганимни менинг қулоғимга шипшиди, мени хатодан асраб, тўғри йўлга солди.

Хўш, қандай қилиб жаннат яратиш керак — мен буни билмайман, чунки сўз билан ифодалаб беролмайман. Ўша тушдан сўнг мен сўзларимни, ҳеч бўлмаса, уларнинг энг заруррларини унутиб қўйдим. Бу ҳам майли. Мен барибир йўлга тушаман ва ҳориш нималигини унутиб уларга барчасини сўзлаб бераман, зеро, яхши баён этиб беролмасам-да, ҳар ҳолда мен уни ўз кўзларим билан кўрдим. Мана бу масхаравозлар эса тушунмайди, «Туш кўрган, телба, алаҳлаган, галлюцинация!» — дейди. Эҳ! Ахир, шу ҳам ақлданми? Тағин улар кўкрагига ураги-я. Туш эмиш. Хўш, туш нима ўзи? Бизнинг ҳаётимизчи, туш эмасми? Нима десангиз, денг; майли, булар ҳеч қачон амалга ошмасин, жаннат ҳеч қачон яралмасин, мен барибир тарғиб қилавераман. Лекин аслида бу жуда оддий нарса: бир кун, бир соатнинг ўзида ҳамма ишлар жойида бўлиши мумкин. Муҳими — ўзгаларни ҳам ўзингиздек сева олиш! Кўрдингизми, энг муҳим нарса нима экан! Бор-йўғи шу, бошқа ҳеч нима керакмас: нари ёғига қандай йўл тутишни ўша заҳотиёқ ўзингиз топиб оласиз. Гап орасида айтишим керакки, булар ҳаммаси эски ҳақиқат. Уни миллион эмас, биллион марталаб такрорлаганлар, ўқиганлар, лекин улар амалга ошмади. «Ҳаётни англаш ҳаётнинг ўзидан, бахт қонунларини англаш бахтнинг ўзидан олийроқ» — мана шу фикр билан курашиш керак. Мен курашаман ҳам. Фақат агар ҳамма хоҳласа, шу заҳотиёқ барчаси ўнгланади.

У кичкина қизчани мен излаб топдим... Майли, мен кетдим! Мен кетдим!

Рус тилидан Мирзаахмад ОЛИМОВ таржимаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АНИҚ ФАНЛАР

VI тур топшириқлари
МАТЕМАТИКА:

1. Менинг жияним n ёшга n^2 йили тўлади. У қайси йили туғилган?

2. Тўғри тўртбурчак шаклидаги қоғоз вараги учта учбурчакка ажратилган. Улардан бирининг юзи қолган иккитаси юзлари йиғиндисининг ярмига тенг бўлса, ҳосил бўлган бўлаклар юзларининг нисбати қандай бўлади?

3. Ага x, y, z лар мусбат сонлар бўлса, у ҳолда,

$$\frac{1}{x^3+y^3+xyz}+\frac{1}{y^3+z^3+xyz}+\frac{1}{z^3+x^3+xyz}\leqslant\frac{1}{xyz}$$

эканини исботланг.

4. Сутка давомида соатнинг учта соат, минут ва секунд стрелкалари жуфт-жуфти билан ўзаро 120°ли бурчак ҳосил қиладиган моменти мавжудми?

5. Агар $0<\alpha<\frac{\pi}{4}$ бўлса, у ҳолда $ctg\alpha>1+ctg2\alpha$ эканини исботланг.



ФИЗИКА:

1. Вертолёт вертикал йўналишда $a=3$ м/с² тезланиш билан бошланғич тезликсиз юқорига кўтарилмоқда. Қандайдир t_1, вақтда учувчи моторни ўчирди. Учиш жойида товуш $t_2=30$ с дан кейин эшитилмай қолди. Вертолетнинг мотори учирилган пайтдаги V тезлигини аниқланг. Товуш сезлигини C=320 м/с деб олинг.

2. Пўлат шарча идишдаги симоб сиртида сузмоқда. Симоб сиртига шарчани кўмгунча сув қуйилган. Мазкур ҳолда шарчанинг симобга ботган қисмининг ҳажмини аниқланг.

3. Қандайдир планета сув туйинган бўғининг босими $P_0=760$ мм. сим. уст. тенг бўлса, сув бўғининг зичлигини аниқланг.

4. R қаршилик, сиғимлари C_1 ва C_2 конденсаторлар ва ЭЮК E тенг бўлган батарея расмда кўрсатилгандек уланган. Калит K ни биринчи ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтказилганда, қаршиликда ажралиб чиққан иссиқлик миқдорини аниқланг.



5. Радиуси R=5 см бўлган ф сферик кўзгуга, оптик ўқига параллел ҳолда икки нур тушмоқда. Оптик ўққа нисбатан биринчи нур $h_1=0,5$ см, иккинчи нур эса, $h_2=3$ см масофада ўтади. Кўзгудан қайтган нурларнинг оптик ўқ билан кесишган нуқталари орасидаги △X масофани аниқланг.

Э. НАЗИРОВ,
профессор, ТошДУ кафедра мудири.

ХИМИЯ:

1. А, Б ва В элементлари берилган. А элемент Б элемент билан, Б элемент В элемент билан газсимон бирикмалар ҳосил қиладилар ва бу бирикмаларнинг сувдаги эритмалари лакмус қоғозни қизил рангга бўяйди. А нинг Б билан ҳосил қилган бирикмаси ва Б билан В нинг ўзаро ҳосил қилган бирикмаси реакцияга киришганда Б ва сув ҳосил бўлади. А, Б ва В элементларни ва кўрсатилган бирикмаларни аниқланг. Тегишли реакция тенгламаларини ёзинг.

2. Маълум миқдордаги металлни эритиш учун масса улуши 20 процент бўлган хлорид кислотадан 109,5 г сарф бўлган. Бунда масса улуши 25,7 процентга тенг бўлган металл хлорид эритмаси ҳосил бўлган. Хлорид кислотада қайси металл эритилганини аниқланг.

3. Хлориди алангани сариқ рангга бўяйдиган металлнинг ўрта тузига мўл миқдорда хлорид кислота таъсир этдирилганда таркибида 50 процент олтингугурт тутган 3,2 г олтингугурт оксид ва 1,6 г эркин олтингугурт ажралиб чиқади. Дастлабки туз формуласини ва миқдорини аниқланг.

4. Уч элементдан ташкил топган модданинг 2,7 миқдорига газсимон хлор билан ишлов берилган. Бунинг натижасида металлар хлоридлари аралашмаси, ҳамда нормаль шароитда 4,48 л водород хлорид ҳосил бўлган. Агар шу модда таркибидаги металлардан бирининг бошланғич модда таркибидаги миқдори 42,59 процент ва унинг хлориди таркибидаги миқдори 39,32 процентга тенг эканлиги маълум бўлса, бошланғич модданинг формуласини аниқланг.

5. Мураккаб моддалар кислородда ёниши натижасида оддий модда ҳосил бўлиши мумкинми? Мисоллар келтиринг ва тегишли тенгламаларни ёзинг.

А. МУФТАХОВ

1-тур жавоблари
МАТЕМАТИКА:

1. 1988 сонининг чап ва ўнг томонларига биттадан рақамни қўйингки, натижада ҳосил бўлган сон 15 га бўлинсин.

Ечиш. x1988 у изланган сон бўлсин, x, y аниқланиши керак бўлган рақамлар. Масала шартига биноан изланаётган сон 15 га бўлинади, яъни 5 ва 3 га бўлинади. Шунинг учун ҳам ё y=0 ёки y=5 бўлиши мумкин.

а) y=0 бўлса x19880 бўлади. 3 га бўлиниш аломатига биноан изланаётган соннинг рақамлари йиғиндиси x+1+9+8+8+0=x+26 ҳам 3 га бўлинади. Бундан x=1, 4, 7 лар бўлиши мумкинлигини топиш қийин эмас.

б) y=5 бўлганда x19885. Бу сон 3 га бўлинганлиги учун x+1+9+8+8+5=x+31 ҳам 3 га бўлинади. Бундан эса x=2, 5, 8 лар бўлиши мумкинлиги келиб чиқади. Демак, 119880, 419880, 719880, 219885, 519885, 819885 ларни топамиз.

2. Тўғри бурчакли учбурчакнинг катетларидан бири 13 сантиметрга тенг. Қолган икки томони бутун сонлар билан ифодаланиши маълум бўлса, шу томонларнинг узунликларини топинг.

Ечиш. Гипотенуза узунлигини x, номаълум катет узунлигини y десак, у ҳолда қуйидаги тенгламага эга бўламиз:

$x^2-y^2=13^2$

ёки $(x+y)(x-y)=169$.

Бундан $x+y=\frac{169}{x-y}$

Лекин x+y бутун сон бўлганлиги учун ҳам x—y бутун сон бўлади. Демак, 169 сони x—y га бўлинади, яъни x—y айирма 1,13 ва 169 бўлиши мумкин. Аммо x—y сони 13 ва 169 ларга тенг бўла олмаслигини аниқлаш қийин эмас, чунки учбурчакнинг икки томони айирмаси учинчи томонидан кичик.

Демак, $\begin{cases}x-y=1,\\x+y=169\end{cases}$ бундан x=85,

y=84 ларни топамиз, яъни гипотенуза 85 см, катет 84 см.

3. Икки ва учдан бошқа ихтиёрий туб соннинг квадратини 12 га бўлганда бир қолдик қолишини исботланг.

Ечиш. Учдан катта ихтиёрий туб сон 6n+1 ёки 6n+5 кўринишида бўлади. $(6n+1)^2=36n^2+12n+1$ ни 12 га бўлсак бир қолдиқ қолади. $(6n+5)^2=36n^2+60n+25=12(3n^2+5n+2)+1$ ни ҳам 12 га бўлсак бир қолдиқ қолади. Шуни исботлаш талаб қилинган эди.

4. Дастлабки 1988 та натурал сондан 995 та сонлар олинган. Булар орасида бири иккинчисига каррали бўлган албатта, иккита сон борлигини исботланг.

Ечиш. Ҳар қандай натурал сонни $2_{m\cdot p}$ кўринишида қўйиш мумкин, бунда m — манфиймас бутун сон, p — тоқ сон. Масалан, $5=2^0\,5$, $8=2^3\cdot 1$, $36=2^2\cdot 9$ ва ҳоказо.

Бирдан бошлаб 1988 гача натурал сонлар орасида 994 та тоқ сон бор. 1 дан 1988 гача барча натурал сонларни $2_{m\cdot p}$ кўринишида ёзсак, у ҳолда булар орасидаги p кўринишидаги тоқ сонлар ҳам 994 тадан кўп эмас. Шунинг учун ҳам ихтиёрий олинган 995 сонлар орасида камида иккитасида p сонлари бир хил бўлиши шарт. Ўша бир хил тоқ сонлисининг каттасининг кичигига нисбати бутун сон бўлади, яъни каттаси кичиги учун каррали бўлади. Шуни исботлаш керак эди.

5. Қаварик кўпбурчакда энг кўпи билан қанча ўткир бурчаклар бўлиши мумкин?

Ечиш. Фараз қилайлик, қаварик n бурчаклик m та ўткир бурчакларга эга бўлсин. У ҳолда унинг ўткир бурчаклари йиғиндиси $90^0m+180^0(n-m)$ дан кичик бўлади. Иккинчи томондан ички бурчаклари йиғиндиси $180^0(n-2)$ га тенг бўлади. Шунинг учун

$$180^0(n-2)<90^0m+180^0(n-m),$$

яъни m<4. Лекин, m бутун сон бўлганлиги учун m⩽3 бўлади. Шундай қилиб, энг кўпи билан учта ўткир бурчакка эга бўлиши мумкин экан.

Бадриддин РИХСИЕВ
Тошканбой ҚУРҒОНОВ

Физикадан 1-тур масалалари ечими

1-масала.

Ечиш: Симоб лампа ультрабинафша нурларнинг манбаидир. Кварц шиша бу нурларни анча яхши ўтказади. Шунинг учун симоб лампанинг колбаси кварц шишадан ясалади.

2-масала.

Берилган: $m_e=9,1\cdot 10^{-31}$ кг; $|e|=1,6\ 10^{-19}$ $K_л$; $q=1,6\ 10^{-19}K_л$;
$r=0,5\ 10^{-8}=0,5\ 10^{-10}$ м

Топиш керак: V — ?

Ечилиши: Ньютоннинг иккинчи қонунига асосан ҳаракатланаётган электронга таъсир этаётган куч

$$F=ma \qquad (1)$$

Иккинчи томондан шу электронга таъсир этаётган Кулон кучи мавжуддир яъни,

$$F=\frac{eq}{4\pi\varepsilon_0\varepsilon r^2} \qquad (2)$$

www.ziyouz.com kutubxonasi

АКАДЕМИЯСИ

Электрон доиравий орбита бўйича ўзгармас тезлик билан ҳаракатланиши натижасида унинг тезланиши марказга йўналган бўлади.

(3) $a_m = \frac{v^2}{r}$ (3)

(3) ва (2) ни (1) — чи тенгламага қўйсак қуйидаги тенглик ҳосил бўлади.

$$\frac{eq}{4\pi\varepsilon_0\varepsilon r^2} = \frac{mv^2}{r}$$

у ҳолда

$$v = \sqrt{\frac{eq}{4\pi\varepsilon_0\varepsilon m r}} = \sqrt{\frac{1,6\cdot10^{-19}\cdot 1,6\cdot10^{-19}}{4\pi\frac{1}{4\pi\cdot9\cdot10^9}\,9,1\cdot10^{-31}\cdot0,5\cdot10^{-10}}} =$$

3-масала. $= 2\cdot24\cdot10^6$ м/с

Берилган: $m_1=m_2=m=200$ г$=0,2$ кг; $T=273$ К; $N=10$ Вт

Топиш керак: t — ?

Ечилиши: Моторнинг бажарган иши $A=N\cdot t$ га тенг бўлади. Музнинг эриши учун лозим бўлган иссиқлик миқдори эса

$Q=\lambda\cdot m$ га тенг.

Масала шартига кўра $A=2Q$ бўлиши керак. Демак,

$Nt=2\lambda m$

тенглама ҳосил бўлади.

Бундан

$$t=\frac{2\lambda m}{N}=\frac{2\cdot3,3\cdot10^5\cdot0,2}{10}=3,7\text{ с.}$$

4-масала:

Берилган: $m=0,24$ кг; $N=1$ кВт; $t=1$ соат; $q=4,6\ 10^7$ Ж. кг.

Топиш керак: n — ?

Ечилиши: 1 кВт қувватга эга бўлган ички ёнув двигатели 1 соатда қуйидаги миқдорда иш бажаради.

$A_ф=N\cdot t=1000$ Вт$\cdot$ 3600 с$=3,6\ 10^6$ ж

Сарфланган энергия эса,

$A_c=Q=qm=4,6\cdot10^7\cdot0,24=1,1\cdot10^7$ ж

Двигателнинг Ф. И. К. қуйидагига тенг бўлади.

$$n=\frac{A_ф}{A_c}100\%=\frac{3,6\cdot10^6}{1,1\cdot10^7}\cdot100\%=33\%$$

5-масала.

Берилган: $l_{min}=100$ m; $l_{max}=10^5$m; $C=3\cdot10^8$ м/с

Топиш керак: τ — ? V — ?

Ечилиши: Қисқа масофага юборилган сигнал нишонга бориб қайтиб келгунча t_1 вақт ўтади. Бу вақт эса импульснинг давомийлигидан катта ёки тенг бўлиши керак.

$$\tau=t_1=\frac{2l_{min}}{c}=\frac{2\cdot100}{3\cdot10^8}=7\cdot10^{-7}\text{ с.}$$

Узоқ масофага юборилган сигнал нишонга бориб қайтиб келгунча t_2 вақт ўтади. Бу вақт эса импульснинг давридан катта бўлиши мумкин эмас. У ҳолда

$$t_2=\frac{2l_{max}}{c}=T=\frac{1}{\nu}$$

$$\nu=\frac{c}{2l_{max}}=\frac{3\cdot10^8}{2\cdot10^5}$$

Химия:

1. Азот фиксацияси бу атмосферадаги азотни ўсимликлар ўзлаштираоладиган бирикмалар ҳолига ўтказиш процессидир.

Бундай процесслар бир нечта:

1. Аммиакни азот ва водороддан синтез килиш: $N_2+3H_2\rightleftarrows2NH_3$ (азот ўғитлари олинади)

2. Азот билан кислород орасида бирикиш реакциясини юқори температурали электр ёйи ёки плазма ускуналарида олиб бориш:

$N_2+O_2\rightarrow2NO\rightarrow NO_2$ — (нитратлар олинади)

3. Азот билан металлар бирикиб, ҳосил бўлган нитридларни кислота ёрдамида парчалаш:

$Mg+N_2\rightarrow Mg_3N_2\xrightarrow{HCl}NH_3$

4. Азотни микроорганизмлар иштирокида боғлаш.

5. Микроорганизмдаги ферментлар ёрдамида азотни боғлаш.

6. Азот боғланган комплекс бирикмаларни эритмаларда каталитик қайтариш.

2. а) Бертоле тузига озгина катализатор сифатида MnO_2 дан қўшиб қиздирилади:

$$2KClO_3\xrightarrow{MnO_2}2KCl+3O_2$$

б) қолдиқ KCl га концентрланган сульфат кислота қўшиб озгина қиздирилса газ ҳолдаги HCl ҳосил бўлади:

$$KCl+H_2SO_4\rightarrow KHSO_4+HCl$$

в) ҳосил бўлган HCl ни сувда эритиб (мумкин қадар концентрланган эритма ҳосил қилишга интилиш керак) унга MnO_2 дан аралаштириб қиздирилса Cl_2 гази олинади:

$$4HCl-MnO_2=MnCl_2+2H_2O+Cl_2.$$

Шу реакциялар натижасида Бертоле тузида хлор борлигини тасдиқлаш мумкин.

3. 2 ва 5 газлар (Б нинг водородли ва кислородли бирикмалари) аралашганда оддий модда Б ҳосил бўлиши водород сульфид (2 модда) билан сульфит ангидрид (5 модда) орасидаги реакция натижасида эркин олтингугурт — Б ҳосил бўлишини акс этдиради:

$$2H_2S+SO_2\rightarrow2H_2O+3S$$

Ундай бўлса, қуйидаги нисбатан 1,25:1:0,375=40:32:12 изланаётган бошланғич элементлар Ca, S ва C ни аниқлаймиз.

Содир бўлган реакция тенгламалари:

$Ca+H_2=CaH_2$(1); $2Ca+O_2=2CaO$(4);
$S+H_2=H_2S$(2);
$C+2H_2=CH_4$(3);
$S+O_2=SO_2$(5); $C+O_2=CO_2$(6);
$CaH_2+CaO+2H_2O=2Ca(OH)_2+H_2$;
$Ca(OH)_2+SO_2=CaSO_3+H_2O$;
$Ca(OH)_2+CO_2=CaCO_3+H_2O$;
$CaCO_3+2HCl=CaCl_2+CO_2+H_2O$;
$CaSO_3+2HCL=CaCl_2+SO_2+H_2O$
$2H_2S+O_2\rightarrow2H_2O+2S$;
$2H_2S+3O_2\rightarrow2SO_2+2H_2O$;
$CH_4+2O_2=CO_2+2H_2O$

Элементларнинг электрон конфигурациялари:
C — $1S^22S^22p^2$; S — $1S^22S^22p^63S^23p^4$;
Ca — $1S^22S^22p^63S^23p^64S^2$

4. 18 г сувни электролизи натижасида 2 г водород ва 16 г кислород ҳосил бўлади. Альдегидни оксидланиши ва қайтарилиши қуйидагича бўлади:

$$2CH_3CHO+H_2=2CH_3CH_2OH$$
$$2CH_3CHO+O_2=2CH_3COOH$$

Агар альдегидлар тенг икки қисмга бўлинганда ҳосил бўлган этилацетат:

$$CH_3CH_2OH+HOOCCH_3\xrightarrow{-H_2O}CH_3-CH_2-O-\overset{O}{\overset{\|}{C}}-CH_3$$

88 г бўлиши, ёки реакция унумини ҳисобга олганда 79,2(88$\cdot$ 0,9) г бўлар эди. Масала шартида олинган эфир массаси бу миқдорнинг 1/5 қисмини ташкил этади. Демак, реакцияда этил спирти ёки сирка кислотани ҳосил қилиш учун альдегиднинг 0,1 қисми олинган. Демак, альдегиднинг бошланғич миқдори 1:9 нисбатда бўлинган экан.

КРОССВОРД

Энига: 3. Ўзбек халқ рақси куйи. 6. Тошкент областидаги янги шаҳарлардан бири. 7 Металл ва ёғочларда кичик тешиклар очадиган асбоб. 11. Спорт ўйини. 16. Усти гумбаз шаклида беркитилган сунъий ҳовуз. 18. Гўзаллик синоними. 20. Ўзбек халқ достонларидан бири. 23. Турли ашёлар ясаш учун белгиланган қурилма. 24. Оёқлари узун ботқоқлик қуши. 27. Таниқли француз микробиолог ва кимёгар олими. 28. Ҳамзанинг машҳур драмаси қаҳрамони. 29. Ип ёки ипак газлама тури. 30. Марказий ва Шарқий Осиёдаги давлат пойтахти. 31. Бўёқ тайёрлашда ишлатадиган, таркибида қўрғошин оксиди бўлган минерал. 32. От-улов анжоми.

Буйига: 1. Майин ва оқ жунли қўй зоти. 2. Саноат корхонаси тури. 4. Ўзига иссиқлик ва электрни яхши ўтказадиган, кимёвий элемент ёки қотишма. 5. Қоннинг суюқ таркибий қисми. 8. Техникада ишлатиладиган, юпқа қатламларга ажралувчан минерал. 9. Краснодар ўлкасидаги қаҳрамон шаҳар. 10. Маҳсулот ва асбоб анжомлар сақланадиган бино. 12. Рўзғор буюми. 13. Сув кучи билан ҳаракатланадиган шоли оқлаш қурилмаси. 14. Вафодорлик сўзининг синоними. 15. Ҳ. Ҳ. Ниёзий драматик асарларидан бирининг қаҳрамони. 17. Қамишдан тўқилган тўшама. 19. Ўзбекистондаги кимёгарлар шаҳри. 21. Илдизи кўпикланувчи моддага бой ўсимлик. 22. Нурота тоғларидаги тизма. 25. Тропик мамлакатларда ўсадиган қамишсимон ўсимлик. 26. Танаси ўймакорликда ишлатиладиган дарахт.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.



www.ziyouz.com kutubxonasi

САРҒАЙҒАН САҲИФАЛАРДАГИ САБОҚЛАР

Бешинчи сабоқ

Машҳур совет шахмат мастери, педагоги ва психологи Б. Блюменфельд бу лекциясини 1934 йил 26 августда ўқиган эди.

Позициявий ўйин ҳақида бир неча сўз. Ҳозирги замон позициявий ўйинининг аҳамияти нимада ўзи? Унинг асосий принципи шахмат ўйинида ҳеч қандай тасодифотлар йўқлигидан иборатдир. Шахмат комбинацияси позициянинг ўзида объектив сабабларга эгадир. Бу позиция қандай пайдо бўлади? Буни шахмат тахтасида ўзингиз барпо киласиз. Партиянинг энг бошида шарт-шароитлар юзага келтирилиб, унда позициявий ҳамда комбинациявий мотивлар пайдо бўлади. Шу билан бирга бу мотивлар бир-бири билан чамбарчас боғликдир. Позициявий ўйин олға қўйилган қадам, яъни шахмат санъатининг кейинги ривожидир.

Позициявий ўйиннинг жон жойи нимадан иборат? Пиёдалардан. Илгари бу омилни тушунишмаган ва эътиборга олишмаган...

Мен аввалги лекцияларимда сизларни комбинацияларни топишга ўргатдим, дейди Б. Блюменфельд. Энди сизларни позицияларни мустақил баҳолашга ўргатаман.

Ўйин бошида сизда 8 сипоҳу 8 пиёда бор; рақибингизда ҳам худди шундай. Хўш, ҳал қилувчи яхши ўйин нимадан иборат экан?

Шахмат — соф стратегия, соф тактикадир. Ким фронтнинг ҳал қилувчи участкасида тенг куч билан устунликка эришган бўлса, ўша ютади.

Шундай қилиб, фронтнинг мазкур участкасидаги кучлар устунлиги ва доналарнинг кўнгилдагидек жойлашуви ҳужум муваффақиятини таъминлайди. Бу доналарнинг яхши жойлашувини пиёдалар белгилайди. Бу икки асосий принципдан позициявий ўйиннинг барча бошқа принциплари келиб чиқади.

Марказни эгаллаш ва уни ушлаб қолиш жуда муҳимдир. Бунда ўз кучларини фронтнинг бир участкасидан иккинчисига олиб ўтиш осон бўлади. Агар мен ўз сипоҳимни рақиб қаровгоҳидаги заиф хонада мустаҳкамлай олсам, у рақибга ўз кучларини бир томондан иккинчисига олиб ўтишга халақит бериб туради.

Қуйидаги позиция 1927 йили Москвада ўтказилган СССР У биринчилигида ўйналган **Ильин-Женевский-Смородский** партиясида юзага келган.



Юриш оқлардан. Мавқе жиҳатидан улар муайян афзалликка эга. От жуда яхши хонага тушиб олган. 5 хонаси ҳали заиф эмас. Қора «g» пиёдаси бўлмаганда эди, у заиф бўларди. Қора от e5 да зўр турибди. Оқлар қандай қилиб ҳужум бошласа бўлади?

Ҳозир 18.f4 сўнгра 19. Фg4 ўйнаш керакка ўхшайди. Лекин пиёдани сурганимизда у энди орқага қайтмаслигини унутмаслигимиз керак. Ильин-Женевский жуда нафис **18.Фd5!** юришни қилар экан, пиёдага ҳужум бошлайди. Пиёдани ҳимоялаш керак. 18... Кс6 19 Фd5 ва энди b7—b6 дан кейин заифликлар барпо бўлиб, оқлар линияни очиши мумкин. Бордию 18... Фс6 бўлса, 19. a6! d6. Агар 19... Ф: d5 бўлса, 20. edb6 21. f4 дан сўнг от ютилади. Мабодо 19... Ф:c2 бўлса, 20.С:e5 Л:e5 21. ab, ва қоралар таслим бўлиши керак.

18... Фс6 19. a6 b6 20. f4 Ф: c2 (бўлмаса, қоралар бир сипоҳидан ажрайди) 21. С:e5fe 22. Лас1 Фb2 23. Л: c7 Л!8 ва ё 24. Л: c8 Л:c8 25. Ке7+ усули билан бир сипоҳни ютиб олади.

Смородский **18... с6** ўйнади. 18. **Фd5** юриши ана шундай жавобни кўзда тутилган эди.

19. Фd2 (рухни d1га юриш хавфини d5 бўлса, 19. a6! d6. Агар 19... Ф: d5 бўлса, 20. edb6 21. f4 дан сўнг от ютилади. Мабодо 19... Ф:c2 бўлса, 20.С:e5 Л:e5 21. ab, ва қоралар таслим бўлиши керак.

18... Фс6 19. a6 b6 20. f4 Ф: c2 (бўлмаса, қоралар бир сипоҳидан ажрайди) 21. С:e5fe 22. Лас1 Фb2 23. Л: c7 Л!8 ва ё 24. Л: c8 Л:c8 25. Ке7+ усули билан бир сипоҳни ютиб олади.

Смородский **18... с6** ўйнади. 18. **Фd5** юриши ана шундай жавобни кўзда тутилган эди.

19. Фd2 (рухни d1га юриш хавфини туғдириб) 19.. d5 20.Лad1de 21. Фf4.

Пиёда билан банд қилинмоқчи бўлган f4 хонаси ҳозир бизга яраб қолди. Энди шу хона орқали сипоҳларни шоҳ флангига ўтказамиз.

21... Кd6 22. Фd4 Фе6 23.f4 с5 24. Л:е4 Фс6 25. h4 Л: е4 26. fe Ксе7 27. h5 К: 5 28. Қоралар таслим бўлди.

Бу мисолда бутун ўйиннинг маъноси ва аҳамияти, позициявий жиҳатлар комбинациявий жиҳатлар билан қандай уйғунлашуви яққол кўринади. Ильин-Женевский позициявий таҳликалар оқибатида қандай қилиб ҳал қилувчи ҳужумга эга бўлганлигини кўрдингиз. Позициянинг маъзи пиёдаларда.







Дастлабки топшириқлар



Бўларнинг ҳаммасида оқлар бошлаб 2 юришда мот қилади.

Тўғри, жавоблар учун 2 юришли масалаларга иккитадан, 3 юришли масалаларга учтадан, кўп юришли масала ва этюд ҳамда амалий позицияларга тўрттадан очко берилади. Энг яхши натижа кўрсатган 10 иштирокчи журналимиз Фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Кучингизни синаб кўрмоқчимисиз?

Марҳамат!

Журналимизнинг ўтган йилги 2-сонидан бошлаб ҳар хил топшириқлар борган эдик. Ҳозир сизлардан келган юзлаб жавоб мактубларидан хулоса ясаш арафасидамиз. Ким қандай спорт разряди талабларини адо этганлигини келгуси сонда эълон қиламиз. Фақат бир нарсадан бохабар қилиб қўймоқчимиз: амалий партиялардан олинган мисолларга тўғри жавоб йўллаганлар унчалик кўп эмас. Модомики, кучингизга яраша спорт разрядига эга бўлмоқчи экансиз, амалий ўйиндаги маҳоратингизни кўрсатишингиз шарт. Бинобарин, айниқса шундай топшириқларга юборган жавобларингиз муҳим ўрин тутади.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЁШ КУЧ
МОЛОДАЯ СМЕНА

Ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий, безакли журнал

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ

1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

№ 2 (32) февраль, 1989

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти.

Бош редактор
Худойберди ТЎХТАБОЕВ
Редколлегия
Шоҳрух АКБАРОВ
Сергей БРИНСКИХ
Владимир ВОЛОТКО
(бош редактор ўринбосари)
Евгений ГРЕВЦОВ
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД
Мирза КЕНЖАБОЕВ
Эркин МАЛИКОВ
(масъул секретарь)
Латиф МАҲМУДОВ
Вадим НОВОПРУДСКИЙ
Мирвосил ОДИЛОВ
Ҳакимжон ПИРМУҲАМЕДОВ
Абдуғафур РАСУЛОВ
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ
Файзулла ҚИЛИЧЕВ

Бадиий редактор: Султон СУЛАЙМОНОВ
Техредактор Ғайбулла БАРИМОВ

«Ёш куч («Молодая смена») — ежемесячный общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал.

На узбекском языке
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Адресимиз: 700113, Тошкент — ЧГСП. «Правда» газетаси кўчаси, 60.

Телефонлар:
78-94-67, 78-75-94, 78-94-73,
78-48-85, 78-85-64, 78-57-84.

Редакция ҳажми 2 босма тобоқдан зиёд асарлар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёш куч» — «Молодая смена»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

«Ёш куч» — «Молодая смена» 2 февраль, 1989.

© «Ёш гвардия» нашриёти.

Босмахонага туширилди 21.12.88 й. Босишга рухсат этилди 11.02.89 й. Р-01049. Офсет усулда чоп этилди. Китоб-журнал учун офсет қоғози. Формати 70×108 1/8. Қоғоз ҳажми — 4 лист. Шартли босма листи 5,6. Шартли бўёқ нусхаси 16,8. Нашриёт босма листи 11,4. Тиражи 330000 нусха. Буюртма 4884. Баҳоси 35 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.

Тошкент 700000, Ленин проспекти, 41.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳаммаёқ оппоқ, оппоқ қор.

Р. ЯРУЛЛИН фотоси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сиз суратда Тошкент шаҳридаги 9-ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари ва улар тайёрлаган маҳсулотларни ҳамда бу ёшлар ўз дам олишларини қандай ташкил этаётганликлари ҳақидаги лавҳаларни кўриб турибсиз. Агарда сиз мазкур ёшлар қўли билан тайёрланган маҳсулотларни харид қилмоқчи бўлсангиз, Тошкентдаги «Злотинка» магазинига марҳамат қилинг.

А. КУДРЯШОВ фотоси.

Баҳоси 35 тийин
Индекс 75242

www.ziyouz.com kutubxonasi